

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 809,57 : 809,237
ББК: 81,2 (5 кор)
Ф-20

ФАЙЗИЕВ ФАРҲОД РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

**“Корейс тили соматик фразеологизмлари
ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси”**

5A220102 – ЛИНГВИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ
(корейс тили)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: фил.ф.н. доц. Ким Н.Д.

Тошкент – 2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-10
Корейс тили фразеологияси	11-13
I БОБ. КОРЕЙС ТИЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГРАММАТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ	14-45
1.1. Соматик фразеологизмларнинг лексик хусусиятлари	14-19
1.2. Соматик фразеологизмларнинг грамматик характеристикаси	20-40
1.3. Соматик фразеологизмларда лексик ва грамматик вариантланиш	41-45
II БОБ. КОРЕЙС ТИЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	46-96
2.1. Фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари	46-50
2.2. Соматик фразеологизмларнинг асосий маъно турлари	51-72
2.3. Миллий хусусиятли соматик фразеологизмлар	73-75
2.4. Соматик фразеологизмларнинг полисемантик, синонимлик ва антонимлик муносабатлари	76-82
2.5. Корейс тили соматик фразеологизмларини ўзбек тилига адекват таржима қилиш	83-96
ХУЛОСА	97-102
Фойдаланилган адабиётлар	103-109
1 - Илова. Соматизмлар рўйхати.....	110-111
2 - Илова. Соматизмларнинг маънолари	112
3 - Илова. Корейс тили соматик фразеологизмларининг қисқача изоҳли луғати	113-142

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, барча соҳаларда бўлгани каби таълим ва илм-фанда ҳам янги давр бошланди, айниқса ёшларнинг таълим-тарбиясига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ёшларни жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда”¹. Мустақиллик шарофати билан юртимизда хорижий тилларга бўлган эътибор кучаймоқда, чунки бутун дунёда глобаллашув ва интеграциялашув кучайган даврда хорижий тилларни ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”².

“Фразеологизмлар мураккаб тил ҳодисаси сифатида тилда сўз (лексик-семантик бирлик) ва сўз бирикмалари (синтактик бирлик) орасида турувчи бирлик ҳисобланади”³. Икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодаладиган фразеологизмлар, сўзлар каби тилнинг луғавий бирлигидир. Фразеологизмлар бирдан ортиқ сўздан ташкил топиши билан сўз бирикмаси ёки гап типига бўлса ҳам, лекин улар нутқ бирлиги бўлган бу бирликлардан тамоман фарқланади ва луғавий бирлик сифатида кўп жиҳатдан сўзларга яқин туради. Сўзларга хос бўлган жуда кўп хусусиятлар фразеологизмларга ҳам хосдир. Фразеологизмлар ҳам, худди сўзлар каби, шакл ва маъно бутунлигига эга. Сўзнинг шаклий томонини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997. 257 бет.

² Баркамол авлод орзуси. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли нутқидан. Т: Шарқ НМК, 1999. – 15 б.

³ Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978. – 11 с.

товушлар ташкил этса, фразеологизмларда эса шаклий томонни сўзлар ташкил қилади.

Фразеологизмлар ҳам худди мақол ва маталлар каби авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ушбу жиҳатдан, фразеологизмлар маълум халқнинг тарихи, маданияти, маиший ҳаёти, турмуш тарзи ҳамда айрим шахсларнинг хулқ-атворини акс эттириши билан маданий-информацион функцияни ҳам бажаради. Шунингдек, уларнинг айримларида экспрессивлик, сўзловчининг воқеа ва нарса-предметларга нисбатан субъектив, яъни ижобий ёки салбий муносабати, баъзиларида эса ходиса, нарса, белгининг сифат ёки миқдор тавсифи ўз аксини топган.

Тилнинг лексик таркибида фразеологизмлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар фикрни образли ва аниқ тарзда бериб, воқеликнинг ҳар хил томонини акс эттиради. Фразеологизмлар нафақат воқеликнинг очик кўринишини, балки уни характерлаштириб, унга маълум баҳо беради. Маънолар муносабатида улар ягона тушунчага тўғри келиб, предмет, жараён, ҳолат, сифат, хусусият ва усулни ифодалайди. Тилнинг умумий системаси билан муносабатда бўлган қонуниятларни ўзида намоён қилади.

Фразеологизмларни ўрганиш, шубҳасиз, тилшунослик фанини назарий ва амалий жиҳатдан бойитмоқда. Фразеологизмларни чуқур ўрганиш орқали фразеологизмларнинг умумназарий муаммолари бўлмиш фразеологиянинг паремиология билан алоқаси, фразеология объектини тор ва кенг маънода тушунишнинг моҳияти, фразеологизмларнинг бошқа тил бирликлари билан муносабати, фразеологизмларнинг тил ва нутқ бирлиги сифатидаги хусусиятлари тадқиқ қилинмоқда.

Замонавий тилшуносликда фразеологизмларнинг моҳияти ва уларни тилнинг бирлиги сифатидаги таърифи устида изланишлар давом этмоқда. Шунингдек, фразеологизмларнинг ҳажми хусусида ҳамда айрим тил бирликларини фразеологизм сифатида талқин қилишда тилшунослар орасида назарий қарама-қаршилиқлар мавжуд.

Фразеологизмларни ўз тадқиқотларида ўрганган тилшунослар фразеологизмларга турлича таъриф бериб ўтганлар. Масалан, рус тилшуноси В.В.Виноградов фразеологик бирликларнинг янада муҳим белгиси – бу сўзга нисбатан эквивалент ва синонимлик бўлишини олға суради⁴. Н.М.Шанский эса ўзининг “Фразеология современного русского языка” номли ишида қуйидаги таърифни беради: “Фразеологик бирлик – бу тайёр ҳолда ифодаланадиган тил бирлиги бўлиб, маъноси, таркиби, структурасига қараб бирлашган икки ёки ундан кўп сўзлардан ташкил топган”⁵. Шунингдек, тилшуноснинг таъкидлашича, фразеологик бирликларнинг муҳим жиҳати, бу уларнинг ифодаланишидир, чунки фразеологизмлар мулоқот жараёнида ясалмай, балки тайёр бутун бир бирлик сифатида ифодаланади. Булардан ташқари яна бир қанча таърифлар келтириш мумкин. Барча таърифлар фразеологизмларнинг тилда қанчалик муҳим ўринга эгаллиги ва долзарблигини кўрсатади.

Н.М.Шанскийнинг фикрича, фразеологик бирликлар тадқиқоди бир қатор муҳим ва қийин саволларни ҳал қилади. “Тилнинг аҳамиятли бирликларига, сўзнинг лексик маъно характерига, сўзларнинг ўзаро синтактик ва маъно мослашувига, сўзларнинг ташкил топиши ва этимологиясига тааллуқли масалалар ўз жавобини топади, шунингдек, орфографика, стилистика, бадиий нутқдаги бир қатор муаммолар ечилади”⁶.

Асосий тадқиқод объектимиз бўлган соматик фразеологизмлар (кейинги ўринларда СФ) ҳақида сўз юритишдан олдин, аввал соматизм тушунчасига изоҳ бериб ўтсак. Соматизм сўзи грекчадан олинган бўлиб, “*soma*” – “*тана*” деган маънони билдириб, одам ва ҳайвон тана аъзоларини ифодалайдиган от сўз туркумига мансуб сўзларга айтилади. СФлар тор ва кенг тушунилишга эга. Тор маънода тушунилганда, фақат одам тана аъзоларини ифодаловчи соматизмлардан таркиб топган фразеологизмлар назарда тутилади, кенг маънода тушунилганда, таркибида соматик компонент сифатида нафақат

⁴ Виноградов В.В. Русский язык. – Москва. Наука, 1972. – 639 с.

⁵ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. Москва. Высшая школа, 1985.- 160 с.

⁶ Ўша манба.

одам тана аъзоларини ифодаловчи, балки хайвон тана аъзоларини ифодаловчи сўзлар ҳам қатнашган фразеологизмлар назарда тутилади. Бундай фразеологик бирликлар ҳар бир тилда ўша тилнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тилдаги жами фразеологизмларнинг ўртача 25%ини ташкил қилади. Шубҳасиз, ҳар бир тилда соматик фразеологизмлар тилнинг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади.

Тилшуносликда биринчи бўлиб, “соматик” термини Ф.Бакк⁷ томонидан киритилган. У эстон тили фразеологизмларини тадқиқ қилиб, таркибида одам танаси аъзоларини ифодалайдиган сўзлар қатнашган (муаллиф уларни соматик деб номлаган) бирликларни фразеологизмларнинг энг қадимий қатламларидан бири деб хулоса чиқаради. Шунингдек, бутун СФларни 3 гуруҳга, яъни, фақат одамларни тасвирлайдиган, одам ва хайвонларни тасвирлайдиган ҳамда фақат хайвонларни тасвирлайдиган фразеологизмларга ажратган.

СФларнинг тилнинг фразеологик таркибида кўплигини, тана аъзоларини ифодалайдиган сўзлар (соматизмлар) тилнинг қадимий қатламига мансублиги билан изоҳлаш мумкин. Улар ўзининг барқарорлиги, кенг миқёсда қўлланиши ва семантик структурасининг тармоқланиб кетганлиги билан характерланади.

СФлар ўз-ўзидан ҳеч қанақа таъсирсиз, бир-биридан мустақил ҳолда турли даврларда ва турли тилларда вужудга келган. Улар инсоннинг ўзини, тана аъзоларини кузатишда, умум жисмоний ва психик белгилари, ривожланишнинг умумий шароитларида ҳаётни ва хайвонлар юриш-туришини кузатиш ҳамда инсон ҳатти-ҳаракати ва ҳиссиётлари жиҳатидан умумий асосга эга бўлган мустақкам бирликлардир. Бундай кузатишлар умумий семасиологик қонунларда ётади. Уларга кўра лексемаларда маъно кўчиш ривожланиб, фразеологизм ҳосил бўлишида асос бўлиб хизмат қилади.

⁷ Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – Таллин, 1964. – 6 с.

Шу нарсаларга эътибор бериш лозимки, нафақат тана аъзоларини ифодалайдиган сўзлардан ҳосил бўлган бирикмалар инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни, балки инсон танаси аъзоларининг ўзи мулоқот жараёнида муҳим рол ўйнайди. Мулоқот жараёнида фақат тил билан тенг равишда соматик тил деб аталадиган воситалар, яъни, имо-ишоралар, тана ҳолати, мимика, юз ифодаси ва ҳоказолар ҳам фаол қатнашади.

Ҳозирда кўпгина тилларда СФларнинг тадқиқот объекти сифатида олиниши, фразеологизмларнинг кам ўрганилганлиги ҳамда долзарб эканлигини кўрсатади.

Мавзунинг долзарблиги. Фразеологизмлар фикрни кенг қамровда, образли, ўткир маъноли ифодалаш хусусияти билан бошқа тил бирликларидан фарқланади. Шу билан бирга, уларда кўшимча маъно ва маъно кирраларининг кучли ифодаланиши фразеологизмларнинг характерли томонлари ҳисобланади. Шу жиҳатлари билан фразеологизмлар ҳозирда кўпгина тилларда тадқиқот объектига айланмоқда. “Фразеологизм” тушунчаси, унинг таркиби ва ҳажми, миллий хусусияти, маданий-информацион функцияси ва шу каби бошқа хусусиятлари ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун мазкур тадқиқот корейс тили фразеологиясининг долзарб ва муҳокамали қисмларидан бўлмиш соматик фразеологизмларга бағишланган. Корейс тилида “соматик фразеологизм” тушунчаси, унинг ҳажми, лексик-семантик хусусиятлари, структур тузилиши, грамматик характеристикаси ҳамда паремиология билан чегараси каби масалалар деярли ўрганилмаган, мавжуд тадқиқотларда ҳам алоҳида тўхталмай, одатда корейс тили умумий фразеологияси доирасида ўрганилган. Зеро нутқ ва адабиётда кенг қўлланишда бўлган СФларни ҳар томонлама ўрганиб, улардан якуний хулосалар чиқариш, айти пайтда корейс тилидаги долзарб масалалардан саналади. Бундан ташқари фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Корейс тили соматик фразеологизмларини маъноларини кўриб чиққан ҳолда, уларни ўзбек тилига таржима қилишдаги муаммолар, таржима усуллари,

икки тилнинг ўзаро эквивалент ва муқобил бўлган фразеологизмларини аниқлаш, корейс тилини тадқиқ қилишдаги асосий масалалардан биридир. Мавзунинг долзарблиги келтирилган ҳолатлар билан изоҳланади.

Мавзунинг мақсади корейс тили соматик фразеологизмлари (кейинги ўринларда КТСФ)нинг лексик-семантик хусусиятлари, грамматик характеристикаси ва ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, шунингдек, ўзбек тилидан уларга эквивалент ва муқобил бўлган фразеологизмларни аниқлаш, муайян ҳолатларда уларни ўзаро қиёслашдан иборат.

Ушбу мақсадларга эришиш, қуйида белгиланган аниқ **вазифаларни** бажариш орқали амалга оширилади:

- КТ СФнинг ҳажми ва паремиология билан чегарасини аниқлаш;
- тилда мавжуд СФларни йиғиш, ўрганиш ва системалаш, шунингдек, уларнинг маъноларини изоҳлаб чиққан ҳолда қисқача изоҳли луғатини тузиб, иловага киритиш;
- тилдаги соматизмлар ва СФларнинг лексик хусусиятларини аниқлаш;
- СФларнинг грамматик характеристикаси ва структур тузилишини очиб бериш;
- СФларнинг семантик хусусиятлари ва маъно турлари бўйича таснифлаш;
- СФларни ўзбек тилига адекват таржима қилишдаги муаммоларни кўрсатиш;
- Икки тилнинг ўзаро эквивалент ва муқобил бўлган фразеологизмларини аниқлаш.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Фразеология тилшуносликнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида илк бор француз тилшуноси Ш.Балли томонидан кўрсатилган. “Соматик фразеологизм” тушунчаси эса илк бор фин-угор тилшунослигида Ф.Бакк томонидан киритилган.

Корейс тилида фразеологик тадқиқотлар XX асрнинг бошларида бошланиб, ўзида олти даврни қамраб олади. Ҳар бир давр кейинги давр учун асос сифатида хизмат қилиб, корейс тили фразеологиясининг ўрганилиш тарихида муҳим аҳамиятга эга. Корейс тили фразеологиясининг назарий асосларини Но Су Рён, Ли Хун Жонг, Ким Жонг Тхэк, Хванг Хи Ёнг, Лим Гёнг Сун, Ли Ёнг Хи, Ким Ин Хан, Ли Тхэк Хилар, фразеологизмларнинг семантик ва прагматик жиҳатларини Шим Жэ Ги, Ан Гёнг Хва, Чанг Гёнг Хвэллар, фразеологизмларни системалаш ва мавжуд назарияларни мустаҳкамлаш масалаларини Канг Ви Гю, Ким Гванг Хэ, Ким Мун Чханг, Чхэ Кёнг Бонг, Ким Ок Пун, Мун Жонг Сон, Ю Синг Гук, Шин Хён Сук ва бошқалар ўз тадқиқотларида ўрганиб чиқишган.

Мавзунинг предмети КТСФларининг лексик-семантик хусусиятлари, грамматик характеристикаси ва структур таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқот объекти сифатида корейс тилидаги 1427 та фразеологизм олинган. Мазкур фразеологизмларни тўплашга **манба** сифатида **관용어 사전**⁸ [Корейс тили фразеологик луғати], **표준국어대사전**⁹ [Корейс тили катта изоҳли луғати], **옛센스 국어사전**¹⁰ [Корейс тили изоҳли луғати] луғатлари ҳамда www.naver.com¹¹ интернет сайтидаги корейс тилининг электрон изоҳли фразеологик луғати хизмат қилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асоси сифатида Пак Ёнг Жун, Чхве Гёнг Бонг, Мун Гим Хён, Сонг Гванг Су, Ким Жонг Тхэк, Канг Жонг Сон, Ким Гю Сон, Пак Жин Су, Чой Юн Хи, Пак Сон Гу, Лим Су ва бошқаларнинг корейс фразеологияси бўйича, Ш. Раҳматуллаев, Ш. Усмонова, К. Бозорбоевларнинг ўзбек фразеологияси бўйича, В.П.Жуков, А.В.Кунин, Н.Д.Куницкая, И.Е.Городецкая, Т.Р.Геворгян, Ц. Ширнэн, Н.О.Назаров ва З.

⁸ 박영준, 최경봉. 관용어 사전. - 경기도 파주시: 태학사, 2007 – p. 443.

⁹ 표준국어대사전. 국립국어연구원. - 서울: 독산동아, 1999.

¹⁰ 옛센스 국어사전. [제 6 판] 서울: 전면개정판, 2006.

¹¹ <http://krdic.naver.com/list.nhn?kind=idiom>

Гёркэларнинг рус тили ва бошқа тиллар фразеологияси бўйича тадқиқотлари хизмат қилади. Фразеологик таржима бўйича В.Н.Комиссаров, Н.К.Гарбовский, А.Д.Швейцар ва А.А.Утробиналарнинг ишлари назарий ва методологик асос сифатида хизмат қилди.

Илмий янгилик. КТСФлари илк бор кенг қамровда ўрганилиб, лексик, грамматик, структур ва семантик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижасида КТСФларининг лексик, грамматик ва семантик ўзига хосликлари аниқланиб, таснифи берилди. 1427 та фразеологизмнинг изоҳи илова қилинди. СФларни ўрганиш жараёнида корейс тилидаги фразеологизмлар таркибида қатнашган 114 та соматик лексемалар аниқланиб, улар таҳлил қилинди. Шунингдек, КТСФларига ўзбек тилидан эквивалент ва муқобил бўлган фразеологизмлар аниқланди.

Илмий янгиликнинг амалиётдаги аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижалар корейс тили фразеологиясини чуқурроқ ўрганишда, фразеологизмлар бўйича луғатлар ҳамда қўлланмалар тузишда, махсус курслар ўтишда қўлланилиши мумкин.

Корейс тили фразеологияси

Корейс тилшунослигида фразеологизмларни ўрганиш XX асрнинг бошларида бошланиб, тадқиқотлар кўлами ва натижалари босқичма-босқич ривожлана борган. Фразеологизмлар устида олиб борилган тадқиқотлар олти даврга бўлинган ҳолда қараб чиқилади.¹² Ҳар бир даврда корейс тили фразеологиясининг муайян масалалари кўтарилиб, улар тилшунослар томонидан ҳар томонлама ўрганилиб чиқилган. Мавжуд ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо ва масалалалар устида тадқиқотлар олиб боришган.

Биринчи давр (1910 йилдан 1960 йилгача)да асосан фразеологизмларни тўплаш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилган. Чо Ин Инг, Но Су Рён¹³, Ли Хун Жонг¹⁴, Ким Мун Чханг¹⁵ каби олимлар бу даврнинг намоёндалари саналишади. Бу даврдаги тадқиқотларда соф фразеологик бирликлар ҳақида тушунча мавжуд бўлган бўлса ҳам, лекин ушбу бирликларнинг бошқа ўхшаш категориялар (айниқса мақоллар) билан фарқи аниқ тушунтирилиб ўтилмаган. Шунинг учун фразеология соҳасидаги тушунчалар ва фразеологик бирликларнинг хусусиятларини белгилаш, қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифалар ҳисобланган.

Иккинчи давр (1970 йиллар)да фразеологизмларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадқиқотлар асосий ўрин тутди. Бундай тадқиқотларда Ким Жонг Тхэк¹⁶, Хванг Хи Ёнг¹⁷, Сон Нак Помларнинг хизматлари каттадир. Бу даврда биринчи даврга нисбатан анча силжишлар бўлиб, фразеологизмларнинг тизимли тадқиқоти аста-секин бошланган. Фразеологик бирлик тушунчасининг нормаларига янада аниқлик киритилган.

¹² 문금현. 국어의 관용 표현 연구. 서울: 태학사. 1999. 7 p.

¹³ 노수련. 언어 기구에 대하여: 관용구와 어법에 대한 고찰 // 정음 16. 조선어학연구회, 1936. - pp. 7-13.

¹⁴ 이훈중. 관용구(慣用句)와 그 배후(背後) 민담(民譚) // 국어문학 24. 국어국문학회, 1961. - pp. 29-37.

¹⁵ 김문창. 국어의 의미론적 유연성 연구 // 낙선문학 제 5 호. 낙선어문학회, 1966

¹⁶ 김종택. 이디엄 연구. 어문학 통권 제 25 호. 서울: 한국 어문학회, 1971. - pp. 97-112.

¹⁷ 황희영. 한국 관용어 연구 // 성곡논총 9. 선곡 학술문화 재단, 1978. - pp.65-166.

Учинчи давр (1980 йилларнинг биринчи ярми)да фразеологик бирликларнинг назарий асосларини янада мустаҳкамлаш учун тадқиқотлар изчил олиб борилган. Лим Гёнг Сун¹⁸, Ли Ёнг Хи¹⁹, Ким Ин Хан²⁰, Ли Тхэк Хи²¹, Чо Бёнг Тхэ²², Чонг Ок Жу²³, Пак Жин Сулар²⁴ бу даврнинг етук намоёндалари ҳисобланишади. Бу даврни, аниқроғи, фразеологизмлар билан бошқа категорияларни таснифлаш муаммоси ва тузилишига қараб гуруҳлаш масаласи кўтарилган давр деб таъкидлаш мумкин.

Тўртинчи давр (1980 йилларнинг иккинчи ярми)да Шим Жэ Ги²⁵, Ан Гёнг Хва²⁶, Чанг Гёнг Хвэ²⁷ ва бошқалар семантик ва прагматик жиҳатдан фразеологизмлар устида кўп тақиқотлар олиб боришган. Бу даврдаги тадқиқотлар семантик ва прагматик нуқтаи назардан ҳамда синхроник қарашлар орқали амалга оширилганлиги билан аҳамиятга молик. Лекин мавжуд категориялар ҳали ҳам аввалгидек, аниқ тарзда белгиланмаган ва фразеологик гуруҳларнинг нормаси ишлаб чиқилмаган ҳолатида бўлган.

Бешинчи давр (1990 йилларнинг биринчи ярми)да фразеология тўғрисидаги турли назариялар ва қарашларни бир тизимга солиш борасида ишлар қилинган. Бу борада Канг Ви Гю²⁸, Ким Гванг Хэ²⁹, Ким Мун Чханг

¹⁸ 임경순. 한국어에서 본 Chafe 의 의미와 언어 구조 // 용봉논총 9. 광주: 전남대 인문과학 연구소, 1979. - pp.61-84.

¹⁹ 이영희. 국어의 관용적 표현과 의미의 다의화에 관한 연구// 어문논집 9. 서울: 중앙대학교, 1982.

²⁰ 김인한. 국어의 관용어에 대한 고찰. 전남대 석사 학위 논문. 광주: 전남대학교, 1983. - 92 p

²¹ 이택희. 관용적 표현의 언의 의미 연구. 전북대 교육대학원 석사 학위 논문. 전라북도 전주시: 전북대학교, 1983. - 50 p.

²² 조병태. 영어 관용구의 해체 현상에 관한 연구// 영학논집 7 집. 서울: 서울대 영문과, 1984. - pp.103-122.

²³ 정옥주. 한국어 관용어 연구. 고려대 교육대 교육대학원 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1985. - 96 p.

²⁴ 박진수. 국어 관용어 연구. 경북대 석사 학위 논문. 대구: 경북대학교, 1985. - 95 p.

²⁵ 심재기. 한국어 관용 표현의 화용론적 연구. 관악어문연구 11. 서울: 서울대 국문과, 1986. - pp. 27-54.

²⁶ 안경화. 한국어 속어의 유형에 대한 분석적 연구. 서울대 석사 학위 논문. 서울: 서울대학교, 1987. - 90 p.

²⁷ 장경희. 장경희. 국어의 간접 표현// 주시경학보 1. 서울: 탑출판사, 1988.

²⁸ 강위규. 관용 표현의 개념과 성립 요건// 한글 209 호. 서울: 한글학회, 1990. - pp.141-162.

²⁹ 김광해. 어휘 연구의 방향, 국어학의 새로운 인식과 전개// 김완진선생 회갑기념논총. 경기도 파주시: 민음사, 1991.

³⁰, Чхэ Кёнг Бонг ³¹, Ли Жонг Чхол ³², Хонг Жэ Сонг ³³ ларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Олтинчи давр (1990 йиллар ўртаси)да фразеология тўғрисидаги назариялар ва тадқиқотларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ изланишлар олиб борилган. Ким Ок Пун ³⁴, Мун Жонг Сон ³⁵, Ю Синг Гук ³⁶, Шин Хён Сук ³⁷, Хванг Су Ми ³⁸, Чанг Се Гёнг ва Чанг Гёнг Хи ³⁹, Янг Ёнг Хи ⁴⁰, Ли Санг Оклар ⁴¹ бу даврнинг вакиллари ҳисобланишади. Умуман бу даврни, фразеология соҳасида қилинган ишларни қайтадан чуқурроқ таҳлил қилиб чиқиш даври деб аташ мумкин ⁴².

Замонавий корейс тилшунослигида фразеологизм тушунчасини ифодалашда асосан “관용어” атамаси қўлланади. Бу атама фразеологизмларга нисбатан қўлланадиган бошқа атамалардан кўра фразеологизм тушунчасига анча мос келганлиги боис мавжуд тадқиқотларда кенг қўлланилади. Тилшунос Юн Хи Суга кўра, “관용어” атамаси “ўзига хослик”, “ўзига хос ифода” каби маъноларни ифодаловчи латинча “*idioma*” атамасига тўла мувофиқ келади ⁴³. Бугунгача бўлган тадқиқотларда фразеологизмларга нисбатан турли атамалар ишлатилиб келинган. Масалан,

³⁰ 김문창. 속어 개념론// 기곡강신항교수 회갑기념 국어학 논문집. 서울: 태학사, 1990. - pp.129-154.

³¹ 최경봉. 국어 관용어 연구. 고려대 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1993. - 100 p.

³² 이종철. 의사 소통 능력 신장을 위한 함축적 표현의 여구. 서울대 박사 학위 논문. 서울: 서울대학교, 1993. - 166 p.

³³ 홍재성. 먹다 속어 등사 구문의 통사적 기술// 어학연구 29-3. 서울: 서울대 어학연구소, 1993. - pp. 279-299.

³⁴ 김옥분. 한국어 관용어 연구 동향에 대한 고찰. 인하대 석사 학위 논문. 인천: 인하대학교, 1994. - 150 p.

³⁵ 문종선. 국어 관용어 연구. 원광대 석사 학위 논문. 전라북도 익산시: 원광대학교, 1994. - 93 p.

³⁶ 유승국. 동사의 다의화 유형 일 고찰. 중앙대 석사 학위 논문. 서울: 중앙대학교, 1994.

³⁷ 신현숙. 동사 '앉다/서다/눕다'의 쓰임과 의미 확장 // 제 21 회 국어학회 공동연구회. 1994.

³⁸ 황수미. 국어 관용어의 의미론적 고찰. 고려대 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1994. - 67 p.

³⁹ 장세경· 장경희. 국어 관용어에 관한 연구// 한국학논집 25 집. 서울: 한양대 한국학 연구소. 1994. - pp. 295-318.

⁴⁰ 양영희. 관용 표현의 의미 구현 양상// 국어학 26. 서울: 국어학회, 1995. - pp. 171-200.

⁴¹ 이상억. 국어 관용 표현의 분석과 어휘부 내에서의 처리// 인문논총 34 집. 서울: 서울대학교, 1995. - pp.1-45.

⁴² 문금현. 국어의 관용 표현 연구. 서울: 태학사. 1999. - 13 p.

⁴³ 윤희수. 관용어의 고정된 어순 분석 // 논문집 10. 금오 공과대학, 1989. - 11 p.

Но Су Рён (1936) ва Ли Хун Жонг (1961) “관용구”, Ким Жонг Тэк (1971), Им Гёнг Су (1979, 1980), Ли Ёнг Хве (1982), Пак Ёнг Сун (1985) ва Пак Жин Су (1985)лар “관용어”, Ким Мун Чханг (1974, 1980), Шим Жэ Ги (1986), Хан Чонг Гил (1986) ва Ан Гёнг Хвалар (1987) “속어”, Хванг Хи Ёнг (1978) “익힘말”, Ким Гю Сон (1978) “관용 어구”, Канг Кви Гю (1990) “관용 표현”, Ким Хэ Сук (1993) “익은말” атамаларини кўллаганлар. Фразеологик бирлик тушунчасини эса “관용 표현” атамаси ифодалайди.

1 БОБ. КОРЕЙС ТИЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГРАММАТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

1.1. Соматик фразеологизмларнинг лексик хусусиятлари

Корейс тили фразеологиясида СФларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Тилшунос олим Пак Жин Суга кўра улар корейс фразеологизмларининг 55,5 фоизини ташкил қилади⁴⁴. Соматизмлар турли хил маъно коннотациясига эга бўлганлиги учун кўчма маънода қийинчиликсиз қўлланилади. Шунинг учун тилда улардан таркиб топган фразеологизмлар кўп учрайди.

Корейс тилида ички тана аъзоларини ифодаловчи сўзлардан кўра, ташки аъзоларни ифодаловчи сўзлардан ташкил топган фразеологизмлар миқдор жиҳатдан кўпдир. Корейс тилида 가슴 [юррак], 귀 [кулок], 눈 [кўз], 머리 [бош], 발 [оёқ], 손 [кўл], 입 [оғиз] каби соматизмлардан шаклланган фразеологизмлар сон жиҳатдан СФларнинг асосий қисмини ташкил қилади. КТСФларининг таркибида компонент сифатида қатнашган соматизмларнинг

⁴⁴ 박진수. 국어 관용어 연구. 경북대 석사 학위 논문. 대구: 경북대학교, 1985. – 51 p.

рўйхати 1-иловада келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида олинган жами фразеологизмларнинг рўйхати ҳамда маъносининг изоҳи 3-иловадан жой олган.

“Соматик фразеологизмларни кенг тушуниш керак. Агар ҳайвон тана аъзоларининг номлари кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ифодалайдиган ибораларни ташкил топирса, у ҳолда бундай ибораларни ҳам соматик фразеологизмлар таркибига киритиш лозим”⁴⁵. Шундан келиб чиққан ҳолда 꼬리 [дум] лексемасидан таркиб топган фразеологизмларни ҳам мазкур тадқиқотда келтирдик. Шунингдек, 마음 [қалб, кўнгил], 정신 [руҳият], 맥 [пульс], 몸 [тана], 뇌리 [ўй-хаёл, хотира] каби сўзлар ҳам соматизмларга яқин турганлиги ҳамда улардан таркиб топган фразеологизмлар одамнинг руҳияти ва ҳатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳолатларни ифодалашда, тилда кенг қўлланилишда бўлганлиги боис, мазкур фразеологизмларни ҳам СФлар билан бир қаторда кўриб чиқиш керак.

Корейс тилида 눈 [кўз] лексемасидан ясалган бир қанча сўзлар (눈가림 - кўзбоямачилик, 눈곱 - қараш, 눈길 – қараш, 눈꼴 – кўз қийғи, 눈물 – кўз ёши, 눈썰미 – зехнлилик, 눈초리 – қараш, 눈총 – ғазабли нигоҳ, 눈치 – топқирлик, 눈표 – ўзига хослик) мавжуд бўлиб, улар ҳам таркибида 눈 қатнашган фразеологизмларга семантик ва прагматик жиҳатдан яқин туради. Шу сабабдан 눈 соматизми қатнашган фразеологизмларни қараб чиқиш жараёнида уларни четлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ҳар бир соматизм ўзининг тилдаги ўрни, маъно хусусиятлари, кўчма маънода қўлланиш ҳолатлари билан бир-биридан ҳар жиҳатдан фарқланганидек, улар қатнашган фразеологизмлар ҳам тилда ўзига хос

⁴⁵ Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: филол. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган дисс. – Т.: М.Улўғбек номидаги ТошДУ, 1998. – 12 б.

ўринга эга бўлиб, шу ўрнига мос тарзда қўлланиш даражасига ҳам эга. Мун Гим Хён ўз тадқиқотида нутқда кенг қўлланадиган 401 та фразеологизмнинг қўлланиш даражаларини ўрганиб чиқиб, мазкур фразеологизмларнинг 42,1 фоизини, яъни, 169 тасини СФлар ташкил этишини аниқлаган⁴⁶.

СФлар таркибидаги лексик компонентларнинг хусусиятлари бевосита тил ривожига билан боғлиқдир. Тарихий ривожланиш даврида фразеологизм таркибидаги муайян сўзнинг эскириб, унинг ўрнига бошқа сўзнинг қўлланганлиги ёки маъно жиҳатдан яқин бўлган сўз билан алмашганлиги каби ҳолатлар ҳам учраб туради. КТСФлари орасида таркибидаги лексик компонентларидан бири бошқа бирлик билан алмашилиб, синонимлик ёки антонимлик шакллари намоён қилиш ҳоллари мавжуд бўлиб, уни қуйидаги фразеологизмларда кўришимиз мумкин:

눈이 빨개지다 – 눈이 시빨개지다

눈 앞이 깜깜하다 – 눈 앞이 캄캄하다

간이 붓다 – 간덩이가 붓다

СФларнинг лексик компонентлари турли кўринишларни олиб ўзгариши мумкин. “Бундай ҳолатлар халқ кўшиқлари ва ривожланиш даври адабиётларида учрайдиган фразеологик birlikларда кўп намоён бўлади. Бир хил маънодаги фразеологизм бўлса ҳам, даврга қараб, лексик компонентларининг ўзгаришида катта фарқ мавжуд бўлади”⁴⁷. Қуйида мисол сифатида диахроник жиҳатдан таркибидаги компоненти ўзгарган баъзи соматик фразеологизмларни келтирамиз.

1. Таркибидаги лексик компоненти синоними билан алмашган ҳолатлар:

눈에서 불이 나다: 눈에서 모닥불이 _____ [귀의성: 133]

⁴⁶ 문금현. 국어의 관용 표현 연구. 서울: 태학사. 1999. – pp. 219-227 .

⁴⁷ 문금현. 국어의 관용 표현 연구. 서울: 태학사. 1999. – 84 p.

눈이 어둡다 (3): 지방 정치에난 눈이 컹컹 [귀의성: 127]

머리에 피도 안 마른: 강이에 피도 치 말으지 못 어린 것들도 담 를
일슈 먹는 [목단화: 330]

Лексик компоненти синоним бирлик билан алмашган ҳолат муайян даврдаги синхроник синонимлик алоқалари билан боғлиқ.

2. Синоним бўлмаса ҳам, маъно жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган бирлик билан алмашган ҳолатлар:

발 벗고 나서다: 발 벗고 따라가다

간장이 녹다 / 간장을 녹이다: 오장이 슬슬 녹는 드시 이를 쓰느라고

[귀의성: 21]

Қисқача айтганда, КТСФларининг лексик компонентларида намоён бўлган диахроник ўзгаришлар, асосан ўзаро синоним ёки маъно жиҳатдан боғлиқ бўлган бирликларнинг бир-бирини алмаштириши билан изоҳланади.

КТСФларининг лексик хусусиятлари, уларнинг лексик таркибини қараб чиқиш орқали янада ойдинлашади. СФлар таркибида асосан бир соматик лексема қатнашган бўлади. Лекин СФлар орасида таркибида иккита соматизм қатнашган фразеологизмлар ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда бир соматизмнинг такрорлаши, бир-бирига яқин ва ўзаро қарама-қарши бўлган соматизмларнинг қатнашишидан ҳосил бўлган бўлади.

Тананинг бош қисмига тааллуқли бўлган соматизмлардан таркиб топган фразеологизмларда 눈 (кўз), 귀 (қулоқ), 코 (бурун), 머리 (бош), 털 (тук, соч), 입 (оғиз) ва 혀 (тил) лексемалари қатнашган. 눈 ва 코 соматизмлари бир-бирига жуда яқин аъзолар бўлганлиги боис кўчма маънода уларни биргаликда қўллаш “жуда яқин”, “жуда қисқа” “жуда содда” каби маъноларни беради: 눈코 뜰 사이 (새) 없다, 눈 코 사이. Тилда 눈 ва 귀

соматизмларининг ўзаро боғанишидан ҳосил бўлган фразеологизмлар ҳам мавжуд: **눈과 귀를 한데 모으다, 눈이 없냐 귀가 없냐**. Фразеологизмларда **입** (оғиз) лексемаси одатда оғиз бўлиғидаги аъзоларни ифодаловчи соматизмлар билан бириккан ҳолда учрайди, масалан, **입 안의 혀바닥 같다, 입의 혀 같다, 입에서 입으로** кабилар, **코 아래 입** фразеологизмида эса **코** га боғланиб келган. Шунингдек, бир-бири билан боғлиқ бўлган **눈** ва **눈물**, **머리** ва **털** каби соматизмларининг биргаликда қўлланишидан шаклланган фразеологизмлар ҳам мавжуд: **눈에서 피눈물이 나다, 머리(통)에 털 나고**.

Фразеологизмларда **손** (қўл) ва **발** (оёқ)нинг ўзаро бирикиши, бошқа соматизмларга нисбатан кўпдир. Бундай компонентли фразеологизмларда **손** ва **발** икки шаклда - жуфт лексема ва мустақил лексема тарзида учрайди. Жумладан, жуфт лексема сифатида: **손발(을) 맞추다, 손발(을) 묶다, 손발(을) 치다, 손발이 되다, 손발이 맞다**; мустақил лексема сифатида: **발이 손이 되도록 빌다, 손에 손(을) 잡다, 손이야 발이야**.

Тилда юқоридагилардан ташқари яна қуйидаги икки соматизмли фразеологизмлар ҳам мавжуддир: **가슴에 손(을) 얹다, 귀 베고 꼬리 베고, 꼬리에 꼬리를 물다, 머리끝에서 발끝까지, 머리에 피도 안 마르다, 몸과 마음을 다 바치다, 뼈와 가죽뿐이다**. Фразеологизмлар таркибида икки соматизмнинг учраши тилда соматик лексемаларнинг алоҳида ўринга ва ўзига хос лексик хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади.

КТСФларининг шаклланишида сон лексемалар ҳам фаол қатнашган. Сон лексемалар фразеологизмларнинг маъно ва услубий вазифаларини янада кучайтиришда хизмат қилади. Фразеологизмларнинг таркибида **하나** (бир),

두 (икки), 세 (уч), 열 (ўн) ва 천 (минг) сонлари учрайди. Санаб ўтилганлар орасида 하나 (бир) лексемаси фразеологизмлар таркибида энг кўп қатнашган бўлиб, у одатда икки хил шаклда 하나 ва 한 тарзида бўлади. Жумладан, 하나 компонентли фразеологизмларга қуйидагилар мисол бўла олади: 눈썹 하나 까딱 안 하다, 눈 하나 까딱하지 않다, 눈 하나 깜짝하지 않다, 손 하나 까딱하지 않다, 손 하나 대지 못하다, 손톱 하나 까딱 하지 않다. Корейс тилида одатда муайян сонлар қисқартирилиб қўлланади, 한 ҳам 하나 нинг қисқартирилган варианты бўлиб, бу ҳолат фразеологизмларда ўз аксини топган: 가슴이 한 줌만 하다, 손에 물 한 방울 묻히지 않고 살다, 한 발 (발자국, 발짝) 물러나다 (물러서다), 한 발 늦다, 한 발 더 다가서다, 한 발 앞서다, 한 손(을) 놓다, 한 손(을) 늦추다, 손끝에 물 한 방울 튀기지 않다. Булардан фарқли равишда 두 (икки) сони асосан 손 (қўл) соматизми билан қўллананиб, иккала қўлни кўрсатишда хизмат қилади, масалан, 두 손 맞잡고 았다, 두 손(을) 들다, 두 손(을) 바짝 들다, 두 손에 떡을 들다, 두손(을) 털고 나서다 кабилар. “가슴이 두 근 반 세 근 반 한다” фразеологизмида эса 세 (уч) сони билан бирга келиб, 가슴 (юррак) соматизмига нисбатан қўлланган. Бундан ташқари “икки”, “иккала” маъносида 양 лексемаси ҳам қўлланади. Одатда ушбу лексема фразеологизмлар таркибида 다리 (оёқ) соматизмига қўшилиб келган бўлади: 양다리(를) 걸다, 양다리(를) 걸치다. Ўн сонини ифодаловчи 열 лексемали фразеологизмлар тилда бироз чекланган: 손(이) 열

개라도 모자르다, 입이 열 개라도. Мазкур фразеологизмларда 열 дона сон кўшимчаси “개” билан қўлланган. 천 (минг) лексемаси эса фақат “입이 천 근 같다” фразеологизмининг таркибида қатнашган бўлиб, бу ерда 천 корейс миллий ўлчов бирликларидан бирини ифодаловчи “근” лексемаси билан боғланган келган. Шунингдек, тилда таркибида 첫 (биринчи) тартиб сони қатнашган фразеологизмлар ҳам учрайди. Улар асосан 발 ва 손 соматизмлари бирга қўлланган бўлади: 첫발을 내딛다, 첫발을 디디다, 첫발을 떼다, 첫손(가락)에 꼽히다.

СФларнинг таркибидаги сон лексемалар фразеологизм семантикасини бойитиб, улар ўзгача экспрессив-стилистик бўёқдорликни беришда хизмат қилади.

1.2. Соматик фразеологизмларининг грамматик характеристикаси

Фразеологизмнинг грамматик маъноси уни тил бирлиги сифатида характерлаш учун хизмат қилади. Фразеологизмнинг грамматик маъноларини ва унинг хусусиятларини тўғри аниқлаш ва тўғри идрок этиш учун унинг грамматик қурилиши, ўзига хос хусусиятларини қараб чиқиш талаб этилади.

Фразеологизмлар семантика билан қоришган грамматик гап таркибида нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган гуруҳлари, улар орасидаги муносабатларнинг умумлашган хусусиятларини акс эттиради. Грамматик қурилишнинг ана шундай семантик хусусиятлари тилнинг борлиқни бир бутун ҳолда инъикос қилишдаги фундаментал ва аҳамиятли ролини бўрттириш учун хизмат қилади.

Соматик фразеологизмларнинг морфологик хусусиятлари, структураси ва ички синтактик тузилиши

“Фразеологизмлар мақол ва маталлардан фарқли ўлароқ, турли сўз туркумларига тааллуқли бўладилар”.⁴⁸ КТСФларининг асосий қисми грамматик ва семантик хусусиятлари жиҳатидан феъл сўз туркумига мансубдир. Фразеологизмларнинг муайян сўз туркумига алоқадорлигини уларнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мумкин:

1. фразеологизмда грамматик жиҳатдан таянч бўлган компонентнинг ифодаланиш усули;

⁴⁸ Жуков В.П. Русская фразеология. – М: Высшая школа, 1982. – 204 с.

2. фразеологизмнинг гапдаги синтактик вазифаси;
3. фразеологизмнинг семантик хусусияти;
4. фразеологизмнинг бошқа тил бирликлар билан бирикиш имконияти⁴⁹.

Юқорида келтирилган тўртта асосий хусусият ҳар бир фразеологизмда ўзига хос даражада мавжуддир. Қараб чиқилаётган фразеологизмларни таркибий тузилишига қараб, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга содда тузилишли, яъни, таркиби икки компонентдан иборат бўлган фразеологизмлар киради: 눈에 안경, 잡을 손, 귀에 거슬리다, 발로 뛰다, 귀가 밝다, 입만 아프다 ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга эса таркиби уч ва ундан ортиқ компонентдан таркиб топган мураккаб тузилишли фразеологизмлар киради: 눈 뜨고 못 보는 세상, 다리 부러진 장수 집 소리치는 격, 눈에 넣어도 아프지 않다, 배꼽이 빠지도록 웃다, 눈에서 황이 나다 ва бошқалар.

Содда фразеологизмлар одатда икки компонентдан иборат бўлганлиги сабаб, уларнинг қайси туркумга тааллуқлилигини аниқлаш осон, аммо мураккаб тузилишга эга бўлган фразеологизмларда бу вазифа бироз мушкулдир.

Лексик-морфологик таркибида компонентлардан бирининг таянч компонент вазифасини ўташига кўра фразеологизмларни қайси туркумга хос эканлигини белгилаш фразеологизмларнинг парадигматик қуршовини ва муҳими семантик-грамматик табиатини изоҳлашга асос бўлади. Шунга кўра КТСФларини умумий грамматик хусусиятларига қараб, уч гуруҳга - феъл, равиш ва субстантив (от) фразеологизмларга ажратиш мумкин. Ҳар бир гуруҳга мансуб фразеологизмлар ўзига хос грамматик хусусиятларга эга.

⁴⁹ Жуков В.П. Русская фразеология. – М: Высшая школа, 1982. – 204 с.

Феъл соматик фразеологизмлар

Таянч компоненти феъл бўлган фразеологизмлар, тилшунос олим Пак Жин Сунинг таъкидлашича, бундай фразеологизмлар корейс тилидаги жами фразеологизмларнинг 56,2 фоизини ташкил қилади.⁵⁰ Тадқиқот объекти сифатида келтирилиб, 3-иловада қайд қилинган жами фразеологизмларнинг 95,4 фоизи мазкур гуруҳга мансуб. Мазкур фразеологизмлар аввало икки катта гуруҳга таснифланади. Биринчи гуруҳга таянч компонент сифатида ҳаракат феъли (동작동사) қатнашган фразеологизмлар киради: 가슴이 터지다, 귀가 가렵다, 눈이 가다, 마음을 먹다, 눈에서 벗어나다, 입만 살다, 눈에 불을 켜다 ва бошқалар. Иккинчи гуруҳга эса таянч компонент сифатида ҳолат феъли (상태동사) қатнашган фразеологизмлар мансуб: 가슴이 후련하다, 귀가 밝다, 눈이 어둡다, 마음이 든든하다, 뼈만 앙상하다, 손이 거칠다, 입이 더럽다 ва бошқалар. Таянч компоненти ҳаракат феъли бўлган фразеологизмлар худди ҳаракат феъллари каби замон ва нисбат категорияларига, сифатдош ва равишдош, бўлишли ва бўлишсиз шаклларига эга, шунингдек, боғловчи кўшимчаларни олган ҳолда, кўшма гапларни боғлаб кела олади.

Корейс ва инглиз тили фразеологизмларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилган Канг Жонг Сонгнинг таъкидлашича, корейс тили фразеологизмларининг феъл замонлари бўйича ўзгаришида чекловлар мавжуд эмас⁵¹. Шунга кўра феъл компонентли фразеологизмлар ҳозирги, ўтган ва келаси замонда ўзгаради. Масалан, замон категорияси бўйича фразеологизмларнинг ўзгаришини сўз бирикмасига тенг бўлган 마음을 먹다 мисолида кўриб чиқамиз: 그렇게 마음을 먹으니 용기가 났다 (х.з.);

⁵⁰ 박진수. 국어 관용어 연구. 경북대 석사 학위 논문. 대구: 경북대학교, 1985. – 48 p.

⁵¹ 강정선. 영어 Idiom 의 특성과 교수 방법. – 서울: 시립대학교, 1982. – 341 p.

이번에는 모질게 마음을 먹었다 (ў.з.); 똥 마음을 먹을까 봐 (к.з.). Ёки гапга тенг бўлган 눈 가리고 아웅하다 фразеологизми: 그게 다 눈 가리고 아웅하는 거지 뭐야? (х.з.); 눈 가리고 아웅했다 (ў.з.); 눈 가리고 아웅할 거면 아예 그만 두고 (к.з.). Феъл фразеологизмлар учта замонда ҳам қўлланилиш имкониятига эга бўлса ҳам, муайян замонда қўлланилиш даражасига қараб фарқланиши мумкин. Шунингдек, мазкур фразеологизмларнинг замон категорияси билан боғлиқ хусусиятлари сифатдош шакли орқали янада аниқроқ кўринади. Чунки КТСФлари гапда кўпроқ сифатдош шаклида қўлланилиши орқали замон категориясини (айниқса ўтган ва келаси замон) намоён қилишади.

Бундай фразеологизмларнинг сифатдош шаклида қўлланилиши кенг учрайди. Сифатдошнинг ҳозирги замон қўшимчаси “-는”ни олиб, худди эркин сўз бирикмасидек ҳозирги замонга хос грамматик вазифани бажаради: “또 교회 안에서도 재색이 겸비하다고 손 꼽는 경애의 모친이라 하여서...” [염상섭, 삼대: 96]; “내 눈에 거슬리는 짓을 하는 사람은 용서하지 못한다.” [관용어 사전: 89] Келтирилган мисолларда 손 꼽다 ва 눈에 거슬리다 фразеологизмлари “-는” қўшимчаси олган ҳолда сифатдошнинг ҳозирги замон шаклини ясаган. Сифатдошнинг ўтган замон шаклини яшаш учун таянч компонент бўлган феълга “-ㄴ/은” қўшимчалари қўшилади: “박람회에서 사람들의 눈을 끈 것은 인공 지능을 가지고 있는 로봇이었다.” [관용어 사전: 92]; “머리쪽지에서는 어디 때까지 상훈이의 손이 닿은 감촉이 남아 있었다.” [염상섭, 삼대: 115]. Шунингдек, бўлиб ўтган бирор нарсани хотирлаш ёки эслашни ифодаловчи сифатдошнинг “-던” ёки “-았/었던” шакллари фразеологизмларга қўшилиб қўлланиш ҳоллатлари ҳам учрайди:

“그리고 잠에 들기 전 ‘나는 좀더 자야 한다’며 항상 머리에 맴돌던 생각을 떠올린다.” [관용어 사전: 149]; “마침 남편의 외가에서 도움의 손을 뻗었던 것이다.” [박경리, 토지]. Сифатдошнинг келаси замон шаклини ясагда фразеологизмларга -리/을 қўшимчалари қўшилади: “다른 일에 눈을 돌릴 여력이 없습니다.” [관용어 사전: 92]. Келтирилган мисоллар орқали феъл СФларнинг учта замонда ва сифатдош шаклида эркин тарзда қўлланишига гувоҳ бўлдик.

Таянч компоненти ҳаракат феъли бўлган фразеологизмлар равишдош шаклини олиб гапда турли синтактик вазифаларда қўлланиши мумкин. Улар асосан “-아/어(서)” ва “-고” равишдош қўшимчаларини олиб, мустақил ва кўмакчи феъллар билан бирикади, шунингдек, эргаштирувчи қўшма гаплар таркибида қўлланади. Жумладан, “모친은 놀라는 소리를 하다가 입을 꼭 다물고 말았다.” [염상섭, 삼대: 51] ёки “국민들은 썩은 자본 주의 사상에 머리가 젖어 있어서 새 시대를 열어나가지 못한다.” [관용어 사전: 144] каби гапларда фразеологизмлар “-고” қўшимчаси орқали “말다”, “-어” орқали эса “있다” кўмакчи феълларига боғланиб, кўмакчи феълли бирикмани ҳосил қилган. “자기를 개발하지 않고 무사 안일한 태도를 가지고 있으면 머리가 썩어 사회에서 도태되기 된다.” [관용어 사전: 144] шарт эргаш гапли кўшма гапнинг бош гапи таркибида равишдош шаклида қўлланган.

Таянч компоненти ҳолат феъли бўлган фразеологизмлар ҳам замон категорияси, сифатдош ва равишдош шакллариغا эгадир. Ҳаракат феълли фразеологизмлардан фарқли равишда мазкур фразеологизмларнинг келаси замон шаклида қўлланиши деярли учрамайди. Лекин ҳозирги ва ўтган

замонларда чекловларсиз қўлланади. Масалан, “**흥? 몹시 걱정이 되나 보마는** 나 같은 빈털터리에게 **눈이 멀었다고 딸** 내주겠다.” [염상섭, 삼대: 11] ва “**결혼** 식장에 **늬름한 모습으로 서** 있는 아들을 보니 **가슴이 뿌듯했다.**” [관용어 사전: 20] гапларида **눈이 멀다** ва **가슴이 뿌듯하다** фразеологизмлари ўтган замонда қўлланган. Қуйидаги гап эса ҳозирги замондаги ҳолатга мисол бўлади: “**그는 어리석고 순진하고 귀가 얇고 비밀이 없고 남을 잘 믿는다.**” [관용어 사전: 54].

Ҳолат феълли фразеологизмлар сифатдош ва равишдош шаклларида ҳам кенг қўлланади. Сифатдош шакли фақат ҳозирги ва ўтган замон шаклларига эга. Жумладан, “**학교에 모인 사람은 스무 살 안팎의 머리가 굵은 젊은이들이었다.**” [관용어 사전: 143]; “**말을 꺼내기에는 똑같이 가슴이 벅찼던 것이다.**” [염상섭, 삼대: 110]; “**가슴이 넓은 사람일지라도 이번 일만은 견디기가 어려울 것이다**” [관용어 사전: 18] ва бошқалар. Бундай фразеологизмларнинг равишдош шаклида қўлланилишида ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас.

Таянч компоненти феъл бўлган СФларда нисбат категорияси алоҳида аҳамиятга эга. Фразеологизмлар тилнинг мустаҳкам бирлиги бўлганлиги учун нисбат категорияси санокли фразеологизмларга хос ҳолатдир. Таянч компонент бўлган феълнинг нисбатига қараб, фразеологизмларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: фақат аниқ нисбат шаклидаги, аниқ ва орттирма ёки мажҳул нисбат шаклидаги ҳамда фақат орттирма ёки мажҳул нисбат шаклидаги фразеологизмлар.

Тилда фақат аниқ нисбат шаклида учрайдиган фразеологизмлар миқдор жихатдан СФларнинг асосий қисмини ташкил этади. Жумладан, **가슴에**

그리다, 가슴을 뒤흔들다, 가슴이 넓다, 가슴(이) 설레다, 눈 딱 감다, 눈에 선하다, 귀가 가렵다 ва бошқалар. Мазкур гуруҳга мансуб фразеологизмлар нисбат категориясини ясовчи -기, -구, -리, -우, -이, -추, -히 қўшимчаларини қабул қила олмайди. Корейс тилида нисбат категорияси қўшимчаларини морфологик ва семантик хусусиятлари сабаб қабул қила олмайдиган феълларга орттирма ва мажҳул нисбатнинг қўшма шакллари бўлган “-게 하다” ва “-아/어 지다” қўшилади. Шунингдек, мазкур шакллар нафақат ҳаракат феълларига, балки семантик жиҳатдан сифатга яқин бўлган ҳолат феълларига ҳам қўшилиб, уларни қўшма феъл шаклига келтиради.

Таянч компоненти ҳолат феъли бўлган СФлар худди ҳолат феълли эркин сўз бирикмаларидек, мажҳул нисбатнинг “-아/어지다” шаклини олиб, таянч компоненти ҳаракат феъл бўлган фразеологизмларга хос хусусиятларни олади: “집안 문제만 생각하면 가슴이 답답해진다.” [관용어 사전: 18] ёки “머리가 굵어지면 제 마누라만 알지 어디 부모를 눈곱만큼이나 생각을 하겠어.” [관용어 사전: 143] каби гапларда қўлланилган 가슴이 답답해지다 ва 머리가 굵어지다 ҳаракат феълига хос бўлса ҳам, янги фразеологизмлар ҳисобланмай, балки ҳолат феълли 가슴이 답답하다 ва 머리가 굵다 фразеологизмларининг морфологик жиҳатдан ўзгарган вариантлари ҳисобланади. Орттирма нисбатнинг “-게 하다” қўшма шакли асосан “하다” таркибли ҳолат феълларига қўшилади: “그때 아들놈의 눈초리는 내 가슴을 서늘하게 했다.” [관용어 사전: 20].

Иккинчи гуруҳга мансуб фразеологизмлар тилда ҳам аниқ нисбат, ҳам орттирма нисбат шаклида учрайди. Буларга **가슴이 불타다/가슴이 타다** - 가슴을 불태우다/가슴을 태우다, **귀를 재다** - 귀를 재우다, **발(이) 맞다** - 발(을) 맞추다, **손(을) 꼬다** - 손(에) 꼬히다, **손(을) 걸다** - 손에 걸리다, **손발이 맞다** - 손발(을) 맞추다, **머리(를) 엮다** - 머리(를) 엮히다, **목을 걸다** - 목에 걸리다 бошқаларни келтириш мумкин. Мазкур фразеологизмларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ва услубий вазифаларга эга. Булардан фарқли равишда ҳам аниқ, ҳам мажхул нисбат шаклидаги фразеологизмлар тилда биров чекланган миқдорда: **발을 묶다** - 발(이) 묶이다, **발로 걸어차다** - 발로 걸어채이다, **발로 차다** - 발로 채이다 ва бошқалар.

Учинчи гуруҳга мансуб фразеологизмлар фақат орттирма ёки мажхул нисбат шаклига эга бўлиб, уларнинг аниқ нисбат шакли мавжуд бўлмайди. Орттирма нисбатга **가슴을 울리다**, **눈을 돌리다**, **눈을 붙이다**, **손을 늦추다**, **머리(를) 굴리다**, **머리(를) 숙이다**, мажхул нисбатга эса **가슴에 맺히다**, **가슴이 막히다**, **손(이) 묶이다**, **손에 잡히다**, **눈에 걸리다**, **발(이) 묶이다** каби СФларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Феъл СФларнинг асосий қисмини бўлишли шаклидаги фразеологизмлар ташкил этади, лекин улар орасида бўлишсизлик шаклидаги фразеологизмлар ҳам мавжуд. Уларнинг таркибида “**못**” ва “**안**” инкор равишлари, шунингдек, “**-지 않다**” инкор ясовчи шакли тегишли тартибда феълга бириккан бўлади. “**못**” ва “**안**” инкор равишлари таянч компоненти фақат ҳаракат феъли бўлган фразеологизмлар таркибида учрайди. Жумладан, “**안**” компонентли

фразеологизмлар: 간에 기별도 안가다, 눈도 깜짝 안 하다, 눈썹도 까딱 안 하다, 눈썹도 깜짝 안 하다, 눈썹 하나 까딱 안 하다, 눈에 안 들어가다, 머리에 피도 안 마르다, 이마에 피도 안 마르다, 혀가 잘 안 돌아가다, 귀밑에 피도 안 마르다, 발바닥에 흙 안 묻히고 살다 ва бошқалар. “못” компонентли фразеологизмларга эса қуйидагилар мисол бўла олади: 뼈도 못 추리다, 허리를 못 펴다, 고개를 못 들다, 맥(을) 못 추다, 머리를 못 들다, 뼈도 못 추리다, 뼈대도 못 추리다, 얼굴을 못 들다. Шунингдек, “못” инкор равишининг қўшма “-지 못하다” шакли ҳам келади: 손 하나 대지 못하다, 입에 담지 못하다. “못” ва “안” инкор равишларидан фарқли тарзда “-지 않다” шакли ҳам ҳаракат, ҳам ҳолат феълли фразеологизмларга бириккан бўлади: 눈 하나 까딱하지 않다, 눈 하나 깜짝하지 않다, 눈에 넣어도 아프지 않다, 눈도 거들떠보지 않다, 발이 내키지 않다, 발이 떨어지지 않다, 손에 물도 묻히지 않다, 손끝에 물 한 방울 튀기지 않다, 손톱도 들어가지 않다, 손톱 하나 까딱 하지 않다. Мисол сифатида келтирилган СФлар тилда доимо бўлишсизлик шаклида бўлади. Уларнинг бўлишли шакллари эса умуман мавжуд эмас. Фақат қуйидагилар тилда ҳам бўлишли, ҳам бўлишсиз шаклга эга: 입을 다물지 못하다↔입을 다물다, 입이 떨어지지 않다↔입이 떨어지다.

“못” ва “안” инкор равишлари ҳамда “-지 않다” шакли қатнашган фразеологизмлардан ташқари, таркибида “имкониятсизлик” маъносини ифодаловчи “(으)르 수 없다” инкор ясовчи шакли қатнашган бўлишсиз феълли фразеологизмлар ҳам мавжуд: 눈(을) 뜨고 볼 수가 없다, 눈(을) 씻고

보려야 볼 수 없다, 얼굴(을) 내노를 수 없다, 얼굴을 들고 다닐 수 없다. Тилда мазкур фразеологизмларнинг бўлишли шакли мавжуд эмас.

Юқорида келтирилганларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, феъл фразеологизмларда феъл категориялари ва шакллари қўлланиши маълум даражада чегараланган. Замон нуқтаи назаридан, асосан ҳозирги замонда қўлланиши билан характерланади, шунингдек, нисбат категориясини фақат санокли фразеологизмларгина қабул қила олади. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, фразеологизмнинг таянч компоненти бўлган феъл, эркин сўз бирикмаси таркибидаги феълнинг морфологик шакллари такрорлай олмайди. Бундай чекланиш фразеологизмларнинг турғун бирикмалиги ва семантик хусусиятлари билан боғлиқдир. Феъл фразеологизмнинг ажралмас таркибига айлангандан кейин муайян морфологик шакллари заифлашади. Бундан ташқари фразеологизм таркибидаги феъл муайян морфологик шаклни олиб, грамматик вазифани бажарар экан, мазкур морфологик шакл бутун бир фразеологизмга тааллуқлилигини кўрсатади.

Фразеологизмнинг морфологик жиҳатдан шаклий ўзгариши унинг семантикаси орқали бошқарилади. Юқоридаги шаклий ўзгаришдаги чекловлар ҳам айнан мазкур ҳолат билан боғлиқ. Умуман феъл фразеологизмларнинг шаклий ўзгаришида икки хусусиятга эътибор бериш лозим. Булар, фразеологизмнинг муайян морфологик шаклни олиши ва ушбу ҳолатга нисбатан фразеологизм семантикасининг қаршилигидир. Яъни, фразеологизмнинг муайян грамматик шаклни олишида фразеологик маъно йўл қўймайди. Зеро бундай қаршилик билан фразеологизм асосида ётган мазмун ва моҳият сақланиб қолинади. Шунинг учун КТСФларида замон (айниқса ҳолат феълли) ва нисбат категорияси жуда чегараланган. Лекин бу икки категориядан фарқли равишда сифатдош ва равишдош шаклида кенг қўлланади. Шунингдек, шаклий ўзгаришдаги чекловлар фразеологизмларнинг баҳоловчи ва сифатни ифодаловчи хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Бундай хусусиятлар таянч компоненти ҳолат феълли бўлган

фразеологизмларга хос бўлганлиги учун, шаклий ўзгаришда уларда чекланиш кўпроқдир.

Феъл СФлар таркибий тузилиши жиҳатидан от, сон, равиш, ҳаракат ва ҳолат феълларининг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлган. Феъл фразеологизмларнинг таркибий тузилишини батафсил кўриб чиқиш орқали уларнинг морфологик хусусиятларини янада кенгроқ очилади. Шунингдек, уларнинг ички синтактик қурилишини таснифлаб чиққан бўламиз.

Барча феъл фразеологизмлар учун хос бўлган хусусият шуки, “феъл фразеологизмнинг боғлашув имконияти аввало унинг таркибидаги феъл лексемага қараб белгиланади”⁵². Фразеологизмдаги феъл ва бошқа компонентларнинг хусусиятларини қараб чиқиш учун фразеологизмларни таркибий тузилиши жиҳатидан икки, уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ компонентли фразеологизмларга бўлиб, улардаги компонентларнинг ўзаро боғлашувини ўрганиб чиқамиз.

Икки компонентли фразеологизмлар тадқиқотда келтирилган барча феъл фразеологизмларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Мазкур фразеологизмлар “от+феъл” шаклида бўлиб, от сифатида қатнашган соматизмлар ҳаракат феълларига бош (О|/가), тушум (을/를), ҳол келишигида (е|/에서/로) ва кўмакчи қўшимчалар (만/밖에) воситасида боғланган бўлса, ҳолат феълларига эса фақат бош келишиқда ва айрим ҳолларда кўмакчи қўшимчалар орқали боғлашув ҳосил қилган бўлади. Шунга кўра, икки компонентли феъл фразеологизмларни боғлашувнинг турига қараб, беш турга бўлиб, таснифлаш лозим.

1. Эга ва кесим боғлашувли фразеологизмлар. Мазкур фразеологизмларда эга бош келишиқдаги от (соматизм) билан ифодаланиб, кесим сифатида келган ҳаракат ва ҳолат феъллари унга боғланади

⁵² Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви. Т.: Университет, 1992. – 6 б.

(N_S 이/가+V⁵³ ва N_S 이/가+A). Эга (боғлатувчи) ва кесим (боғланувчи) муносабатидаги фразеологизмлар, икки компонентли феъл фразеологизмларининг асосий қисмини ташкил қилади. Мазкур фразеологизмларда бош келишик белгили ва белгисиз қўлланиши мумкин. Жумладан, белгили: 가슴이 터지다, 귀가 가렵다, 눈이 가다, 마음이 내키다, 머리가 가볍다, 손이 거칠다, 입이 더럽다; белгисиз: 가슴(이) 뻐똥하다, 눈(이) 시다, 발(이) 맞다, 발(이) 짧다, 손(이) 가다, 머리(가) 굵다 ва бошқалар. Шунингдек, юкоридаги боғлашувдан фарқли равишда эга “만” кўмакчи қўшимчасини олган от билан ифодаланган фразеологизмлар ҳам мавжуд. Жумладан, N_S 만+V/A: 눈만 깜박거리다, 눈만 깜박이다, 눈만 꿈벅거리다, 머리만 크다, 뼈만 남다, 뼈만 앙상하다, 입만 뻥긏하다, 입만 살다, 입만 아프다.

2. Воситасиз тўлдирувчи ва кесим боғлашувли фразеологизмлар. Таркиби тушум келишигидаги от (соматизм) ва ўтимли феъл билан ифодаланган кесим боғлашувли фразеологизмлар ҳам миқдор жихатдан кўпчиликни ташкил қилади. Тўлдирувчи ва кесим боғланишидан ҳосил бўлган фразеологизмларда кесим боғлатувчи, тўлдирувчи эса боғланувчи вазифасида бўлади. Мазкур фразеологизмлар тилда белгили ва белгисиз қўлланади. Масалан, белгили (N_S 을/를+V): 가슴을 치다, 귀를 세우다, 눈을 떼다, 마음을 먹다, 목을 자르다, 손을 나누다; белгисиз (N_S(을/를)+V): 가슴(을) 퍼다, 눈(을) 뒤집다, 귀(를) 뜨다, 귀(를) 뜨다, 발(을) 씻다, 손(을) 거치다 ва бошқалар. Бундай тузилишга эга бўлган фразеологизмларга орттирма

⁵³ N_S – соматизм, N – от, Pс - сифатдош, V (동작동사) – ҳаракат феъли, A (상태동사) – ҳолат феъли, Adv – равиш, AV – кўмакчи феъл (보조용언), Nс – отли бирикма (체언) ва Vс – феълли бирикма (용언)

нисбат қўшимчасини олиши натижасида ўтимлилашган феъл компонентли фразеологизмлар ҳам киради: **눈(을) 밝히다**, **손을 늦추다**, **머리(를) 숙이다**, **가슴을 울리다**, **가슴을 태우다**, **귀를 재우다**, **목에 걸리다**.

3. Воситали тўлдирувчи ва кесим боғлашувли фразеологизмлар.

a) Жўналиш келишигидаги от билан ифодаланган воситали тўлдирувчининг ўтимсиз феъл билан ифодаланган кесимга боғланиши белгили ва белгисиз бўлади. Масалан, белгили (N_s **에+V**): **귀에 거슬리다**, **눈에 들다**, **마음에 두다**, **발에 채다**, **손에 붙다**, **입에 대다**, **코에 걸다**; белгисиз (N_s (**에**)+V): **귀(에) 거칠다**, **손(에) 꼽히다**, **손(에) 익다** ва бошқалар.

b) Восита келишигидаги от билан ифодаланган воситали тўлдирувчи ва ўтимсиз феъл билан ифодаланган кесим боғлашувли фразеологизмлар доимо белгили (N_s **로+V**) қўлланади. Шунингдек, бундай боғлашув асосан “**발**” [oёк] соматизмидан таркиб топган фразеологизмларда кўп учрайди: **귓등으로 들다**, **귓전으로 들다**, **눈으로 말하다**, **몸으로 때우다**, **발로 쓰다**, **발로 걷어차다**, **발로 뛰다**, **발로 쓰다**, **발로 차다**, **발로 채이다**, **발로 걷어채이다**. **발판으로 삼다**, **속으로 앓다** ва бошқалар.

4. Ўрин ҳоли ва кесим боғлашувли фразеологизмлар.

a) Ўрин ҳоли сифатида чиқиш келишигидаги отнинг ўтимсиз феълга боғланиши (N_s **에서+V**) сон жихатдан жуда ҳам чекланган: **눈에서 벗어나다**, **눈에서 황이나다**, **손에서 벗어나다**.

b) Отга “밖에” (ташқари) кўмакчи қўшимчаси қўшилиб, ҳаракат феъли билан боғланган фразеологизмлар (N_s 밖에+V): 눈밖에 나다, 입밖에 내다.

5. Корейс тилида ўзига хос грамматик хусусиятга эга бўлган 되다 [бўлмоқ] феълидан таркиб топган фразеологизмлар ҳам мавжуд. Бундай тузилишдаги фразеологизмларда 되다 феъли фақат тўлдирувчи келишиги [보어격조사] қўшимчалари (이/가)ни олган от билан боғланган бўлади: 손발이 되다, 얼굴이 반쪽이 되다, 입이 되다, 손발이 되다.

Демак, икки компонентли феъл фразеологизмлар эга ва кесим, воситасиз тўлдирувчи ва кесим, воситали тўлдирувчи ва кесим, ўрин ҳоли ва кесим боғлушувида шаклланган бўлади.

Уч компонентли СФлар асосан “от+от+феъл”, “от+равиш+феъл” ва “от+феъл+феъл” шаклидаги тузилишдан иборат.

1. “От+от+феъл” тузилишдаги фразеологизмлар тилда сермахсул бўлиб, биринчи компонент доимо соматизм бўлиб, ўзидан кейинги отга бош, тушум, ҳол келишикларида ва кўмакчи қўшимчалар билан бириккан бўлади. Биринчи компонентнинг кейинги отга бирикиш усулига қараб, беш турга бўлинади.

a) Биринчи компонент доимо бош келишиқда, иккинчи компонент эса –만 кўмакчиси ёки бош, тушум, жўналиш келишиқлари қўшимчаларидан бирини олиб, ҳаракат феъли билан боғланган бўлади. Жумладан, $N_s(이/가)+N$ 에+V: 입 끝에 내다, 입 끝에 옮기다, 코가 땅에 닿다; N_s 이/가+ N 이/가+V: 귀가 항아리만 하다, 얼굴이 반쪽이 되다, 입 안이 쓰다;

N_s 이/가+N 을/를+V: 눈물이 앞을 가리다; N_s 이/가+N 만+V: 눈이 등잔만 하다, 가슴이 콩알만 하다, 귀가 항아리만 하다.

Иккинчи компонент –보다 кўмакчи кўшимчасини олиб, ҳолат феъли билан боғланган бўлади. N_s 는/и/га+N 보다+A: 피는 물보다 진하다, 다리가 의붓자식보다 낫다.

b) Биринчи компонент ўрин келишигида, иккинчи компонент эса бош ёки тушум келишикларида келиб, ҳаракат феъли билан боғланган бўлади. Жумладан, N_s 에+N 이/га+V: 귀에 못이 박히다, 귀에 싹이 나다, 눈에 불이 나다, 눈에 흠이 들어가다, 머리에 녹이[취가] 쏠다, 머리에 서리가 앉다, 입에 침이 마르다; N_s 에+N 을/를+V: 눈에 모를 세우다, 눈에 불을 켜다, 눈에 화등잔을 켜다, 목에 핏대를 세우다, 얼굴에 똥칠을 하다, 입에 게거품 [거품]을 물다, 손에 땀을 주다.

Мазкур турга мансуб яна бир шаклдаги фразеологизмларда ҳаракат феъллари доимо бўлишсиз шаклда бўлади ва улар ўзининг бу морфологик шаклини ўзгартирмайди. Бундай фразеологизмлар “ N_s 에+N 도+V” шаклидаги тузилишга эга бўлади: 간에 기별도 안가다, 머리에 피도 안 마르다, 이마에 피도 안 마르다, 손에 물도 묻히지 않다.

c) Биринчи компонент чиқиш келишигида, иккинчи компонент эса бош келишигида бўлиб, барча фразеологизмларда ҳаракат феъли “나다” билан ифодаланган бўлади. Жумладан, N_s 에서+N 이/га+V: 눈에서 향이 나다, 목에서 겨불내가 나다, 입에서 신물이 난다, 입에서 젓내가 난다.

d) Биринчи ва иккинчи компонентда ҳам соматизм қатнашиб, улар ўзаро ва феъл билан “N_s 도+ N_s 도+V” шаклида бириккан бўлади: 피도 눈물도 없다.

e) Икки отнинг 되다 [бўлмоқ] феъли билан боғланишидан ҳосил бўлган фразеологизмлар ҳам мавжуд: 가슴이 솟등걸이 되다, 얼굴이 흥당무가 되다.

2. “От+равиш+феъл” тузилишдаги фразеологизмлар синтактик жиҳатдан икки хил боғланишда бўлади:

a) “Эга + тарз ҳоли + кесим” шаклдаги боғланишда эга бош келишиқдаги от, тарз ҳоли ҳолат равиши билан, кесим ўтимсиз феъл билан ифодаланган бўлади: 귀가 번쩍 뜨이다, 눈이 바로 [똑바로] 배기다, 머리가 잘 돌아가다, 목이 빠지도록 기다리다, 배꼽이 빠지도록 웃다, 입이 가로 터지다 [짜지다], 피가 거꾸로 솟다, 혀가 잘 돌아가다 ва бошқалар.

b) “Воситасиз тўлдирувчи + тарз ҳоли + кесим” боғланишдаги фразеологизмларда воситасиз тўлдирувчи тушум келишиқдаги от, тарз ҳоли ҳолат равиши, кесим ўтимли феъл билан ифодаланган бўлади (N_s 을/를+Adv+V): 눈을 딱 감다, 발(을) 동동 구르다, 입을 딱 벌리다, 어깨를 나란히 하다 ва бошқалар.

3. “От+феъл+феъл” тузилишдаги фразеологизмларда биринчи компонент бўлган соматизм бош, тушум ва жўналиш келишиқларидан бирида келса, феъл эса кўмакчи феълли бирикма ёки равишдошли бирикма билан ифодаланган бўлади. Равишдошли бирикмада феъл одатда -고, -아/어 ва -아/어도 қўшимчаларини олиб, равишдош шаклини ҳосил қилиб, ҳаракат

ва ҳолат феъллари билан бирикади. Кўмакчи феъллар ҳам фразеологизмларнинг шаклланишида фаол қатнашган. Шунга кўра, “от+феъл+феъл” тузилишдаги СФларни уч гуруҳга бўлган ҳолда қараб чиқамиз.

а) Бош келишиқдаги белгисиз от ва равишдошли бирикмадан иборат бўлган фразеологизмлар: **눈 뜨고 도둑맞는다, 눈 뜨고 볼 수 없다, 눈 뜨고 절명한다, 눈 감고 따라간다.** Бош келишиқдаги от ва кўмакчи феълли бирикмадан иборат бўлган фразеологизм: **목이 붙어 있다.**

б) Тушум келишиқдаги от ва равишдошли бирикмадан иборат бўлган фразеологизмлар: **다리를 뺀고 자다, 발을 벗고 나서다, 발을 뺀고 자다, 팔을 걷고 나서다, 허리를 쥐고 웃다.** Тушум келишиқдаги белгили ва белгисиз от ҳамда кўмакчи феълли бирикмадан иборат бўлган фразеологизмлар: **가슴을 털어 놓다, 눈을 띄워 주다, 발(을) 들여 놓다, 손(을) 들어 주다.**

с) Жўналиш келишиқдаги от ва равишдошли бирикмадан иборат бўлган фразеологизмлар: **눈에 넣어도 아프지 않다, 입에 달고 다니다, 가슴에 파고 있다.** Жўналиш келишиқдаги от ва кўмакчи феълли бирикмадан иборат бўлган фразеологизмлар: **가슴에 넣어 두다, 머리에 그려 넣다, 머리에 새겨 넣다.**

4. Тўрт компонентли фразеологизмларда соматизмлар асосан биринчи ўринда келган бўлади, фақат айрим СФлардагина иккинчи ёки учинчи ўринда келиш ҳолатлари учрайди. Бу хилдаги фразеологизмларнинг тузилиши қуйидаги тартибда бўлади:

- a) От+сон+феъл/қўшма феъл: 손 하나 대지 못하다, 손 하나 까딱 하지 않다, 손(이) 열 개라도 모자르다, 입이 천근 같다;
- b) От+от+қўмакчи феълли бирикма: 주머니에 손만 넣고 있다;
- c) От+от+равиш+феъл: 눈에서 번개가 번쩍 나다, 몸과 마음을 다 바치다, 발이 손이 되도록 빌다;
- d) От +сифатдошли бирикма+феъл: 발을 붙인 곳이 없다, 발을 디딜 틈이 없다;
- e) Сифатдош+от+от+феъл: 지나간 버스에 손(을) 흔들다.

5. Беш ва ундан ортиқ компонентли фразеологизмлар қуйидаги тузилишларда бўлади:

- a) “От+қўшма феъл” боғлашувида қўшма феъл жуфт сон ва ҳада феъли билан ифодаланган бўлади: 가슴이 두근 반 세근 반 한다.
- b) “От+от+қўшма феъл” тузилишдаги “눈에서 딱정벌레가 왔다 갔다 하다” фразеологизмида қўшма феъл “왔다 갔다” жуфт феъли ва ҳада феъли билан ифодаланган.
- c) “От + отли бирикма + равишдош + феъл” тузилишидаги фразеологизм: 손에 물 한 방울 묻히지 않고 살다.
- d) От+ сифатдош+равиш+от+ феъл: 차 지나간 다음에 손 흔들다.

Раши сoмaтик фразеологизмлар

Корейс тили фразеологиясида равиш СФлар ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, улар семантик ва функционал жиҳатдан равиш лексемалар ва равишли бирикмаларга хосдир. Равиш фразеологизмлар грамматик қурилишини хилма-хиллиги билан бошқа фразеологик туркумлардан ажралиб туради. Уларнинг таркибида барча туркумларга хос бўлган сўзлар қатнашган. Шунингдек, бу гуруҳга кирувчи фразеологизмларнинг равиш фразеологизмларга мансублиги аниқ ва очиқ кўринади, чунки уларда грамматик таянч компонент равиш ёки равишдошга мансуб лексема билан ифодаланган бўлади: *옛장수 마음대로, 눈 깜짝할 사이(동안)에, 게 발 물어 던진 듯, 마파람에게 눈 감추듯이, 목에 칼이 들어와도, 눈이 뜯어지게, 머리 꼬리 없이, 손이 발이 되게, 손이야 발이야* ва бошқалар. Равишли фразеологизмлар 3-иловада келтирилган жами фразеологизмларнинг 1,7 фоизини ташкил қилади. Миқдор жиҳатдан гарчи оз бўлса ҳам, улар КТСФлари таркибида алоҳида аҳамиятга эга.

Равишли фразеологизмларда дериватив вариантдошлик кенг тарқалган. Бу ҳолат ўзаро синоним бўлган “-도록” ва “-게” равиш ясовчи қўшимчаларининг бир-бирини алмаштириб қўлланиши билан изоҳланади. Масалан, *코가 비뜯어지게 / 비뜯어지도록, 눈이 가매지게 / 가매지도록, 눈이 뜯어지게 / 뜯어지도록, 입이 닿게 / 닿도록* ва бошқалар. Бундай ўрин алмаштириш уларнинг семантик хусусиятларига таъсир қилмайди. Шунингдек, вариантдошлик бутун бир компонентга фарқ қилиши мумкин. Жумладан, “*눈 깜짝할 사이에*” фразеологизмининг варианты бўлмиш “*눈 깜짝할 동안에*” битта компонентда фарқ қилса ҳам, жуда қисқа вақтни ифодаловчи мазкур фразеологизмлар гапда бир-бирини ҳеч қандай тўсиксиз алмаштира олади:

눈 깜짝할 사이 (동안)에 십 년의 세월이 흘렀다.*⁵⁴ – Кўз очиб юмгунча ўн йил ҳам ўтиб кетди.

Шунингдек, равишли соматик фразеологизмлар асосан субъектнинг жисмоний, рухий ва эмоционал ҳолатларини ифодалаб, гапда феълдан олдин келади.

그는 눈이 뚫어지게 바라보다가 드디어 입을 열었다. *

그는 돈이 생기는 일이라면 눈에 불을 켜고 달려든다. *

그는 예, 예, 대답하며 늙은이 앞에 와서 발 아래에 코를 박듯 절을 하였다. *

살기 싫으면서도 정 선생이 찾아와서 손이야 발이야 빌지 않는 것이
괘씸했을 것이고.... [박경리, 토지].

Келтирилган морфологик хусусиятлардан келиб чиқиб, равиш соматик фразеологизмларни таркибидаги компонентларнинг тури ва компонентлар орасидаги боғлашувнинг тузилиши бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлган ҳолда кўриб чиқамиз.

1) От ёки отли бирикмага жўналиш келишиги кўшимчаси, кўмакчи кўшимлар ёки 대로 тобе оти қўшилган бўлади:

- N_S 이 +N: 발이 날개;
- N_c+(으)로: 입에서 입으로;
- N_S +까지: 머리끝까지; N_c+까지: 머리끝에서 발끝까지;
- N_c+대로: 옛장수 마음대로;
- N_c+도: 입이 열 개라도;

⁵⁴ * Белгиси қўйилган мисоллар <http://krdic.naver.com/list.nhn?kind=idiom> (электрон изохли фразеологик луғати) сайтдан олинган.

- N_s +**에**: 코앞에, N_c +**에**: 눈 깜짝할 사이(동안)에.

2) Феълли бирикмага равиш ва равишдош кўшимчалари кўшилган бўлади:

- V_c +**게[도록]**: 가슴이 꺼지게 (꺼지도록), 코가 비뚤어지게 (비뚤어지도록), 눈이 가매지게 (가매지도록), 눈이 뚫어지게 (뚫어지도록), 입이 닿게 (닿도록), 목이 찢어지게 (찢어지도록), 손이 닿도록, 손이 발이 되게;

- V_c +**듯(이)**: 게 발 물어 던진 듯, 마파람에게 눈 감추듯이, 코를 박듯;

- V_c +**아(서)**: 손 꼽아;

- V_c +**아/어도**: 목에 칼이 들어와도, 눈을 씻고 보아도;

- V_c +**이**: 머리 꼬리 없이;

- V_c+**고**: 머리(를) 싸고, 눈에 불을 켜고, 귀 베고 꼬리 베고, 머리(통)에 털

나고.

Равиш СФлар гапда синтактик вазифасига кўра, асосан равиш холи бўлиб келади. Фақатгина **눈 깜짝할 사이(동안)에** фразеологизми пайт холи, **코앞에** эса ўрин холи бўлиб келади.

Субстантив соматик фразеологизмлар

Субстантив фразеологизмларда таянч компонент сифатида от сўз туркумига мансуб сўзлар (соматизмлар) катнашиб, бошқа от ва сифатдошлар билан турғун бирикма ҳосил қилган бўлади: **눈꼴**, **마당발**, **코앞에**, **눈에 안경**, **큰 손**, **잡을 손**, **목 안의 소리**, **새 발의 핏**, **귀 빠진 날**, **입에 맞는 떡**, **코 묻은 돈**, **입에 발린 소리**, **코 먹은 소리**, **눈 감으면 코 베어 먹을 세상** ва бошқалар.

Мазкур гуруҳга мансуб фразеологизмлар 3-иловада келтирилган жами фразеологизмларнинг 2,9 фоизини ташкил қилади.

Субстантив фразеологизмлар худди отлар каби турланиш хусусиятига эга. Бирикмага тенг бўлган СФларда от асосан тушум келишигида ёки ҳолат келишигининг восита шаклида бўлади:

중대장은 군인답지 않게 입 안의 소리로 변명을 늘어놓는 병사 때문에 화가 단단히 났다.* (восита келишиги)

나이가 어릴 때는 제법 코 큰 소리를 하고 우짖대던 성대였지만....[이정환, 셋강] (тушум келишиги)

Шунингдек, кўмакчи кўшимчалар ҳам бевосита кўшилиб, фразеологизмга кўшимча маъно беради:

그는 돈이 모자라 작은아들의 코 묻은 돈까지 써야 했다.*

남편은 화가 난 부인의 비위를 맞추느라고 입에 꿀을 바른 말만 해 댔다.*

Субстантив СФлар таркибий тузилиши жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлинади: бир (кўшма сўз), икки, уч ва тўрт компонентли ҳамда мураккаб таркибли (икки бирикманинг боғланиши) фразеологизмлар .

1) Бир компонентли фразеологизмлар асосан кўшма отдан отдан иборат бўлади. Мазкур ҳолатда одатда икки мустақил от бирикиб (N_S+N / $N+N_S$), битта кўшма сўзни ташкил қилган бўлади. Масалан, 가슴앓이, 귀땀, 귀동냥, 눈꿀, 눈땀, 눈자위, 마당발, 발바닥, 속앓이, 얼굴마담 кабилар.

2) Икки компонентли фразеологизмлар сифатдош билан ифодаланган аниқловчи ва соматизм билан ифодаланган аниқланмишдан таркиб топган бўлади: 큰 손, 검은 손, 잡을 손.

3) Уч компонентли фразеологизмлар орасида қаратқич ва қаралмиш, аниқловчи ва аниқланмиш шаклидаги боғлашувлардан иборат бўлган фразеологизмлар кенг учрайди.

а) Қаратқич ва қаралмиш муносабатида қаратқич сўз бирикмаси билан, қаралмиш от лексема билан ифодаланади. Жумладан, бундай фразеологизмларда соматизм икки хил ҳолатда келади: N_S+N 의+N ва $N+N_S$ 의+N. Субстантив фразеологизмлардан **목 안의 소리** ва **입 안의 소리** биринчи ҳолатга, **개 발의 편자** ва **새 발의 핏** эса иккинчи ҳолатга мисол бўлади.

б) Аниқловчи ва аниқланмиш боғлашувли фразеологизмларда аниқловчи таркибида соматизм қатнашган сифатдош шаклидаги бирикма билан, аниқланмиш эса от лексема билан ифодаланади: **귀 빠진 날**, **입에 맞는 떡**, **코 물은 돈**, **입에 발린 소리**, **코 먹은 소리**, **코 큰 소리**, **입에 발린[붙은] 소리**.

с) Ўрин ҳоли соматизм таркибли бирикма билан ифодаланиб, от билан ифодаланган эганинг ўрнини билдириб келган бўлади: **다리 아랫소리**, **코 아래 입**, **코 아래 진상**, **눈 위에 흑**.

4) Тўрт компонентли фразеологизмлар аниқловчи ва аниқланмиш муносабатида бўлиб, аниқловчи сўз шакл (бирикма) билан, аниқланмиш эса от лексема билан ифодаланган бўлади: **입에 꿀을 바른 말**, **입에 침 바른 소리**.

5) Мураккаб тузилишдаги фразеологизмларда одатда икки бирикма тенг ёки эргашган шаклда боғланган бўлади:

а) Иккита отли бирикма тенг муносабатда боғланган бўлади: **다리 부러진 장수 집 소리치는 격**

b) Эргашган боғлашувли фразеологизмларда отли бирикма бош, феълли бирикма эса тобе қисм бўлади: 눈 뜨고 못 보는 세상, 눈 감으면 코 베어 먹을 세상.

Бошқа туркумдаги фразеологизмлардан фарқли равишда, субстантив фразеологизмлар гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва кесим вазифасида кела олади.

Соматик фразеологизмларнинг синтактик қуршови

Корейс тилида фразеологизмларнинг синтактик хусусиятларини биринчи бўлиб Хонг Жэ Сонг⁵⁵ таҳлил қилиб чиқиб, ягона тизимга солган.

Тилда алоҳида олинган фразеологизмлар одатда маъноси предмет, ходиса, ҳолат, ҳатти-ҳаракатлар ҳақида тушунча англатиш хусусиятига эга бўлади. Гап маъноси эса ана шу предмет ҳодисаларнинг объектив борлиқдаги ҳолатини билдиради. Бошқача айтганда, алоҳида олинган фазеологизмлар гапдан ташқарида баъзан мавҳумлик маъносига эга бўлса, гап таркибида эса улар конкрет маънолар касб этади.

Фразеологизмнинг бирор синтактик қуршовга эга бўлиши унинг туркумига, ички синтактик қурилишига, феъл фразеологизмларда феъл сўз-компонентнинг бошқарувига ва бу бошқарувнинг фразеологизм таркибида реаллашган ёки реаллашмаганлигига боғлиқ. Агар фразеологизм гапга тенг қурилишли бўлса, нутқдан эга ололмайди, чунки эга фразеологизмнинг ўз қурилишида қатнашган бўлади. Масалан, 가슴(이) 뿌듯하다, 가슴이 뛰다, 간(이) 크다, 간담이 내려 앉다, 귀(가) 밝다, 손(이) 가다 кабилар.

Феъл фразеологизмларда феъл сўз-компонент ўтимли ва ўтимсиз бўлишини юқорида кўриб чиққан эдик. Феъл ўтимсиз бўлган ҳолатда, бош

⁵⁵ 홍재성. 먹다 속어 동사 구문의 통사적 기술// 어학연구 29-3. 서울: 서울대 어학연구소, 1993. - pp. 279-299.

келишикдаги сўз-компонент билан эга-кесим муносабатида киришади. Феъл сўз-компонентнинг бундай синтактик имконияти фразеологизмнинг ўз таркибида реаллашган сабабли контекстда шундай бўлак билан боғланмайди. Мазкур ҳолат ҳам ҳаракат феъллари, ҳам ҳолат феълларига хослигини юқорида келтирилган фразеологизмларда кўрдик. Бундай фразеологизмлар гапда қўлланганда, кўпинча қаратувчи бўлак билан бирикиб келади. Масалан, “김 선생님은 머리가 잘 돌아가는 사람이야.” [관용어 사전: 144] ёки “그는 입이 더러워 아무 말이나 막하는 경향이 있다.” [관용어 사전: 300].

Феъл компоненти ўтимли феъл билан ифодаланган фразеологизмларда феъл компонентнинг бошқаруви фразеологизмнинг таркибида реаллашган бўлади, шу сабабли ибора шундай бўлакни бошқармай, асосан қаратувчи ёки эга билан боғланиб келади.

1.3. Соматик фразеологизмларда лексик ва грамматик вариантланиш

“Вариантланиш барча тил бирликларига, шу жумладан фразеологизмларга ҳам хос ҳодиса”⁵⁶ ҳисобланади. КТСФларида асосан икки ва уч вариантлик кенг тарқалган.

КТСФларида бир фразеологизмга бир нечта вариантни бирлаштириш, уларнинг қуйидаги хусусиятларига асосланади:

- а) маълум ўзгаришлар сабабли фразеологизмларнинг бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, вариантларнинг барчаси бир манбага бориб тақалиши;
- б) фразеологизмларнинг асосида айни бир образнинг ётиши;

⁵⁶ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 10 б.

- с) вариантларнинг айни бир луғавий маънони англатиши;
 d) ўзаро ўсиб чиққан вариантлар таркибида муштарак сўз-компонентнинг бўлиши асосга олинди.

Вариантланиш туфайли бир фразеологизм бошқа фразеологизмга айланмайди, аксинча, бир фразеологизмга хос образ бирлиги, луғавий маъно бирлиги сақланади. Вариантланиш фразеологизмга хос яхлитликнинг ўзи доирасида, шу яхлитлик йўл кўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё фразеологизм йўққа чиқади, ёки бошқа бир фразеологизм вужудга келади.

КТСФларида фразеологик вариантлар дастлаб лексик вариантлар ва грамматик вариантларга бўлинган ҳолда фарқланади. Лексик вариант фразеологизм таркибидаги мустақил туркум сўзи билан ифодаланган компонентнинг ўзгартирилиши билан ҳосил бўлади. Бунда сўз-компонент: 1) алмаштирилади, 2) кўшилади, 3) ташланади.

Лексик алмаштиришда кўпинча фразеологизм таркибидаги сўз-компонентларнинг биттаси алмашади. Лексик алмаштириш икки йўл орқали амалга ошади: 1) бир сўз варианты билан алмашади, 2) сўз билан сўз алмашади.

1. Бир сўзнинг вариантлари билан алмашиш ҳолати жуда камдан-кам учрайди. Бунга қуйидаги фразеологизмлар мисол бўла олади: 가슴을 끌어내리다 → 가슴을 쓰다듬어내리다, 가슴이 섬뜩하다 → 가슴이 섯뜩하다, 눈 앞이 깜깜하다 → 눈 앞이 캄캄하다. Бундай алмаштириш мауъян ҳолатларда эмоционал-стилистик фарқланишга олиб келиши мумкин.

2. Сўз билан сўз алмашса, мазкур ҳолатда, бу сўзлар ўзаро синоним бўлади ёки яқин маъноли сўзлар бўлади.

1) Синоним сўзларнинг алмашиши:

a) Ўзаро синоним бўлган соматизм билан алмашади: 머리에 피도 안 마르다 → 대가리에 피도 안 마르다, 고개를 못 들다 → 머리를 못 들다, 머리(를)

젓다 → 고개를 젓다, 머리(를) 쓰다 → 골을 쓰다. Мазкур фразеологизмларда катнашган 머리, 대가리, 고개, 골 соматизмларининг барчаси “бош” маъносини ифодалайди.

b) Ўзаро синоним бўлган феъл билан алмашади. Бундай фразеологик вариантланиш бошқа ҳолатларга нисбатан кенг тарқалган бўлиб, бунда соматизм ўзгармайди, балки фразеологизм таркибидаги феъл компонент синонимига алмашади: 가슴을 쥐어뜯다 → 가슴을 쥐어짜다, 가슴을 터 놓다 → 가슴을 털어 놓다, 간담이 내려 앉다 → 간담이 떨어지다, 귀(가) 빠지다 → 귀(가) 떨어지다, 귀(가) 여리다 → 귀가 무르다, 귀가 솔깃하다 → 귀가 쏠리다, 귀가 가렵다 → 귀가 간지럽다, 눈 하나 깜짝하지 않다 → 눈 하나 까딱하지 않다, 눈썹도 까딱 안 하다 → 눈썹도 깜짝 안 하다, 눈에 불을 쬐다 → 눈에 불을 달다, 머리 위에 올라왔다 → 머리 위에 올라서다, 머리를 숙이다 → 머리(를) 수그리다, 머리(를) 젓다 → 머리(를) 흔들다, 얼굴이 붉어지다 → 얼굴이 빨개지다, 다리(를) 뺨고 자다 → 다리(를) 펴고 자다.

Синонимлар алмашганда, вариантлар асосан нутқий, стилистик белгида фарқланади, шунга кўра стилистик вариантлар юзага келади.

2) Яқин маъноли сўзлар алмашиши:

a) Бир-бирига яқин бўлган соматизмларнинг алмашиши: 귀가 넓다 → 귓구멍이 넓다 → 귓문이 넓다, 눈을 주다 → 눈길(을) 주다, 눈알이 나오다 → 눈썹(이) 나오다, 얼굴을 (고개를) 못 들다 → 머리를 못 들다, 눈이 빠지게 → 목이 빠지게, 손 안에 들다 → 손가락 안에 들다, 손에 넘어 가다 → 손아귀에 넘어 가다.

b) Яқин маъноли феълларнинг алмашиши: 귀가 먹다 → 귀(가) 멀다, 귀에 거슬리다 → 귀에 거칠다 → 귀에 걸리다, 눈 앞에 나타나다 → 눈 앞에 닥치다, 눈 앞이 깜깜하다 (깜깜하다) → 눈 앞이 아찔하다, 눈동자가 풀리다 → 눈이 풀리다, 머리(를) 쓰다 → 머리를 굴리다, 눈에 쌍심지를 켜다 → 눈에 쌍심지가 나다 (서다/오르다).

Яқин маъноли сўзлар алмашганда, одатда маъно вариантлари вужудга келади. Бундай ҳолатларда маъно ё кучаяди, ё кучсизланади.

Лексик вариантланишнинг лексик қўшилиш тури фразеологизм таркибида сўз-компонентнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади: 눈을 떠도 코 베어 간다 → 눈 뜨고 코 베어 갈 세상, 눈썹도 까딱 안 하다 → 눈썹 하나 까딱 안 하다, 두 손(을) 들다 → 두 손(을) 바짝 들다, 입이 쓰다 → 입안이 쓰다, 입이 찢어지다 → 입이 귀밑까지 찢어지다(이르다). Мисоллардан кўринадикки, қўшишда такрорланиш ёки жуфт сўз яшаш ҳолатлари мавжуд бўлмай, барча қўшилган компонентлар ўзининг мустақил маъноси билан фразеологизмга қўшимча маъно бермоқда. Одатда бундай қўшиш натижасида фразеологизмнинг семантикасида конкретликка томон силжиш юз беради, конкрет бир изоҳ нуқтаси ортади. Бундай конкретлик мисол сифатида келтирилган фразеологизмларнинг барчасида ҳосилдир.

Лексик вариантларнинг муайян қисми фразеологизм таркибидаги сўз-компонентни ташлаш билан ҳосил бўлади: 가슴에 피멍이 들다 → 가슴에 멍이 들다 (지다), 가슴이 두 방망이질(을) 하다 → 가슴이 방망이질하다, 눈 앞에 보이는 것이 없다 → 눈에 보이는 것이 없다, 제 눈에 안경 → 눈에 안경, 눈을 내리깔다 → 눈을 깔다, 두 다리(를) 쪽 뺀다 → 다리(를)

쪽 뺏다, 머리 속이 비다 → 머리가 비다, 속(을) 떠보다 → 속(을) 뜨다.

Мисоллардан кўринадики, сўз-компонент ташлашнинг ҳам турли кўринишлари мавжуд. Сўз-компонент ташлаш билан юзага келган вариант унга асос бўлган вариантдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: изоҳланиш имконияти озаяди, фразеологизм англатадиган луғавий маънони шартли қабул қилиш кучаяди.

Полисемантик фразеологизмларда лексик вариантланиш имконияти ҳар бир фразеологик маъно бўйича ўрганилиши, таъкидланиши керак. Бир фразеологик маънода бор вариантланиш бошқа фразеологик маънода бўлмаслиги мумкин. Масалан, **손에 붙다** фразеологизми икки маъноли: 1) “моҳир”, “қўл гул”; 2) “фикрни бир жойда жамлаган ҳолда, ишга киришмоқ”. Бу фразеологизм иккинчи маъносида **손에 잡히다** вариантига эга, биринчи маъносида эса бундай вариантланиш мавжуд эмас. Бундан ташқари полисемантик фразеологизмлардаги лексик вариантланишга **손(이) 빠르다**[1] → **손(이) 재다**, **눈 가리고 아웅**[2] → **귀 막고 아웅 한다**, **손에 걸리다** [3] → **손에 잡히다** фразеологизмлари ҳам мисол бўлади.

Фразеологизм таркибини грамматик ўзгартириш билан ҳосил бўладиган вариантга грамматик вариант дейилади. Том маънодаги грамматик вариантлар фразеологизмнинг ички грамматик курилишида (фразеологизмнинг контекст билан алоқадор бўлмаган қисмларида) содир бўладиган ўзгаришлар натижасида юзага келади. Жумладан, феъл фразеологизмларда нисбат ясалиши ва шу билан боғлиқ ҳолда юз берадиган грамматик ўзгаришлар грамматик вариантланишнинг турларидан биридир. Масалан, **발을 묶다** фразеологизми таркибидаги феъл компонент аниқ нисбатда, тушум келишигидаги **от** билан тўлдирувчили бирикма ҳосил қилган. Худди шу фразеологизм **발(이) 묶이다** шаклида ҳам ишлатилади.

Нисбатнинг ўзгариши фразеологизмнинг ички грамматик қурилишини кескин ўзгартириб юборади. Яъни, бирикмага тенг фразеологизм гапга тенг бўлади, аксинча, гапга тенг фразеологизм бирикмага тенг бўлиб қолади.

Грамматик вариантланиш ҳам, худди лексик вариантланишда бўлганидек, асосан фразеологизм таркибидаги бирор грамматик қисмни алмаштириш, ташлаш ёки унга қўшиш билан воқе бўлади.

1) КТСФларда грамматик алмаштириш асосида пайдо бўладиган вариантланиш деярли йўқ. Масалан, 귀에 설다 → 귀(가) 설다 да жўналиш келишигидаги от бош келишигидаги от билан алмашган.

2) Қўшиш асосида пайдо бўладиган вариантланиш:

a) Орттирма нисбат ясовчи қўшимчани қўшиш: 가슴이 불타다/가슴이 타다 → 가슴을 불태우다/가슴을 태우다, 귀를 재다 → 귀를 재우다, 발(이) 맞다 → 발(을) 맞추다, 손(을) 꼬다 → 손(에) 꼬히다, 손(을) 걸다 → 손에 걸리다, 손발이 맞다 → 손발(을) 맞추다, 머리(를) 엮다 → 머리(를) 엮히다, 목을 걸다 → 목에 걸리다.

b) Мажхул нисбат ясовчи қўшимчани қўшиш: 발을 묶다 → 발(이) 묶이다, 발로 걷어차다 → 발로 걷어채이다, 발로 차다 → 발로 채이다.

c) Бўлишсизлик аспекти ясовчи шаклни қўшиш: 입을 다물다 → 입을 다물지 못하다, 입이 떨어지다 → 입이 떨어지지 않다.

КТСФларда ташлаш асосида вужудга келадиган грамматик вариантланиш мавжуд эмас.

Умуман, лексик вариантланиш ва грамматик вариантланишнинг биргаликда қатнашуви билан лексик-грамматик вариантлар юзага келади.

Бунда лексик вариантланишнинг ва грамматик вариантланишнинг кўринишлари ҳар хил комбинацияда бўлади.

II БОБ. КОРЕЙС ТИЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Фразеологизмларнинг семантик хусусиятлари

Фразеологизмлар ўз маъно хусусиятлари билан сўзловчининг бошқа одамларга ва мулоқот предметига нисбатан эмоционал-экспрессив қирраларга эга бўлган субъектив муносабатини ифодалайди.

Фразеологизмларнинг икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топишини грамматик ва лексик жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда кўриб чиқдик. Лекин фразеологизмлар таркибидаги сўзларнинг лексик-грамматик имкониятлари, уларнинг тўғри маънолари асосида бирикишидан ҳосил бўлмайди. Бундан ташқари “улар таркибидаги сўзларнинг семантик ҳамда грамматик муносабатида эркинлик кўринмайди. Чунки бу хил бирикма, сўзларнинг эркин бирикмаси бўлганидек, нутқ моментининг ўзида ташкил топмай, балки унгача тилда бир бутун ҳолда қўлланиб, яшаб келган бўлади. Уни бир бутун ҳолга олиб келган ҳодиса таркибидаги сўзларнинг бир маъно марказига келиб бирлашиши, бу сўзларнинг бирикиб туриб бир маънони ифодалашидир”.⁵⁷ Бошқача айтганда, “фразеологизм, таркибидаги компонентларнинг семантик жиҳатдан шаклланиши тугаган пайтдан бошланади”.⁵⁸ Масалан қуйидаги фразеологизмларнинг сўзма-сўз тушуниладиган маънолари ва фразеологик маъноларига эътибор берсак.

- 머리가 져다 [бош(и) хўл бўлмоқ]⁵⁹ – бирор ғоя ёки хурофотлардга аралашиб қолмоқ
- 코가 우뚝하다 [бурни кўтарилмоқ] – такаббурлик қилмоқ.

Фразеологизмларнинг маъноси таркибидаги сўзлар маъноларидан келиб чиқмаслигини мисолларда кўрдик. Чунки фразеологизмлар сўз бирикмаси таркибидаги бирор сўзни ёки бутун бирикмани маълум бир образ асосида

⁵⁷ Рахматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1955. – 5 б.

⁵⁸ Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978. – 6 с.

⁵⁹ Қавс ичида келтирилганлар фразеологизмларнинг сўзма-сўз таржималари

кўчма маънода қўллаш йўли орқали ҳосил бўлади, фразеологик маъно ҳам шу йўл билан юзага келади.

Фразеологизмнинг маъно бутунлигини кўриб чиқиш жараёнида фразеологик бирлик ёки фразеологик образнинг “ички формаси муаммолари”⁶⁰ пайдо бўлади. “Маъно бутунлиги фразеологизмнинг асосида ётувчи реал ёки нореал образни расшифровка қилиш натижасида келиб чиқади”⁶¹.

Фразеологик образ – фразеологик маънонинг вужудга келиши ва компонентларнинг янги маъно олишида хизмат қиладиган семантик асосдир. Образни тушунишда кўп ҳолларда чалғиш ёки сўзнинг ички формаси асосидан четга чиқиш кузатилади. Шунингдек, образ ҳар доим ҳам ҳар бир компонентнинг маъносидан келиб чиқмайди. Шу сабаб фразеологизмдан тушуниладиган умумий маъно шундай сўзлар билан берилиши мумкинки, улар қараб чиқилаётган фразеологизмнинг таркибида компонент сифатида қатмашган бўлади.

“Фразеологик образ фразеологик бирликни уни ташкил қилувчи компонентларнинг реал маънолари билан боғлаб туради”⁶². Фразеологик маънонинг вужудга келиши жиҳатидан фразеологик бирликларнинг икки гуруҳи мавжуд. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, улардан бири эркин сўз бирикмасининг метафора йўли билан фразеологик бирликка айланиши бўлса, иккинчиси эса эркин муомаладаги сўзнинг кўчма маънода қўлланиши натижасида ҳосил бўлган фразеологик бирликдир.

1. Эркин сўз бирикмасининг кўчма маънода қўлланиши натижасида унинг асосида фразеологизм шаклланади. Шунингдек, фразеологизмнинг семантик структурасида яшовчи ҳамда унинг семантик жиҳатдан шаклланишини аниқлашга хизмат қиладиган фразеологизмнинг ички образи, ички шакли ҳам вужудга келади. Сўз бирикмасини яхлитлигича кўчма

⁶⁰ Қаранг. Чой Юн Хи. Проблемы сопоставления внутренней формы фразеологизмов // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2001. - Вып.16. – С. 37-49

⁶¹ Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978. – 5 б.

⁶² Чой Юн Хи. Фразеологический образ в коннотативном аспекте (на примере соматических фразеологизмов русского и корейского языков) // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2001. - Вып.17. – 81 с.

маънода қўллаш (метафора йўли) асосида фразеологизмнинг ҳосил бўлишига қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин:

- 머리를 속이다 [бош(и)ни эгмоқ] – рози бўлмоқ ёки хурмат-эҳтиром кўрсатмоқ;
- 가슴이 아프다 [юраги оғримок] – қалб(и) кучли оғримок; ранжимок.

Иборалашув жараёнида эркин сўз бирикмасининг компонентлари ўзларининг бирламчи маъноларини йўқотади, яъни улар фразеологизмнинг янги умумий бўлган маъносига сингиб кетишади. Компонент сўзлар ўз навбатида фразеологизмнинг асосидаги образни шакллантирадилар. Фразеологик маънонинг шаклланиши сўзнинг метафора тарзида кўчма маъно ҳосил қилиши билан муқобилдир. Фразеологизм таркибида сўзларнинг денотатив маъноси йўқолиши, фразеологик маъно шаклланишининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

2. Эркин муомаладаги сўзнинг кўчма маънода қўлланиши натижасида ҳосил бўлган фразеологизмларда фразеологик маънони компонентлар маъноларидан келтириб чиқариш мумкин:

- 손(이) 부족하다 [қўл етарли эмас] - ишчи кучи етмаслик;
- 머리(를) 굴리다 [бош(и)ни думалатмоқ] – ақлни чархламоқ.

Юқоридагидек, компонентларнинг кўчма маънода қўлланиши асосида вужудга келадиган фразеологизмлар одатда “фразеологик бутунликлар”⁶³ деб ҳам аталади. Шунингдек, бундай фразеологизмларнинг ички шакли кўриниб турганлиги учун фразеологик маъно вужудга келишига асос бўлган образ ёрқин намоён бўлиб туради.

Мазкур фразеологик гуруҳлар бир-биридан фразеологик маънонинг ташкил топиш механизми ва фразеологизмнинг маъно бутунлиги тузилиши жараёнида образнинг қатнашиш даражаси билан фарқ қилади. Умуман

⁶³ Рахматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1955. – 8 б.

фразеологик образ фразеологизмларнинг семантикасида муҳим ролга эга бўлганлиги учун унга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Фразеологик маъно вужудга келишининг бутун мураккаб механизмини ҳисобга олиш зарур. У фразеологик бирлик семантик структурасининг муҳим жиҳатлари – ички шакл, фразеологик маънонинг тил асослари, фразеологик абстракция билан ўзаро боғлиқ бўлади. Фразеологик маъно шаклланиш механизмини белгилайдиган омиллар шунини кўрсатадики, улар фразеологик бирлик таркибида турли компонент сўз семаларида асосланиши мумкин. Бу семантик компонентлар имконияти фразеологик маъно ядросига кириши ёки унда четги ўринни эгаллаши, ички шакл даражасида ишлаши, фразеологизм шаклланиши жараёни ёки фразеологик бирликнинг индивидуал семантик структурасининг ўзига хослиги билан белгиланади.

Эркин сўз бирикмаси ва фразеологик бирлик ўртасидаги муносабатлар атамашуносликда ҳам ўз аксини топган. Кўчма маънода қўлланилиш натижасида вужудга келган фразеологик маъно Ш.Балли томонидан “янги”, яъни, тўғри маънога нисбатан янги деб таърифланган⁶⁴. Б.А.Ларин сўз бирикмасининг “семантик янгиланиши”ни назарда тутиб, бу маънони – “қўшимча” (“қўшимча маъно”) деб атаган⁶⁵. Барча бу атамалар эркин сўз бирикмаси ва фразеологик бирлик ўртасидаги қандайдир зарурий алоқани кўрсатади.

В.В.Виноградов кўп маротаба фразеологик бирликни ҳосил қилувчи “сўзнинг потенциал маъноси”, “потенциал образлилик”, “умумий маъно чиқариш потенциали”, “компонентларнинг семантик алоқаси”, “лексик бўлиниш потенциали” ҳақида худди фразеологик бирликнинг асосий белгисидек эслатади⁶⁶.

Шундай қилиб, фразеологик бирлик маъноси ҳар доим худди шу таркибдаги эркин сўз бирикмаси билан маълум даражада боғлиқ бўлади. Бу

⁶⁴ Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961. – 97 с.

⁶⁵ Ларин Б.А. Очерки по фразеологии: о систематизации и методах исследования фразеологических материалов // Ученые записки ЛГУ № 198. Серия филологических наук. В. 24. Очерки по лексикологии, фразеологии и стилистике. 1956. С. 215-218

⁶⁶ Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М.: Наука, 1977. - С. 140-161

алоқа кўпинча баъзи фразеологик кўринишларни таснифлаш мезони ҳисобланади. Фразеологик бирликнинг (шундай лексик таркибдаги) сўз бирикмаси билан алоқаси, фразеологик маънонинг эркин сўз бирикмаси маъносидан келиб чиқиши билан изоҳланади. Бу ҳолат фразеологик маънонинг муҳим хусусияти бўлиб, фразеологизмнинг образлиги ва экспрессивлигини, ҳамда фразеологизмнинг миллий ўзига хос яхлитлигини белгилайди. Шунингдек, фразеологизмларнинг семантик қурилишида сўзларнинг денотатив маънолари эмас, балки уларнинг маълум бир луғавий гуруҳга хосланган коннотатив маънолари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фразеологизмларнинг коннотатив маъносида тўрт хил маъно нозиклигини кузатиш мумкин:

- Фразеологизмларда эмоционаллик мавжуд бўлиб, улар орқали ижобий ва салбий эмоциялар ўзининг ифодасини топади.
- Фразеологизмлар семантикасида экспрессивлик мавжуд бўлиб, улар орқали фикр тез, кучли ва образли ифодаланади.
- Фразеологизмлар семантикасида баҳо-муносабат мавжуд бўлиб, улар орқали воқеа-ҳодиса ва жараёнларга сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабатлари ифода этилади.
- Фразеологизмлар стилистик бўёққа эга бўлиб, улар маълум функционал услубда ва маълум стилистик мақсадда ишлатилади.⁶⁷

Санаб ўтилган маъно нозиклар фразеологизмлар семантикасининг мураккаблигини яна бир намоён қилади.

⁶⁷ Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: филол. ф.н. ... дисс. – Самарқанд: А.Навоий номидаги СамДУ, 2001. – 85-86 б.

2.2. Соматик фразеологизмларнинг асосий маъно турлари

Фразеологизм шаклланиши жараёнида ундаги компонентларнинг семантик жиҳатдан қайта қурилиши рўй беради. Шунинг учун фразеологизмнинг маъно хусусияти аниқлашда, энг аввало, унинг таркибида фразеологик маънони шакллантиришда бевосита катнашган компонентларга эътибор қаратмоқ лозим.

Соматизмлар фразеологизмлар таркибида асосан кўчма маънода қўлланган бўлади. Айнан мана шу кўчма маъно фразеологизм маъносининг шаклланишида хизмат қилади. Шунинг учун соматик фразеологизмларнинг семантик хусусиятларини кўриб чиқишдан олдин, аввало соматик лексемаларнинг барча луғавий маъноларини (бош ва кўчма маъноларини) билиш талаб этилади. Зеро мазкур жараён бизларга фразеологизмларнинг маъносини тушунишга маълум даражада ёрдам беради. Мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда, КТСФлари таркибида энг кўп учрайдиган айрим соматизмларнинг маънолари 2-иловага келтирилди. Соматизмларнинг маъноларини изоҳлашда, Корейс тили изоҳли луғати ⁶⁸ ҳамда www.naver.com ⁶⁹ илмий-оммабоп сайтидаги электрон изоҳли луғат асос қилиб олинди.

КТСФлар ҳам жисмоний ҳолатларни, ҳам турли руҳий ҳолатларни ифодалайди. Уларнинг каттагина қисми инсоннинг турли руҳий ҳолатларини ифодалайди. Буни шу билан изоҳлаш мумкин: “агар сўз ҳодисалар, фактлар, турли воқелик ва жараёнларни умумий акс эттирса, фразеологизмлар эса энг аввало изтироб ва ҳис-туйғулар каби инсоннинг руҳий ҳолатларини, муносабат, зиддият ва курашлар доирасини ҳамда сифат жиҳатдан характерлашни ўзида қамраб олган бўлади”⁷⁰.

⁶⁸ 옛센스 국어사전. [제 6 판] 서울: 전면개정판, 2006

⁶⁹ <http://krdic.naver.com/detail.nhn?docid> ва <http://endic.naver.com/krenEntry.nhn?entryId>

⁷⁰ Ройзензон Л.И., Авалиани Ю.Ю. Современные аспекты изучения фразеологии // Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе. Вологда, 1967. – 75 с.

Инсоннинг эмоционал ва рухий ҳолатини ифодаловчи СФлар ифода маъноси, маъно оттенкалар ва услубий вазифаларига қараб ижобий ёки салбий бўлади. Уларнинг асосий маъно турларини қараб чиқишда, субъектнинг муносабати (ижобий ёки салбий)га алоҳида тўхталиб ўтамиз. Фразеологизмларни ифода маъносига қараб, гуруҳларга ажратиб чиқар эканмиз, аввало, инсоннинг рухий ҳолатини ифодаловчи СФларга, сўнгра жисмоний ҳолатни ифодаловчи СФларга тўхталиб ўтамиз.

1) Корейс тилида маълум ҳолат, вазият ва объектга нисбатан қониқиш ҳосил қилиш ҳамда кўнгилга ёқиш ҳиссининг пайдо бўлиши каби ижобий рухий ҳолатларни ифодаловчи турли лексик-семантик хусусиятлар ва услубий вазифаларга эга бўлган СФлар мавжуд: 가슴(이) 뿌듯하다, 귀가 번쩍 뜨이다, 눈에 넣어도 아프지 않다, 눈에 잘 보이다, 눈에 차다, 눈에 들다, 마음에 들다. Келтирилган ҳар бир фразеологизм ўзининг маъно оттенкалари билан бир-биридан ажралиб туради. Жумладан, 눈에 넣어도 아프지 않다 [кўзга қўйса ҳам, кўз оғримайди] фразеологизми синтактик жиҳатдан шарт эргаш гапли қўшма гап шаклида бўлиб, “жуда ёқимли”, “ёқимтой”, “беозор” каби маъноларни ифодалаши билан бошқалардан тубдан фарқ қилади.

Юқоридаги ҳолатларга нисбатан тескари бўлган қониқмаслик, ёқтирмаслик, совуқ қараш, ёқимсиз каби маъноларни ифодалаб, объектга нисбатан салбий баҳо берувчи фразеологизмлар тилда бирмунча кўпроқ: 귀에 거슬리다, 눈꼴이 쓰다, 눈살을 찌푸리다, 눈에 거슬리다, 눈에 거칠다, 눈에 걸리다, 눈엣가시, 눈을 꺼리다, 눈을 치켜 뜨다, 눈(을) 흘기다, 눈(이) 시다, 발이 내키지 않다, 속이 느글거리다, 속(이) 뒤집히다, 입을 내밀다, 입이 쓰다. Масалан, 발이 내키지 않다 [оёққа ёқмаслик] фразеологизми, иш ёки маълум ҳолат ва вазият кўнгилга ёқмаганлиги сабаб, қониқарли тарзда ҳаракатлана олмаслик ёки бажаришни хохламаслик маъноларини ифодалайди. Бундан

фарқли тарзда 눈엣가시 [кўзда тикон] фразеологизмини олайлик, мазкур ибора жуда ҳам ёқимсиз одамга нисбатан қўлланиб, қанчалик ёқимсизлиги “кўзда тикон” ўхшатилиши билан берилган.

2) Оғир меҳнат талаб этиладиган, машаққатли, масъулиятли иш ёки вазифаларни бажариб бўлгандан кейин одамнинг енгил тортиши, ўзини яхши ҳис қилиши, кайфияти яхши бўлиши каби ҳолатларни ифодаловчи фразеологизмлар ҳам тилда сермахсулдир: 가슴을 쓰다듬어내리다(1), 가슴이 후련하다, 가슴이 트이다, 귀를 재우다, 머리가 가볍다, 어깨가 가볍다, 어깨가 가벼워지다, 앓던 이가 빠진 듯, 한 손(을) 놓다 ва бошқалар. Мазкур фразеологизмларда фразеологик маъно компонентларнинг кўчма маъноси асосида шаклланган. Баъзи фразеологизмларда ифодаланаётган маъно муайян ҳолатларга ўхшатиш билан шаклланиб келган. Масалан, 앓던 이가 빠진 듯 [оғриқли тиш тушгандек] фразеологизмида одамнинг енгил тортиши оғриқли тишдан халос бўлиш ҳолатига ўхшатиш билан шаклланиб келган. Шунингдек, айрим фразеологизмлар эркин сўз бирикмаларининг бутунлай кўчма маънода қўлланиши натижасида вужудга келган: 귀를 씻다 [қулоқни ювмоқ], 다리(를) 펴고 자다 [оёқни ёзиб ухламоқ], 발(을) 뻗고 자다 [оёқни чўзиб ухламоқ], 발을 뻗다(펴다) [оёқни чўзмок/ёзмок].

3) Корейс тилида кулгили ва қизикарли ҳолат ёки вазиятларда одамнинг ўзини кулгидан тута олмасдан кулишини ифодаладиган фразеологизмлар асосан “배꼽” [киндик] соматизмидан таркиб топган: 배꼽을 쥐다, 배꼽이 빠지도록 웃다, 배꼽을 빼다. Шунингдек, мазкур ҳолатни 눈이 팔리다 ҳамда эркин сўз бирикмалардан шаклланган 허리를 잡다

[белини ушламоқ] ва 허리를 쥐고 웃다 [белини ушлаб кулмоқ] фразеологизмлари ҳам ифодалайди.

4) “Эркинлик”ни ифодаловчи СФлар тилда бироз чекланган миқдорда бўлиб, уларга куйидаги субстантив фразеологизмлар мисол бўла олади: 옛장수 마음, 제 눈에 안경. Мазкур фразеологизмларга маъно жиҳатдан тескари бўлган, яъни, “ўзини эркин ҳис қилолмаслик”ни 가슴이 콩알만 하다 (해지다), “бировга тобе бўлиш ёки боғлиқ бўлиш” ҳолатларини 허리를 못 펴다 ва 목(을) 매(달)다 фразеологизмлари ифодалайди. Шунингдек, “бирон нарса ёки ишга боғланиб қолиб эркин ҳаракатлана олмаслик” маъносида 목(이) 매이다, 발이 떨어지지 않다, 발목(을) 잡히다 (3), 손(이) 잠기다 фразеологизмлари келади. Мазкур фразеологизмлардан маъно ва услубий вазифалари бироз фарқланувчи эркин сўз бирикмалардан шаклланган 손(이) 묶이다 [қўли боғланмоқ] ва 손발(을) 묶다 [оёқ-қўлини боғламоқ] фразеологизмлари “эркидан маҳрум бўлиш”, “имкониятсиз, иложсиз қолиш” маъноларини ифодалашда қўлланади.

5) Корейс тилида “такаббурлик”, “кеккайиш”, “ўзига бино қўйиш”, “ўзини катта тутиш”, “бурни кўтарилган” маъноларини ифодаловчи фразеологизмлар асосан “бурун” [코] соматизми билан боғлиқ: 콧대가 높다, 콧대를 세우다, 코가 우뚝하다 (2), 코를 쳐들다, 코가 솟다. Булардан ташқари куйидаги фразеологизмлар ҳам ушбу маъноларда қўлланади: 어깨에 힘(을) 주다, 팔을 (휘)젓고 다니다, 눈을 부릅뜨다, 목에 힘을 주다, 목을 뻗뻗이 세우다. Баъзи полисемантик хусусиятли фразеологизмларнинг фақат бир маъноси юқоридаги ҳолатларга мувофиқ келади: 고개를 뻗뻗이 들다 (2), 코가

우뚝하다 (2) . Шунингдек, юқорида келтирилган ҳолатларга тескари маънода бўлган 머리(를) 굽히다 (2), 어깨(를) 낮추다 ва 고개를 숙이다 (1) фразеологизмлари “камтарона тутиш”, “камтарлик қилиш” маъноларини ифодалайди.

6) Корейс тилида “қарор қилиш” ва “бирор қарорга келиш” маъноларини асосан 속 [ич] ва 마음 [қалб] сўзларидан таркиб топган фразеологизмлар ифодалаб келади: 마음을 먹다, 속을 차리다, 속에 칼을 품다 (1). Бундан ташқари аслида “тишини-тишига қўймоқ” маъносида қўлланувчи 이를 악물다 бирикмаси ҳам кўчма маънода “қарор қилиш”ни ифодалайди.

7) Корейс тилида “хохиш-истак” ва “кучли хохиш”ни ифодаловчи СФлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга ижобий ҳолатни ифодаловчи фразеологизмлар киради. Масалан, 가슴을 불태우다, 군침을 삼키다, 눈이 반짝이다, 눈에 쌍심지를 켜다, 목(이) 마르다, 손(이) 근지럽다 кабилар. Бундай ибораларда кучли хохиш-истак натижасида одамда салбий руҳий ҳолатларнинг келиб чиқмаслиги билан боғлиқ маъно жамланган. Иккинчи гуруҳга 눈에 불을 켜다 (1), 눈에 헛거미가 잡히다, 눈이 어둡다, 눈에 화등잔을 켜다 каби фразеологизмлар тааллуқли бўлиб, улар кучли хохиш-истак сабаб одамда салбий руҳий ҳолатлар, яъни, ҳеч нарсага эътибор бермаслик, кўзига ҳеч нарса кўринмаслик, тўғри фикрлай олмаслик каби ҳолатларнинг келиб чиқишини ифодалайди.

Тилда яна шундай фразеологизмлар мавжудки, улар одатда овқатланишга нисбатан хохиш-истакни ифодалаб келади: 목젓(이) 떨어지다, 입이 궁금하다, 입이 땀냄거리다, 입이 높다, 입이 되다. Мазкур

фразеологизмларда вазиятдан келиб чиқувчи ижобий ёки салбий ҳолатларни ифодаловчи маъно оттенкалари мавжуд эмас.

8) Корейс тилида “хайратланиш” ҳолати қуйидаги фразеологизмлар билан белгиланади: 가슴이 덜컹하다, 가슴이 철렁하다, 간이 콩알만해지다, 눈이 동그래지다, 눈이 등잔만 해지다, 입이 벌어지다, 입을 다물지 못하다, 혀를 내두르다 (두르다). Масалан, 눈이 등잔만 해지다 фразеологизмида “жуда хайрон қолиш” маъносини 등잔 – “лампа” метафораси билан берилиши айниқса аҳамиятлидир. Шунингдек, мазкур фразеологизмнинг 눈이 화등잔(火燈臺) 같다 (Ш.К.)⁷¹ варианты ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолатда метафора сифатида 화등잔(火燈臺) “шам чирок” сўзи қўлланилган. Келтирилган фразеологизмлар инсоннинг кутилмаган, ноодатий, хайратланарли (хурсандчилик, қувонч, қаҳр-ғазаб, нафрат билан боғлиқ бўлган) ҳолат ва ҳодисаларга нисбатан реакциясини, таажжубини, хайратини ифодалайди.

9) Бир қатор фразеологизмлар тилда ўзида эмоционал бўёқдорликни олиб, “менсимаслик”, “бировнинг устидан қулиш”, “масхара қилиш”, “эътиборсизлик”, “совуқ муносабатда бўлиш” ҳолатларини ифодалаб келади. Жумладан, менсимасликни 눈도 거들떠보지 않다, 눈에 없다, 머리에 피도 안 마르다, устидан қулиш ёки масхара қилишни 손가락질(을) 하다, 혀를 내밀다, эътиборсизликни 귀 밖으로 듣다, 귀를 팔다 каби фразеологизмлар ифодалаб келади. Булардан 머리에 피도 안 마르다 [бошида ҳали қон қуримаган] фразеологизми, аслида, ёш ва тажрибасиз маъноларини ифодалайди, лекин бировга нисбатан қўлланганда месимасликни назарда тутаяди. Мазкур

⁷¹ Ш.К. қисқартмаси Шимолий Кореяда қўлланиладиган фразеологизмларга нисбатан қўлланилган.

фразеологизмда “머리” соматизмининг ўрнида “대가리” сўзи ишлатилса, стилистик бўёқдорлиги анча пасайиб, янада менсимаслик назарда тутилади. Чунки “대가리” стилистик бўёқдорлиги паст сўз бўлиб, маъноси ўзбек тилидаги “калла”(салбий маънода) ёки рус тилидаги “башка” сўзларига тўғри келади.

Булардан ташқари 발로 차다 (1), 발로 걷어채이다, 발로 채이다, 얼굴에 침(을) 뱉다 каби фразеологизмлар таҳқирлаш (таҳқирланиш) ва камситиш (камситилиш) маъноларида қўлланади.

10) Корейс тилида бирор ҳолат-вазият ҳамда бировнинг маълум бир ҳатти-ҳаракати сабаб хафа бўлиш ҳолатини қуйидаги фразеологизмлар ифодалаб келади: 눈물이 핑 돌다, 눈에서 황이 나다, 목(을) 놓다, 속(이) 썩다, 이가 갈리다.

11) Корейс тилида муайян гап, ҳаракат, бировнинг хулқ-атвориға, шунингдек, борлиқдаги бирор ҳодиса, кўринишга нисбатан инсоннинг реакциясини уйғотадиган ҳолатлар билан боғлиқ фразеологизмлар кўп бўлиб, уларнинг асосий қисми жаҳл, нафрат ва қаҳр-ғазабни ифодалаб келади. Масалан, 가슴에 맺히다, 간에 불이 붙다, 눈 위에 흑, 눈(이) 돌아 가다, 눈에 모를 세우다, 눈에 불을 켜다 (2), 눈에 쌍심지를 켜다 (2), 눈에 천불이 나다, 눈에(서) 불이 나다 (1), 눈을 곤두세우다, 눈이 등잔만 하다, 눈을 부릅뜨다, 눈이 산 밖에 비어지다, 눈총(을) 맞다, 눈총(을) 받다, 눈총(을) 주다, 속에서 불덩이가 치밀다, 속에 얹히다, 속(을) 뒤집다 (2), 속(이) 뒤집히다, 속(이) 치밀다, 속(이) 터지다, 손(을) 데다, 얼굴을 붉히다, 얼굴(을) 찌푸리다, 얼굴이 붉어지다 (2), 얼굴이 붉으락푸르락해지다, 입이 삐죽하다, 화가 머리끝까지.

Мазкур фразеологизмларда образ жуда кучли ифодаланган бўлиб, фразеологизмнинг ички шакли аниқ кўриниб туради. Келтирилган фразеологизмларнинг асосий қисми **눈** (кўз), **속** (юрак/кўнгил/ич) ва **얼굴** (юз) соматизмларидан таркиб топган. Мазкур ҳолатни жаҳл, нафрат ва қаҳр-ғазаб одамнинг айнан кўзи ва юзида ифодаланиб, юрагида нотинчлик уйғотиши каби ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабли мазкур фразеологизмларда образ яққол кўриниб турибди. Шунингдек, юқоридаги эмоционал ҳолатларни ифодалашда **가자미 눈을 뜨다** ва **도끼눈을 뜨다** фразеологизмлари ҳам қўлланади. Мазкур фразеологизмларда **눈** (кўз) соматизми “**가자미 눈**” [қалқонбалиқ кўзи] ва “**도끼눈**” [болтанинг кўзи] тарзида қўлланилиши билан юқоридагилардан фарқланади. Зеро, буларда эмоционал ҳолат балиқ ва болтага хос образ орқали берилмоқда.

12) Корейс тилида бирор нарса ёки ҳолатдан безовталаниш, ташвишланиш, қайғуриш, шунингдек, мазкур ҳолатлар сабаб ўзини нотинч хис қилишни ифодаловчи фразеологизмлар ҳам инсоннинг руҳий ҳолатини кўрсатувчи фразеологизмларнинг асосий қисмини ташкил қилади: **가슴앓이**, **가슴을 쥐어뜯다**, **가슴을 쥐어짜다**, **가슴을 치다**, **가슴을 태우다**, **가슴이 (두) 방망이질(을) 하다**, **가슴이 떨리다**, **가슴이 뛰다**, **가슴이 서늘하다**, **가슴이 타다**, **간(을) 졸이다**, **간(을) 태우다**, **간(이) 떨리다**, **간(이) 마르다**, **간(이) 타다**, **간을 녹이다 (2)**, **간이 오그라들다**, **눈에 걸리다**, **눈이 산 밖에 비어지다**, **마음이 쓰이다**, **마음을 졸이다**, **마음이 들뜨다**, **목(을) (길게) 빼다**, **목에 핏대를 올리다**, **목을 세우다**, **발(을) 구르다**, **발(을) 동동 구르다**, **발이 저리다**, **제 발이 저리다**, **속에 얹히다**, **속(을) 썩이다 (1)**, **속(을) 태우다**, **속이 느글거리다**, **속(이) 달다**,

속이 마르다 (2), 속(이) 타다, 얼굴에 그늘이 지다, 입이 타다, 코(가) 빠지다.

Келтирилган мисолларга эътибор берсак, уларнинг асосий қисмини 가슴 [юррак] (10 та), 간 [жигар] (7 та) ва 속 [юррак/кўнгил/ич] (7 та) соматизмли фразеологизмлар ташкил қилади. Одатда одам безовталаниш, ташвишланиш ёки қайғуриш ҳолатларида бўлганда, юрак фаолиятида жиддий ўзгариш кузатилади. Айнан шу сабаб келтирилган ибораларда юрак образи фаол қатнашган. Шунингдек, 마음 [қалб], 목 [томоқ], 발 [оёқ], 얼굴 [юз], 입 [оғиз], 코 [бурун] компонентли фразеологизмлар ҳам юқоридаги руҳий ҳолатларни ифодалаб келган.

Юқоридагилардан фарқли равишда, безовталаниш ва хавотирлар ўтиб, одамнинг тинч ва хотиржам бўлганлигини ифодаловчи фразеологизмларга эса қуйидагилар мисол бўла олади: 가슴에 손을 얹다, 가슴을 쓰다듬어내리다(1), 가슴을 쓸어내리다, 마음을 놓다, 머리(를) 식히다, 속이 가라앉다.

13) Корейс тилида “қўрқув” тушунчасини ифодалашда 가슴 [юррак], 간 [жигар], 간담 [жигар ва ўт пуфаги], 눈 [кўз], 얼굴 [юз] ва 입 [оғиз] соматизмлари фразеологизмлар таркибида фаол қатнашган. Жумладан, 가슴, 간, 간담 ва 눈 компонентли фразеологизмларга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: 가슴이 내려 앉다 (1), 가슴이 뜨끔하다, 가슴이 섬뜩하다, 간(이) 떨어지다, 간담이 내려 앉다, 간담이 서늘하다, 간이 오그라들다, 간이 콩알만해지다, 눈(이) 나오다, 눈(이) 돌아 가다, 눈알이 돌다, 눈알(이) 나오다,

눈을 꺼리다, 눈이 돌다 (1), 눈이 등잔만 하다, 눈이 번쩍하다, 눈이 휘둥그레지다.

Корейс тилида одатда “кўрқув” тушунунчаси одам юзининг ранги орқали метафорик тарзда берилади. Масалан, **얼굴이 노래지다** [юзи сарғаймоқ], **얼굴이 파래지다** [юзи кўкармоқ], **얼굴이 하얘지다** [юзи оқармоқ]. Бу ерда турли хил ранглар кўрсатилишига қарамай, барчасида бир хил образ – “кўрқув” тушунилади. Булардан фарқли равишда стилистик бۆёқдорлиги кучли бўлган **얼굴이 백지장 같다** [юзи оппоқ қоғозга ўхшайди] фразеологизмида “кучли кўрқув” маъноси ифодаланган.

입 компонентли фразеологизмларда кўрқув тушунчаси асосан оғизнинг очиқлик ҳолатини ифодаловчи бирикмалардан шаклланган фразеологизмлар орқали ифодаланади: **입(을) 벌리다**, **입을 다물지 못하다**, **입이 떨어지지 않다**, **입이 벌어지다**. Булардан ташқари “кўрқув” тушунчасини яна **머리끝이 쭈뼛쭈뼛하다**, **머릿발이 서다**, **목을 움츠리다** фразеологизмлари ҳам ифодалаб келади.

“Кўрқув” ва “кўрқувга тушмоқ” тушунчаларига тескари бўлган “кўрқмаслик” ва “хотиржам туриш” маъноларидаги фразеологизмлар тилда бироз чекланган микдорда бўлиб, уларга **눈 앞에 보이는 것이 없다**, **눈도 깜짝 안 하다** ва **눈썹도 까딱 안 하다** фразеологизмларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

14) Рухий тушкунлик, азоб чекиш, қийналиш каби салбий ҳолатлар асосан юракка ёмон таъсир қилиши, шунингдек, мазкур ҳолатлар сабаб юракда фаолиятида ўзгаришлар бўлади. Юракдаги мазкур жараёнлар фразеологизмларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, рухий тушкунлик, азоб,

қийналиш каби ҳолатларни асосан **가슴** [юрак] лексемасидан таркиб топган фразеологизмлар (25 та) ифодалаб келади: **가슴에 못을 박다**, **가슴에 맺히다**, **가슴에 멍이 들다** (지다), **가슴에 피멍이 들다**, **가슴(을) 앓다**, **가슴을 저미다**, **가슴을 짓찧다**, **가슴을 찌르다**, **가슴을 치다** (두드리다), **가슴이 내려 앉다**, **가슴이 답답하다**, **가슴이 뜨끔하다**, **가슴이 막히다**, **가슴이 무겁다**, **가슴이 무너져 내리다**, **가슴이 미어지다**, **가슴이 뼈근하다**, **가슴이 쓰리다**, **가슴이 아리다**, **가슴이 아프다**, **가슴이 저리다**, **가슴이 저미다**, **가슴이 찢리다**, **가슴이 찢어지다**, **가슴이 터지다**. Шунингдек, **가슴** сўзига синоним бўлган “юрак”, “кўнгил” ва “ич” маъноларида келувчи **속** соматизми ҳам юқоридаги ҳолатларни ифодалашда фразеологизмлар таркибида фаол қатнашган: **속알이**, **속(을) 썩이다**, **속으로 앓다**, **속이 답답하다**, **속(이) 저리다**, **속이 찢리다**. Корейс тилида тушкунлик, азоб чекиш, қийналиш каби руҳий ҳолатларни нафақат **가슴** ва **속** соматизмларидан таркиб топган фразеологизмлар, балки **뼈** [суяк] компонентли фразеологизмлар ҳам ифодалаб келади: **뼈(가) 빠지다**, **뼈 아프다**, **뼈를 긁어내다**, **뺨골에 사무치다**, **뺨골(이) 아프다**.

15) Бир нарса ёки ҳолат бир неча марта ёки тинмасдан такрорланиши натижасида одамнинг зерикишини ифодаловчи фразеологизмларга қуйидагилар киради: **귀에 못이 박히다**, **귀가 닳다**, **입에서 신물이 나다**, **눈허리(가) 시다**.

16) Одамнинг мушкул вазиятда тушиб қолиши ёки кучли руҳий зарба туфайли довдираши, эсанкираши ҳамда эс-хушини йўқотиб қўйишини

ифодаловчи фразеологизмларнинг асосий қисми 눈 [кўз] сўзи асосида шаклланган: 눈 둘 곳을 모르다, 눈(을) 뒤집다, 눈(이) 뒤집히다, 눈이 돌아, 눈동자가 풀리다, 눈이 산 밖에 비어지다, 눈이 흐릿하다. Бундан ташқари бундай руҳий ҳолатларни яна 간에 바람(이) 들다(1), 간이 뒤집하다 (1), 손(이) 저리다, 정신을 잃다, 정신이 나가다, 혀를 내두르다 фразеологизмлари ҳам ифодалаб келади.

Аксинча одамнинг мушкул руҳий ҳолатдан чиқиши, яъни, эс-хушини йиғиб олишини ифодаловчи фразеологизмлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга 눈을 크게 뜨다, 마음에 새기다, 정신을 차리다, 정신이 들다 кабиларни санаб ўтишимиз мумкин.

17) Корейс тилида “хотирасида, қалбида сақлаш” маъносидаги фразеологизмлар асосан 가슴 [юррак], 고개 [бош], 눈 [кўз] ва 머리 [бош] соматизмларидан таркиб топган: 가슴속에 남다, 가슴에 간직하다, 가슴에 박히다, 고개를 들먹이다, 고개를 쳐들다, 눈 앞에 선하다, 눈에 선하다, 눈에 어리다, 눈에 삼삼 귀에 쟁쟁, 머리에 들어가다, 머리에 새겨 넣다, 머리 속에 자리(를) 잡다. Хотира билан боғлиқ яна бир ҳолат таассурот бўлиб, ушбу маънони ифодалаб куйидаги фразеологизмлар келади: 가슴에 닿다, 가슴에 와 닿다, 가슴에 파고 있다, 가슴을 울리다, 가슴을 적시다, 가슴이 뜨겁다, 가슴이 찡하다, 가슴이 터지다 (2). Аҳамиятли томони шундаки, таассурот қилишини ифодалайдиган фразеологизмлар 가슴 [юррак] соматизмидан шаклланган.

18) Корейс тилида “уялиш”, “уятда қолиш”, “хижолат чекиш” маъноларини ифодалашда қуйидаги СФлар хизмат қилади: **고개를 못 들다**, **귀밀이 빨개지다**, **머리(를) 굵다**, **발이 내키지 않다**, **얼굴을 들고 다닐 수 없다**, **입(을) 가리다**, **코를 싸쥐다**.

Шунингдек, “уялиш” маъносини ифодалашда **얼굴** [юз] соматизмидан таркиб топган фразеологизмлар жуда ҳам аҳамиятлидир. Бундай фразеологик бирликлар ўзига хос семантик хусусиятга эга. Жумладан, **얼굴을 붉히다** (2) ва **얼굴이 붉어지다** (**빨개지다**) (2) [юзи қизармоқ], **얼굴이 흥당무가 되다** [юзи қизил шолғомдек бўлмоқ] “уялмоқ, хижолат тортмоқ”, **얼굴이 뜨겁다**(**뜨거워지다**) [юзи иссиқ] “уятли, шармандали”, **얼굴이 간지럽다** [юзи қичишмоқ] “ўзини ноқулай, хижолатли ҳис қилмоқ”, **얼굴이 달아오르다** ва **얼굴이 화끈거리다** [юзи ёнмоқ] “шармандали ҳолатдан уялмоқ” каби фразеологизмлар эркин сўз бирикмаларининг бутунлай кўчма маънода қўлланишидан вужудга келган. Шунингдек, **얼굴** сўзининг кўчма маноси асосида шаклланган **얼굴을 들고 다닐 수 없다** [бошини кўтариб юра олмаслик] фразеологизми ҳам уялишни ифодалаб келади.

19) “Умидсизлик”, “иложсизлик” ва “имкониятсизлик” каби ҳолатлар корейс тилида асосан **눈** соматизмидан шаклланган эркин сўз бирикмаларининг бутунлай кўчма маънода қўлланилиши орқали вужудга келган **눈앞이 캄캄하다** [кўз олди жуда қоронғу], **눈앞이 아찔하다** [кўз олди айланмоқ], **눈을 뜨고 볼 수 없다** [кўзни очиб қарай олмаслик] каби фразеологик бирликлари билан ифодаланади. Бундан ташқари **눈에서**

피눈물이 나다 [қонли кўз ёш тўкмоқ] фразеологизми ҳам таркибидаги “피눈물” [қонли кўз ёш] метафораси орқали бундай рухий ҳолатларни ифодалайди. 눈 соматизмидан таркиб топган фразеологизмлардан ташқари яна қуйидагилар ҳам ушбу маъноларда қўлланади: 손가락으로 하늘 찌르기 [бармоқ билан осмонга тегиш], 손(이) 묶이다 [қўли боғланган].

20) Инсондаги ҳаёжонли ҳолатларни ифодалашда қуйидаги фразеологизмлар фаол қўлланади: 가슴이 뭉클하다, 가슴(이) 설레다, 가슴이 울렁거리다, 눈물(이) 나다, 입에 거품을 내다 (물다, 폼다), 피가 거꾸로 솟다. Келтирилганлар орасида 입에 거품을 물다 [оғзини кўпиртириб] фразеологизми ахамиятли бўлиб, корейс тилида унинг яна иккита варианты мавжуд бўлиб, уларда “내다” феълининг ўрнида “물다” ва “폼다” феъллари қатнашган бўлади. Фразеологизмнинг учала варианты ҳам “қаттиқ ҳаяжонланиш” ва “ҳаяжон билан гапириш” ҳолатларини ифодалайди. Булардан фарқли равишда 목에 핏대를 올리다 [돋우다/세우다] ва 목을 세우다 фразеологизмлари эса безовталанишга яқин бўлган ҳаёжонланиш ҳолатини ифодалайди.

21) 눈물이 앞을 가리다, 눈물이 어리다, 목이 메어 울다, 목(을) 놓다, 어깨를 들먹이다 каби фразеологизмлар маълум сабаб туфайли кўз ёш қилиш, хўрсиниб йиғлаш ҳолатларини кучли бўёқдорлик билан ифодалаб келади.

22) Инсоннинг диққат-эътиборини бир жойга жамлаши ёки маълум объектга қаратишини ифодаловчи фразеологизмлар асосан 귀 ва 눈 соматизмларидан ташкил топган: 귀(를) 기울이다, 귀가 뜨이다, 귀가 뜨이다,

귀를 도사리다, 귀에 담다, 눈(을) 밝히다, 눈과 귀를 한데 모으다, 눈길을 끌다, 눈길을 모으다, 눈길이 미치다, 눈에 칼을 세우다. Келтирилган мисолларда 귀 компонентли фразеологизмлар одатда эшитиш жараёнига нисбатан диққатни ифодаласа, 눈 компонентли фразеологизмлар эса асосан фикрлаш, маълум ҳолат ва вазиятларга нисбатан диққатни ифодалаб келади. Айниқса, 눈과 귀를 한데 모으다 [кўз ва кулоқни бир жойда жамламоқ] фразеологизми эътиборли бўлиб, мазкур фразеологизмда 눈 ва 귀 соматизмлари бирга қўлланганлиги боис, мазкур ҳолатда диққатни жамлаш ҳолатини кучли ифодалаш оттенкасига мавжуд. Шунингдек, 마음을 쓰다, 머리를 짜(내)다, 정신이 팔리다 каби фразеологизмлар ҳам диққат-эътибор билан боғлиқ турли ҳолатларни ифодалаб келади.

23) Корейс тилида бир гуруҳ фразеологизмлар инсоннинг характериға хос баъзи хусусиятларни баҳолаб келади. Масалан, 간(이) 크다 “юрагида ўти бор” ва “жасур”, 가슴이 따뜻하다 “инсонпарвар”, 입이 무겁다 “оғзига маҳкам”, 가슴이 넓다 “юраги кенг”, 속(이) 넓다 ва 속(이) 트이다 “бағрикенг” каби ижобий хусусиятларни ифодалаб келади. Шунингдек, инсон характериға хос салбий хусусиятларни ифодалаб келадиган фразеологизмларга қуйидагилар мисол бўлади: 귀(가) 여러다 - ўта ишонувчан (осон алданадиган), 가슴이 좁다 - юраги тор, 간(이) 작다 - қўрқоқ, 손(이) 거칠다 - қўли эгри, 머리가 곧다 - қайсар, 입(이) 가뻐다 - оғзи бўш ва бошқалар.

Шунингдек, 눈이 빛나다, 머리가 (잘) 돌아 가다, 속(이) 들다 каби фразеологизмлар инсон ақли, билими, зеҳни ва қобилияти юқори эканлигини

кўрсатади. Аксинча ақлсизлик, билимсизлик ва қобилиятсизликни эса қуйидагилар ифодалайди: 눈에 청개가 썩이다, 머리가 굵다 (2), 머리가 모자라다, 머리에 병이 들다 ва бошқалар.

24) Корейс тилида 머리(가) 굵다, 머리(가) 크다 фразеологизмлари одамнинг улғайишини ифодалаб келса, 머리에 피도 안 마르다, 입에서 짓내가 나다, 귀밑에 피도 안 마르다 кабилар эса бироз салбий маънодаги оттенка билан одамнинг ҳали ёш эканлигини таъкидлаб келади.

25) Корейс тилида кўриш ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар асосан 눈 (кўз) соматизмидан таркиб топган бўлиб, ифода маъносига қараб икки гуруҳга, яъни, кўриш даражаси ва қарашни ифодаловчи СФларга бўлинади.

а) Кўриш даражасини ифодалайдиган фразеологизмлар одатда кўзнинг кўриш ҳолати ҳамда муайян объектнинг кўзга кўриниш даражаларини кўрсатиб келади. Жумладан, 눈이 빼다 “аниқ нарсани кўра олмаслик”, 눈(을) 씻고 보려야 볼 수 없다 “кўриш жуда қийин”, 눈에 띄다 (1) “аниқ кўринмоқ”, 눈에 풀칠하다 “яхши кўра олмаслик”, 눈에서 번개가 번쩍 나다 ва 눈에서 딱정벌레가 왔다 갔다 하다 “кўз олди бирдан қоронғулашмоқ”, 눈표(가) 나다 “кўзга яхши кўринмоқ” кабилар.

б) Муайян объектга қараш ва уни кўриш маъноларини ифодалаб келадиган фразеологизмларга қуйидагилар мисол бўлади: 눈에 거슬리다 “кўзга ташланмоқ”, 눈에 모를 세우다 “ғазабли кўз билан қарамоқ”, 눈에 설다 “биринчи марта кўриб турмоқ” 눈을 맞추다 (1) “бир-бирининг юзига тик

карамоқ”, 눈을 맞추다 (2) “кўз ташлашиб олмоқ”, 눈이 가다 “кўзни йўналтирмоқ” 눈이 뚫어지게 “бир жойга тикилиб ўтирмоқ” ва бошқалар.

26) Корейс тилида ҳамкорлик маъносидаги фразеологизмларнинг ҳар бири ўзига хос маъно оттенкаси билан бир-биридан фарқ қилади. Шунга кўра уларни икки гуруҳга бўлинади.

а) Бир мақсад сари ўзаро ҳамкорлик қилиш, бир-бирига ёрдам бериш: 손을 맞잡다, 손(을) 잡다, 손에 손(을) 잡다, 어깨를 나란히 하다 (3), 어깨를 결다 (2).

б) Муайян масала ва муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мақсадида йиғилиш, юзма-юз бўлиш, ҳамфикр бўлиш: 머리(를) 모으다 (2), 얼굴을 맞대다, 이마를 마주하다, 입(을) 맞추다.

27) Одамнинг алоқа ва муносабатларини ифодаловчи фразеологизмлар қаратилган объектига қараб икки гуруҳга бўлиниб изоҳланади: одамга нисбатан ва ишга нисбатан. Иккала ҳолатда ҳам асосан 손 [кўл] ва 발 [оёқ] соматизмларидан таркиб топган фразеологизмлар келади. Мазкур ҳолат 손 ва 발 соматизмларининг кўчма маънода алоқа ва муносабатларни ифодалаб келиши билан изоҳланади. Шунингдек, айрим ҳолатларда эркин сўз бирикмасининг бутунлай кўчма маънода қўлланишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

а) Одамларга нисбатан алоқа ва муносабатни ифодаловчи фразеологизмлар одатда алоқа доираси ҳамда бировнинг бировга муносабатини белгилаб келади. Жумладан, 마당발, 발(이) 넓다 ва 손(이) 크다 (2) алоқалари кенг бўлган одамга нисбатан, 손(이) 작다 эса аксинса алоқалари чекланган одамга нисбатан қўлланади. Дўстлик алоқалари ёки иш бўйича

ўрнатилган алоқалар 맥이 닿다, 양다리(를) 걸치다, 손이 닿다 (3)лар билан ифодаланса, аксинча, дўстлик ёки иш бўйича алоқаларни узиш ёки уларга чек қўйиш 발(을) 끊다, 발로 차다 (2), 손(을) 끊다, 손(을) 댄다 каби фразеологизмлар билан ифодаланади. Шунингдек, маълум вазиятларда, айниқса, суҳбат жараёнида ўзаро муносабатларни баҳолаб келувчи фразеологизмлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, 마음이 맞다 [кўнгил мос келмоқ] “яхши муносабатда бўлиш”ни, 가슴에 칼을 품다 [юрракка ханжар урмоқ] ва 얼굴(을) 돌리다 [юзини бурмоқ] “ёмон ёки совуқ муносабатда бўлиш”ни ифодалаб келади.

b) Корейс тилида муайян ишга алоқадорликни 발(을) 들여 놓다 фразеологизми ифодалаб келса, 손(을) 씻다, 발(을) 빼다[씻다], 발(을) 씻다, 발을 뺐다 кабилар эса муайян ишдан воз кечиш ёки алоқани узишни дарак беради.

28) Корейс тилида фаол тарзда ёки бор кучи билан ҳаракат қилиш одатда 머리 [бош], 발 [оёқ], 손/팔 [қўл] соматизмларидан таркиб топган фразеологизмлар орқали ифодаланади. Бунда 머리 компонентли фразеологизмлар асосан бор кучни йиғган ҳолда ҳаракатланишни ифодаласа, 발, 손 ва 팔 компонентли фразеологизмлар эса фаолликни ифодаловчи “биринчи” ва “илк” маъно оттенкаларига эга бўлади. Мазкур ҳолатларга қуйидаги фразеологизмлар мисол бўлади: 머리(를) 싸다, 머리(를) 썩이다, 머리를 쥐어짜다, 발(을) 벗고 나서다, 발로 뛰다, 발이 빠르다, 손길(을) 뻗(치)다, 선손(을) 걸다, 팔(을) 걷고 나서다, 팔을 걸어 붙이다, 손(을) 걸다 (3). Шунингдек, буларга нисбатан тескари маънодаги, яъни, сусткашлик ва

харакатсизликни ифодалаб, **잡을손이 뜨다** ва **손(이) 뜨다** фразеологизмлари келади.

29) Корейс тилида иш билан боғлиқ ҳолатлар ва ҳаракатларни ифодалашда, асосан **손** [кўл] компонентли фразеологизмлар хизмат қилади. Бунинг асосий сабаби **손** соматизмининг кўчма маънода ишчи кучи, маҳорат, хизмат, қобилият ва кўл кучи каби маъноларни ифодалаб келишидир. **손** сўзи фразеологизмлар таркибида ўзининг муайян кўчма маъноси билан қатнашган ёки эркин сўз бирикмаси билан бирга кўчма маънода қўлланган бўлади. Бундай фразеологизмлар ифода маъносига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ишни бажаришни бошлаш, қилаётган ишини ташлаш, ишлаш жараёни, ишламасдан ўтириш, салбий ишлар билан шуғулланиш ва ишчи кучи етишмаслиги.

а) Бирон ишни қилишни бошлаш ёки бажаришга киришиш маъноларини қуйидагилар ифодалаб келади: **손(을) 대다** (1), **선손을 쓰다**, **손(을) 붙이다** (1), **손에 잡히다**. Шунингдек, мазкур ҳолатларни **발** [оёқ] компонентли фразеологизмлар ҳам ифодалаб келади. Бундай ҳолатда **발** соматизми ўзининг кўчма “қадам” маъносида қўлланиб, **첫발** [илк қадам] шаклида бўлади ва илк (биринчи) ишни бошлаш маъносини ифодалаб келади: **첫발을 내딛다**, **첫발을 디디다**, **첫발을 떼다**.

б) Бажараётган ишни тугатиш, маълум муддатда тўхтатиб қўйиш ёки умуман ташлаш ҳолатларини **손(을) 떼다**, **손(을) 멈추다**, **손(을) 빼다**(1), **손(을) 털다**(1), **손(이) 떨어지다**, **손을 놓다**, **손이 나다** фразеологизмлари билдиради.

с) Муайян ишни бажариш жараёнига хос ҳолат ва хатти-ҳаракатларни **발이 손이 되도록 빌다, 손(을) 나누다 (2), 손(을) 넘기다, 손(을) 붙이다 (2), 손(이) 빠르다 (1), 손(이) 싸다, 손을 늦추다, 손을 잠그다** каби фразеологизмлар ифодалаб келади.

d) Одамнинг ишламасдан ўтириш ҳолатини ифодалашда **손** билан биргаликда **손톱** [тирноқ] соматизмидан таркиб топган фразеологизмлар ҳам билдиради: **손톱을 튀기다, 손톱 하나 까딱 하지 않다, 손(을) 맺다, 손(이) 비다 (1), 손이 놀다.**

e) Тилда салбий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ фразеологизмлар ҳам мавжуд, бўлиб, жумладан, **손을 적시다 (1)** “ёмон ишга қўл уриш” маъносида келса, эса **꼬리가 길다 (1)** “салбий ишларни давомий тарзда қилиб туриш” ни ифодалайди.

f) **손** соматизмининг “ишчи кучи” кўчма маъноси асосида шаклланган куйидаги фразеологизмлар, муайян шароит ёки вазиятда ишчи кучининг етишмаётганлигидан дарак беради: **손(이) 달리다, 손(이) 딸리다, 손(이) 모자라다, 손(이) 부족하다.**

30) Корейс тилида **손** соматизмидан таркиб топган яна бир гуруҳ фразеологизмлар борки, улар “бирор нарсани қўлга киритиш”, “бирор нарсага эга бўлиш” ҳамда буларга тескари бўлган “махрум бўлиш”, “бой бериш” маъноларига эга бўлади. Жумладан, **손에 넣다, 손에 들어가다, 손에 들어오다, 손에 쥐다, 손이 들다** каби фразеологизмлар куч, нарса-буюм, имкониятга эга бўлишни ифодалаб келса, **손에(으로) 넘어가다** ва **손에**

떨어지다 маълум нарсдан маҳрум бўлишни, 차 지나간 다음에 손 흔들다 имкониятни бой беришни, 빈손(을) 털다 (2) ва 손(을) 씻다 (2) бор маблағидан айрилиб қолишни ифодалайди.

31) Инсоннинг характери билан боғлиқ фразеологизмлар – одамнинг гапириши, гапириш одатига ишора тарзда инсон характери тўғрисида маълумотлар беради. Корейс тилида гапиришни ифодаловчи фразеологизмлар 입 [оғиз] соматизмининг “гапириш одати”, “нутқ” ва “хабар” тарзидаги кўчма маънолари асосида шаклланган бўлиб, ушбу фразеологизмлар ифода маъноларига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

а) Мазкур гуруҳдаги фразеологизмлар гапириш ҳолатини умумий тарзда ифодалаб, ижобий ва нейтрал маъно оттенкаларга эга бўлади: 입 끝에 내다, 입 끝에 옮기다, 입 밖에 내다, 입 안의 소리, 입(을) 모으다, 입에 거품을 내다. 입에 곰팡이가 슬다, 입에 담다, 입에 침도 마르기 전에, 입에 침이 마르다, 입이 바르다, 입에 달고 다니다, 입이 떨어지다.

б) Гапирмаслик, гапира олмаслик ёки муайян таъсир сабаб гапиртирмаслик ҳолатларини ифодалаб келувчи фразеологизмлар гуруҳига куйидагилар мансуб: 입 안에서[끝에서] (뱅뱅) 돌다, 입에 담지 못하다, 입에 자물쇠를 채우다, 입이 떨어지지 않다 (1), 입이 붙다, 입이 얼어붙다, 입(을) 막다, 입(을) 씻기다, 입을 틀어막다. Шунингдек, 가슴 [юррак] соматизмидан таркиб топган 가슴에 넣어 두다 фразеологизми ҳам мазкур гуруҳга мансуб бўлиб, у маълум сабаб туфайли гапирмасдан кўнгилда сақлаш ҳолатини билдиради.

с) Юрагини очиб, яширин ўй-хаёлларини маълум қилишда **속을 털어 놓다**, сирни ошкор қилиш маъносида эса **입(을) 열다** фразеологизми келади.

d) Маълум вазиятларда ўйламасдан гапириш, барини тартибсиз тарзда айтиб ташлаш ёки ўйламасдан қўпол гапириш ҳолатларини ифодалашда **입(을) 놀리다**, **입을 나불대다**, **입이 거칠다**, **입이 걸걸하다**, **입이 걸다**, **입이 질다** фразеологизмлари хизмат қилади:

e) Тилда **입(을) 떼다**, **입(을) 벌리다**, **입을 열다** фразеологизмлари муайян вазиятларда суҳбатга қўшилиш ёки бирор нарса тўғрисида гап бошлаш ҳолатларини ифодалаб келади.

f) Одамнинг кўп гапириш ҳолатини ифодалаб келувчи фразеологизмлар, одатда салбий баҳолаш характериға эға бўлиб, кераксиз, фойдасиз, имкониятсиз бўлган нарсаларни ва фақат оғизда қолиб кетадиган гапларни гапириш маъноларини ифодалаб келади. Жумладан, **입(이) 빠르다**, **입(이) 싸다**, **입만 뽕긋하다**, **입만 살다**, **입이 가볍다**, **입이 다사하다**, **입이 험프다** кабилар якқол мисол бўлади.

g) Тилда **입(이) 뜨다**, **입이 무겁다** ва **입이 천 근 같다** фразеологизмлари одамнинг кам гаплигини, оғзига маҳкамлигини ифодаланган ҳолда, ижобий тарзда баҳолаб келади.

h) Суҳбат жараёнида бирор киши ёки нарсанинг суҳбат мавзусига айланишини ифодалаб келувчи фразеологизмлар ҳам ижобий, ҳам салбий оттенкаға эға бўлади. Мазкур ҳолат бевосита суҳбат кураётганларнинг суҳбат мавзусига нисбатан муносабатидан келиб чиқади. Қуйидаги фразеологизмлар бу ҳолатға мисол бўлади: **입방아(를) 짚다**, **입방아에 오르다**,

입에 오르내리다, 입에 오르다, 입에 올리다. Одатда **입방아(를) 찧다** фақат гийбат қилиш маъносида қўлланади.

32) Корейс тилида **입** [оғиз] соматизмидан таркиб топган фразеологизмларнинг яна бир алоҳида гуруҳи овқатланиш билан боғлиқ ҳолат ва ҳаракатларни ифодалаб келади. Масалан, **입이 궁금하다, 입이 땀남겨리다** фразеологизмлари овқатланишга нисбатан хошиш-истакни ифодаласа, **입이 고급이다, 입이 까다롭다, 입이 높다, 입이 되다, 입이 발다, 입이 짧다** кабилар овқатланиш билан боғлиқ ҳолатлардан ташқари нозик таъблилик, инжиқлик каби инсон характерининг маълум томонларини ҳам баҳолаб келади. Шунингдек, айрим фразеологизмлар нафақат овқатланиш билан боғлиқ ҳолатларни, балки инсоннинг ижтимоий мавқеи, моддий аҳволи, табақасини ҳам кўрсатиб келади. Жумладан, **입에 거미줄 치다** [оғзида ўргимчак тўр қурган] “камбағаллик туфайли узоқ вақт овқатланмасдан оч юриш”ни, **입에 풀칠을 하다** [оғизга ёпишмоқ] эса “зўрға гуруч еб кун кўриш”ни ифодалаб келади. **입** компонентли фразеологизмлардан ташқари қуйидагилар ҳам овқатланиш билан боғлиқ ҳолатларни ифодалайди: **발(이) 길다, 발(이) 짧다, 손톱 여몽(을) 썰다(2)**.

33) Корейс тилида **귀** соматизмидан таркиб топган фразеологизмларнинг асосий қисми эшитиш ҳолати билан боғлиқдир. Мазкур фразеологизмлар орқали эшитишнинг даражаси, диққат-эътибор, муносабат каби маънолар тушунилади.

а) **귀(를) 뜨다, 귀가 뚫리다, 귀가 울다, 귀동냥** каби фразеологизмлар эшитиш ҳолатини оддий тарзда қўшимча маъноларсиз ифодалаб келса,

аксинча, эшитмаслик ҳолатини эса **귀 먹은 푸념**, **귀가 절벽이다** (1), **귓등으로 들다** фразеологизмлари билдиради.

b) Муайян фразеологизмлар кўшимча маъно оттенкаларини олган ҳолда келади. Улар орқали асосан яхши эшитиш, диққат билан эшитиш ёки тинглаш каби маънолар тушунилади: **귀(가) 밝다**, **귀(가) 넓다**, **귀(를) 기울이다**, **귀(를) 주다** (1), **귀가 뜨이다**, **귀가 솔깃하다**, **귀가 항아리만 하다**, **귀를 도사리다**, **귀를 세우다**, **귀에 담다**.

c) **귀(가) 먹다**, **귀밖으로 들다**, **귓전으로 들다** каби фразеологизмлар вазиятдан келиб чиққан ҳолда яхши эшитмаслик, диққат қилмаслик ва юзаки эшитиш каби ҳолатларни ифодалаб келади.

d) Бир гуруҳ фразеологизмлар жуда паст овозда гапирилганлик сабаб эшитишнинг қийинлиги ёки умуман эшитиб бўлмаслигини ифодалаб келади: **귀 먹은 옥**, **귀(에) 설다**, **귀가 어둡다**.

34) Корейс тилида инкор ва рад қилишни ифодалайдиган фразеологизмлар имо-ишораларни ифодаловчи эркин сўз бирикмаларнинг асосида ҳосил бўлганлиги сабаб уларда ички шакл яққол кўриниб туради. Жумладан, эркин сўз бирикмаси сифатида “бошни қимирлатмоқ” маъносида бўлган **고개(를) 짓다**, **고개를 흔들다**, **머리(를) 흔들다** (2) ҳамда “кўлни силкитмоқ” маъносида бўлган **손(을) 내젓다**, **손(을) 흔들다**, **손을 짓다** каби фразеологизмлар бунга мисол бўлади. Шунингдек, **배를 튕기다** ва **כות대가 세다** иборалари ҳам инкор ва рад этишни ифодалаб келади.

Тасдиқлаш ва рози бўлишни ифодаловчи **고개를 끄덕거리다**, **머리(를) 숙이다** (2), **손뼉(을) 치다** фразеологизмлари ҳам эркин сўз бирикмасини яхлитлигича кўчма маънода қўллаш (метафора йўли) асосида ҳосил бўлган.

35) Кутиш ҳолатини ифодаловчи фразеологизмлар кучли бўёқдорликка эга бўлиб, жуда узоқ кутиш, тоқатсизлик билан кутиш маънолари турли ўхшатишлар асосида қурилган. Жумладан, **눈이 빠지게** [빠지도록] **기다리다** “кўз тушгунча кутмоқ”, **목이 빠지게(도록)** **기다리다** “томоқ узилгунча кутмоқ”, **눈이 가매지게**[가매지도록] “кўз зим-зиё бўлгунча” тарзидаги ўхшатишлар.

36) Корейс тилида фикрлаш билан боғлиқ фразеологизмлар асосан **머리** (бош) соматизмидан таркиб топган бўлиб, улар фикрлаш жараёни билан бирга инсоннинг ақл-заковати ва зехнига нисбатан ижобий баҳо беришни ҳам ўзида қамраб олган: **머리 위애 올라서다**, **머리(의) 회전이 빠르다**, **머리가 (잘) 돌아 가다** (1), **머리가 돌다** (1), **머리꼭대기에 앉아있다**, **머리를 굴리다**, **머리를 스치다**, **머리를 쓰다**. Булардан ташқари **정신이 나다** ва **정신이 들다** фразеологизмлари “фикрлаш қобилиятининг аввалги ҳолатига қайтиши”, **뼈(가) 있다** эса “танқидий фикрлаш” маъноларини ифодалаб келади.

37) Корейс тилида **죽다** ва **돌아가시다** феъллари билан бир қаторда “ўлмоқ”, “вафот этмоқ” тушунчаларини **눈에 흠이 들어가다** [кўзга тупрок кирмоқ], **눈에 흠이 덮이다** [кўз тупрок билан ёпилмоқ], **눈을 감다** [кўзни юммоқ], **눈자 위가 꺼지다** [кўз чўкмоқ] фразеологизмлари ҳам ифодалаб

келади. Мазкур иборалар кучли бадий бўёқдорликка ҳамда ўзига хос маъно оттенкаларга эга.

38) Корейс тилида бир гуруҳ фразеологизмлар итоат қилиш, бировнинг қўл остида бўлиш маъноларини ифодалаб келади.

а) Тўғри маъноси “бошни эгмоқ” бўлган **고개를 조아리다** ва **머리(를) 굽히다** (1)лар ҳамда **꼬리를 내리다**, **목(을) 매(달)다** фразеологизмлари бировга бўйсунуш ҳолатини ифодалайди.

б) Маълум вазиятларда одамнинг бошқа бировнинг таъсири остида бўлиш ҳолатларини ифодалайдиган фразеологизмларнинг кўпчилиги **손** соматизмининг “куч” кўчма маъноси асосида шаклланган: **손아귀에 넣다**, **손안에 (넣여) 있다**, **손에 걸리다** (1), **손에 달리다**, **손에 들어가다**, **손에 떨어지다**. Булардан фарқли равишда **손아귀에서 벗어나다** ибораси муайян таъсирдан чиқиш ёки халос бўлишни билдиради.

39) **발** соматизми одамнинг юриши, юриш тарзи, бирор жойга қатнаб туриши каби ҳаракатларини турли маъно оттенкалари билан ифодалаб келади. Жумладан, **발이 익다** “кўп маротаба қатнаганлик туфайли йўлга ўрганиб қолиш”, **발이 잣다** “тез-тез бориб туриш”, **발(이) 뜨다** “вақти-вақти билан бориб туриш” **발이 뜸하다** “бормай қўйиш”, **발이 닳다** ва **발에 붙이나다** лар эса “маълум вазифалар билан банд бўлганлик сабаб кўп қатнаш” каби ҳолатларни ифодалайди.

40) Корейс тилида илтимос қилиш ва сўраш ҳолатларини ифодалаб келувчи фразеологизмларга қуйидагилар мисол бўлади: **파리발(을) 드리다**,

손(이) 나가다, 손(을) 내밀다 (1). Бундан ташқари 머리(를) 숙이다 (3), 손(을) 비비다(1) фразеологизмлари эса кечирим сўрашни ифодалаб келади.

41) Корейс тилида бир гуруҳ равиш таянч компонентли фразеологизмлар маълум ҳатти-ҳаракатга нисбатан қўлланиб, унга кучайтирувчи оттенкни беради. Бундай фразеологизмлар бириккан феълдан, одатда феъл ифодалаётган маънодан ташқари қўшимча тарзда муайян ҳаракатни амалга оширишга астойдил киришганлик, бор кучини сарфлаганлик, қаттиқ қарор қилиш каби маънолар ҳам тушунилади. Айрим ҳолларда тоқатсизлик ва сабрсизлик билан амалга оширишни ҳам ифодалаб келади. Жумладан, 눈이 까맣게, 눈이 뜰어지게, 뼈 빠지게, 손이 발이 되도록, 입에 침이 마르도록 каби фразеологизмлар ўзида “кучли тарзда” маъно оттенкасини олган.

42) Муайян вазиятларда одамнинг ўжарлик, қайсарлик қилиши, ўз фикрига туриб олиши ёки бошқаларга қулоқ солмаслик ҳолатларини ифодалаб ва баҳолаб келишда 목청을 높이다, 목청이 크다, 코(가) 세다, 목(이) 곧다 фразеологизмлари хизмат қилади.

2.3. Миллий хусусиятли соматик фразеологизмлар

Ҳар бир тил фразеологияси таркибида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий-маданий меъёрлар, руҳий ҳолатлар, диний тасаввур, миллий-анъана ва урф-одатлар ўз аксини топган бўлади. Бундай миллий хусусиятли фразеологизмлар тилнинг фразеологик қатламига алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур фразеологизмлар тил воситаси сифатида нафақат тилнинг халқчиллиги ва ўзига хослигини белгилайди, балки ўша халқнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумот ҳам беради.

Корейс тилида миллий хусусиятли СФларни икки гурухга ажратиш мумкин: таркибида миллий хусусиятли сўзлар қатнашган СФлар ва таркибида миллий хусусиятли сўзлар қатнашмаган бўлса ҳам, миллий хусусиятни ифодаловчи СФлар.

1. Таркибида миллий хусусиятлар сўзлар қатнашган СФлар.

“Корейс тили фразеологик бирликлари таркибида **치, 척, 리, 근** каби миллий ўлчовни ифодаловчи лексемалар учрайди. Шулардан биринчи иккитаси архаик бўлса, қолганлари эса ҳозирда ҳам фаол қўлланишда”⁷². СФлар орасида **근** [кин] (оғирлик ўлчов бирлиги = 0.6кг гўшт учун ёки 0.375кг мева ва сабзавотлар учун) компонентли фразеологизмлар мавжуд. Масалан, **입이 천근 같다** [оғзи минг кинга ўхшайди] оғзига жуда маҳкам, **몸이 천근 만큼** [танаси минг киндай] қаттиқ чарчамоқ.

Тилда географик номлар ҳам фразеологик бирликлар компонентлари вазифасини бижариши мумкин. Масалан, **배가 남산만 하다** фразеологизмида Сэул шаҳридаги Намсан (**남산**) тоғи компонент сифатида қатнашган. Бу тоғ қадимдан шаҳар аҳолиси учун фахр бўлиб келинган бўлиб, юксаклик, улуғворлик, тўқлик рамзлари бўлиб келган. Шунинг учун мазкур фразеологизмнинг иккала маъноси ҳам тўқлик билан боғлиқ: 1) қорни жуда тўқ, 2) димоғдор ёки катта еб ичмоқ.

Фразеологизмларда ҳарфлар ҳам компонент сифатида қатнашиши мумкин. Миллий хусусиятли СФлар орасида **이마에 내 천(川) 자를 쓰다** фразеологизми аҳамиятли бўлиб, одатда бу фразеологизм бирор нарса кўнгилга ёқмаганлиги ёки хафа бўлганлик сабаб юзни буриштириш ҳолатини ифодалаб келади. Ушбу фразеологизмда хафа бўлиш ҳолати “川” [сой, дарё]

⁷² Пак Сон Гу. Национальная специфика фразеологизмов русского и корейского языков // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 1999. - Вып.7. – 38 с.

иероглифининг метафора тарзида қўлланилиши орқали берилмоқда. Бу ҳолатда хафа бўлганда пайдо бўладиган юздаги ажинлар ушбу иероглифининг шакли (уч чизик)га ўхшатишмоқда.

Корейс тилида **방망이** “таёк” (қадимда кирни уриб-уриб ювишда ишлатилган) сўзи ҳозирда ҳам қўлланилиб, одатда безовталиқ, нотинчлик маъноларини кўчма тарзда ифодалаб келади. Ушбу сўздан таркиб топган **가슴이 (두) 방망이질(을) 하다** фразеологизми “юраг(и) безовта бўлмоқ” маъносини билдиради.

Корейслар қадимдан рўзғорда ловиядан кенг фойдаланиб келганлар. Шунинг учун ловиянинг (**콩**) турли ўхшатиш ва метафораларда қўлланилиши кўп учрайди. Масалан, **가슴이 콩알만 하다 (해지다)** фразеологизми одамнинг бирор нотинчлик сабаб, ўзини эркин ҳис қилолмаслигини ифодалаб келади.

2. Таркибида миллий хусусиятли сўзлар қатнашмаган бўлса ҳам, миллий хусусиятларни ифодаловчи СФлар.

Корейс тилида буддизм дини билан боғлиқ қарашлар фразеологизмларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, **머리(를) 깎다** [соч(и)ни кесмоқ] фразеологизми будда руҳонийси бўлишни ифодалайди. Мазкур фразеологизм, буддизм ибодатхоналарида руҳоний бўлганларнинг сочини олдириб юриши кераклиги билан изоҳланади. Ҳозирга келиб ушбу фразеологизм “ҳарбий мажбуриятни ўташ” маъносини ҳам ифодалаб, полисемантик хусусиятни олган.

Корейс тилида полисемантик **손(을) 빼다** [қўл(и)ни айирмоқ] фразеологизми биринчи маъносида “бажараётган ишидан воз кечиш”ни ифодаласа, иккинчи маъносида эса корейс шашка ўйинида рақибнинг юришига тўғри жавоб қайтармай, шашка донасини бошқа жойга суриш ҳолатини ифодалайди.

머리(를) 얹다 [соч(и)ни турмакламоқ] ва 머리(를) 얹히다 [соч(и)ни турмаклаб бермоқ] фразеологизмлари аслида сочни турмаклаш маъносини ифодалаган. Қадимда корейс аёллари учун сочларини иккига бўлган ҳолда, икки томондан кулоқ орқасидан ўтказиб, пешананинг юқори қисмида тугиб кўйиш одат бўлган. Қизлар турмушга чиқаётганларида ҳам сочларини шундай турмаклаганликлари сабаб, мазкур фразеологизмлар турмушга чиқиш маъносини ифодалайдиган бўлган. Лекин ҳозирда бу иборалар бироз ҳурматсизлик маъносига эга.

Фразеологизмлар таркибида маълум маъно ва рамзга эга бўлган ўсимлик⁷³ ва ҳайвонларнинг номлари⁷⁴ қатнашган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай фразеологизмлар ҳам ўзгача миллий хусусияти билан алоҳида ажралиб туради.

2.4. Соматик фразеологизмларнинг полисемантик, синонимлик ва антонимлик муносабатлари

Фразеологик полисемия. Биттадан ортиқ маънони англата олиш тил бирликларига умуман хос хусусиятлардан бўлиб, фразеологизмларнинг ҳам талай қисмида учрайди. Корейс тилида полисемантик СФларнинг кўпи икки маъноли, фақат жуда чекланган қисмигина уч маънолидир. Масалан, 머리가

⁷³ Қаранг. Пак Сон Гу. Фитонимы в русской и корейской фразеологии // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2000. - Вып.12. – С. 20-27.

⁷⁴ Қаранг. Пак Сон Гу. Национально-культурная специфика названий животных в русской и корейской фразеологии // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2000. - Вып.14. – С. 69-75.

кунда фразеологизми икки маънони [1. “қайсар”, “ўжар”, 2. “хотираси паст”] ифодаласа, **머리(를) 속이다** эса учта маънони [1. “бош(и)ни қуйи солмоқ”, “эгмоқ”, 2. “рози бўлмоқ” ёки “хурмат кўрсатмоқ”, 3. “кечирим сўрамоқ”] англатиб келади. Бундан ташқари уч маъноли СФларга қуйидагилар ҳам киради: **머리(를) 속이다**, **머리가 돌다**, **발을 뺏다**, **발목(을) 잡히다**, **검은손**, **손(을) 걸다**, **손(을) 붙이다**, **손(이) 맵다**, **손에 걸리다**, **어깨를 나란히 하다**.

“Фразеологик полисемияда ҳам, худди лексик полисемияда бўлганидек, бош маъно ва ясама (ҳосила) маъно фарқ қилинади. Лексик полисемияда асос маъно тўғри маънога, ҳосила маъно эса кўчма маънога тенг; фразеологик полисемияда, бундан фарқли равишда, асос маъно ҳам кўчма маъно (образли маъно) бўлади. Чунки ҳар қандай фразеологик маъно устама, кўчма маъно сифатида юзага келади”⁷⁵.

Фразеологик бирликларда маъно тараққиёти икки усул: кўчириш ва тадбиқ усули билан амалга ошади.

Кўчириш усулларида метафора асосий ўринни эгаллайди. Мазкур усулда фразеологизм ном сифатида бир предметдан бошқасига кўчирилади. Масалан, **머리(를) 꺾다** фразеологизми “мажбуриятни бажармоқ” сифатида биринчи маъносида будда коҳини бўлишга нисбатан қўлланилса, иккинчи маъносида эса ҳарбий хизматни ўташга нисбатан қўлланилиб келади. Бундай маъно кўчишига қуйидаги икки маъноли СФлар ҳам мисол бўлади: **간에 바람(이) 들다**, **간이 뒤집하다**, **귀(가) 밝다**, **귀가 절벽이다**, **눈(을) 딱 감다**, **눈(이) 뒤집히다**, **눈에 불을 켜다**, **눈에 쌍심지를 켜다**, **눈에 화등잔을 켜다**, **눈을 띄워 주다**, **머리(를) 들다**, **목을 (내)걸다**, **목이 간들거리다**, **목이**

⁷⁵ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 5 б.

날아가다, 목(이) 떨어지다, 배(가) 맞다, 속(이) 저리다, 손(을) 씻다, 손(을) 털다.

Тадбиқ усулида аксинча, фразеологизм ном сифатида бир предметдан бошқасига кўчирилмай, балки янги маъно мавжуд маънога хос семантик чизикни давом эттириш орқали юзага келади. Масалан, 머리(를) 모으다 икки маъноли фразеологизми, биринчи маъносида “муҳим масала бўйича қисқа йиғилмоқ”ни, иккинчи маъносида эса “биргаликда муҳокама қилмоқ”ни ифодалаб келади. Ёки уч маъноли 머리가 돌다 фразеологизмининг маънолари қуйидагича: 1. ҳолат ёки вазиятга мос фикрлайдиган; яхши фикр келмоқ; 2. фикрлар тартибсиз равишда каллада тикилиб қолмоқ; 3. боши ғалати бўлмоқ. Келтирилган иккала фразеологизмда ҳам кейинги маънолар олдинги маъноларнинг тадрижий давоми сифатида хизмат қилмоқда. Бундай полисемантик хусусиятга яна қуйидаги икки маъноли фразеологизмлар мисол бўлади: 가슴이 내려 앉다, 가슴이 뜨겁다, 고개를 뺏뺏이 들다, 귀(를) 주다, 귀에 익다, 눈(을) 뜬 장님이다, 눈에 띄다, 눈에(서) 불이 나다, 눈을 맞추다, 머리가 (잘) 돌아 가다, 머리만 크다, 목이 붙어있다, 발로 차다, 속에 칼을 품다, 속(을) 뒤집다, 속(을) 차리다, 속이 마르다, 손(을) 거치다, 손(을) 꼽다, 손(을) 비비다, 손(을) 뺏치다.

Кўп маъноли фразеологизмда унинг маънолари асосан бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади. Масалан, 손(을) 걸다 фразеологизми уч маъноли бўлиб [1. ўзаро ваъдалашмоқ, 2. қўл уриштирмоқ, 3. бирор мақсад билан тўғридан-тўғри ҳаракатланиб олдинга чиқмоқ], иккинчи маъноси биринчи маъносидан, учинчи маъноси иккинчи маъносидан ўсиб чиққан.

Мазкур ҳолатга қуйидаги уч маъноли фразеологизмлар ҳам мисол бўлади: 머리(를) 속이다, 발을 뽑다, 발목(을) 잡히다, 검은손.

Баъзи фразеологизмларда унинг маънолари бири иккинчиси учун асос вазифасини ўтамайди, ҳар бири ўзича шаклланган бўлади, улар воқеликдан ҳар хил образ олиш асосида юзага келади. Фразеологик маъноларнинг бир-биридан ўсиб чиқмаганлиги, жумладан, бир сўз компонентнинг бошқа-бошқа лексик маънода қатнашуви билан изоҳлаш мумкин. Масалан, 간을 녹이다 фразеологизми икки маъноли бўлиб, 1) “мафтун қилмоқ”, 2) “безовта қилмоқ” маъноларига эга. Бу фразеологизм таркибидаги 녹이다 феъли биринчи ҳолатда “мафтун қилмоқ”, иккинчи ҳолатда эса “безовта қилмоқ” маъноси билан қатнашган. Шунингдек, 가슴을 쓰다듬어내리다, 가슴을 쓸어내리다, 눈(을) 감다, 눈(을) 주다, 눈이 돌다, 머리가 곧다, 머리(를) 흔들다, 속(이) 없다, 손끝(이) 맵다, 빈손(을) 털다, 손(을) 보다 каби фразеологизмлар ҳам мазкур ҳолатга мисол бўлиши мумкин.

Мазкур полисемантик ҳолатга уч маънога эга бўлган 손에 걸리다 фразеологизмини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Жумладан, унинг маънолари қуйидагича: 1) “бировнинг кўл остида бўлмоқ”, 2) “жуда кўп, ҳамма жойда мавжуд”, 3) “кўнгилни хотиржам қилиб, ишга киришмоқ”. Умуман, маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган ибораларда маъно тараққиёти омонимияга жуда яқин туради.

Фразеологик синонимия. “Синонимия тил бирликлари орасидаи семантик микросистемалардан бири бўлиб, лексемалар, морфемалар билан бир қаторда, фразеологизмлар орасида ҳам анчагина. Икки фразеологизмни ўзаро синоним дейиш учун улар айна бир маънони англатиши шарт. Ҳар бир синоним, шу синонимия қатори учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига

хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин”⁷⁶. Мисоллар билан қарайдиган бўлсак, 귀가 얇다 - 귀가 여리다 синонимлик муносабатида, биринчи фразеологизм бировга ишониб, унинг гапига қараб ҳаракатланадиган одамни, иккинчиси эса ҳамма гапга дарров ишонадиган одамни ифодалаб келади. Мазкур фразеологизмлар “ўта ишонувчанлик”ни ифодалаётган бўлса ҳам, ҳар бири ўзига хос маъно қиррасига эга. Қуйидаги айрим фразеологик синонимларни мазкур ҳолатга мисол тарзида келтирамиз: 고개를 돌리다 - 얼굴을 돌리다, 귀가 얇다 - 귀가 여리다, 어깨가 늘어지다 - 어깨를 펴다, 어깨를 겨루다 - 어깨를 나란히 하다, 어깨에 짊어지다 - 어깨가 무겁다, 어깨에 힘을 주다 - 목에 힘을 주다 - 목이 뻗뻗하다, 얼굴을 내놓다 - 얼굴을 내밀다, 귀를 기울이다 - 귀가 솔깃하다 - 귀를 도사리다, 귀가 먹다 - 귀가 어둡다 (멀다, 절벽이다).

Мисоллардан кўришиб турибдики, ўзаро синоним фразеологизмлар асосан таркиби бир хил соматизмдан таркиб топган. Шунингдек, фразеологик синонимларни белгилашда улар асосида бошқа-бошқа образнинг ётиши ҳам ҳисобга олинади.

Агар синонимик муносабатда полисемантик фразеологизм қатнашса, фразеологизмдан эмас, балки конкрет фразеологик маънодан чиқиб келиб фикр юритилади. Чунки ҳар бир фразеологик маъно ўзича синонимга эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги мумкин. Масалан, моносемантик 고개가 수그러지다 (“ҳурмат қилмоқ”) фразеологизмига полисемантик 고개를 속이다 фразеологизмининг учинчи маъноси (1. “камтарин”, 2. “руҳияти тушмоқ”, 3. “ҳурмат қилмоқ”) синоним бўлади. Худди шундай семантик хусусият қуйидаги ўзаро синоним бўлган фразеологизмларга ҳам тааллуқли:

⁷⁶ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 5 б.

고개를 들먹이다 - 고개를 들다(1), 고개를 쳐들다 - 고개를 들다(1), 어깨를 낮추다 - 고개를 숙이다(1) ва бошқалар.

Юқоридаги қисмда СФларнинг асосий маъно турларини қараб чиқиш жараёнида, бир хил маъноли ўзаро синоним бўлган фразеологизмлар келтирилганлиги сабабли мазкур қисмда маъно турлар бўйича синонимларни қараб чиқмай, СФларнинг юқорида санаб ўтилган синонимлик хусусиятлари билан чеканиб қоламиз.

Фразеологик антонимия. “Антонимия тил бирликлари орасидаги семантик муносабат асосида белгиланадиган ҳодисалардан бири бўлиб, фразеологизмларда ҳам сўзлардаги даражада учрайди. Антонимияни белгилаш, бир томондан, ибораларнинг луғавий маъносини чуқурроқ англашга олиб келса, иккинчи томондан, полисемияда бир иборанинг маъноларини ўзаро фарқлашда ёрдамлашади, учинчи томондан, синонимларни белгилашда ҳам фойда келтиради”⁷⁷.

СФлар орасидаги антонимлик муносабатда феъл сўз-компонентлар ўзаро антоним бўлади. Фразеологизмларни таркибида қатнашган феълнинг турига қараб, икки гуруҳга бўламиз:

1) Фразеологизмлар орасидаги антонимлик муносабатида ҳаракат феъли ўзаро антоним бўлади. Масалан, **발이 맞다** [оёғ(и) тўғри келмоқ] ↔ **발이 어긋나다** [оёғ(и) тўғри келмаслик] фразеологизмларида феъллар ўзаро антонимлик муносабатида. Улар “қарашлар тўғри келмоқ” ва “қарашлар тўғри келмаслик” маъноларини ифодалаб келишади. Қуйидагилар ҳам шундай антонимлик муносабатидаги фразеологизмлар: **속이 여물다(차다)** ↔ **속이 비다**, **고개를 들다** ↔ **고개를 못 들다**; **눈이 빛나다** ↔ **눈이 흐릿하다**, **손에 익다** ↔ **손에 설다**, **입을 다물다** ↔ **입을 벌리다**, **한 발 앞서다** ↔ **한 발 늦다**.

⁷⁷ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 6 б.

2) Фразеологизмлар орасидаги антонимлик муносабатида ҳолат феъллининг ўзаро антоним бўлиши кўп учрайди. Масалан, **간이 크다** [жигари катта] ↔ **간이 작다** [жигари кичик] антонимлик муносабатида ўзаро антоним бўлган ҳолат феъллари, “юраги дов бермоқ” ва “юраги дов бермаслик” каби ўзаро зид бўлган маъноларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги антонимлик муносабатлари ҳам шундай хусусиятга эга: **가슴이 넓다** ↔ **가슴이 좁다**, **가슴이 후련하다** ↔ **가슴이 답답하다**, **눈이 높다** ↔ **눈이 낮다**, **머리가 가볍다** ↔ **머리가 무겁다**, **발이 길다** ↔ **발이 짧다**, **발이 넓다** ↔ **발이 좁다**, **속이 시원하다** ↔ **가슴(속)이 답답하다**, **손이 크다** ↔ **손이 작다**, **어깨가 가볍다** ↔ **어깨가 무겁다**, **얼굴이 넓다** ↔ **발(얼굴)이 좁다**, **입이 무겁다** ↔ **입이 가볍다**.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, антоним фразеологизмлар таркибидаги сўз-компонентлар бу фразеологизмларнинг ўзаро антоним бўлишида муҳим рол ўйнайди. Аммо барча антоним фразеологизмлар таркибида антоним сўз-компонентлар катнашавермайди. Антонимлик фразеологизмдан яхлитлигича англашиладиган луғавий маъно асосида ҳам белгиланади:

1) Фразеологизмлар орасидаги антонимлик муносабатида ўзаро антоним бўлмаган ҳаракат феълларининг катнашиши кўп учрайди. Масалан, **귀에 답다** [қулоққа жойлашмоқ] ↔ **귀밖으로 들다** [қулоқ ташқарисидан эшитмоқ] антонимлик муносабатида феъл компонентлар бир-бирга зид маънога эга эмас, лекин улар ифодалаган маъно ўзаро антонимдир: “диққат-эътибор билан эшитмоқ” ва “эътиборсизлик билан эшитмоқ”. Демак, мазкур ҳолатда антонимлик фразеологизмнинг яхлит маъноси орқали белгиланмоқда. Бундан ташқари **귀(에) 걸다** ↔ **귀에 익다**, **눈 밖에 들다** ↔ **눈에 들다(차다)**, **눈에**

거슬리다 ↔ 눈에 들다 (차다), 속이 풀리다 ↔ 속(이) 썩다, 얼굴에 노랑꽃이 피다 ↔ 얼굴에 기름기가 흐르다 каби антомик муносабатлар ҳам шундай хусусиятга эга.

2) Фразеологизмлар орасидаги антонимлик муносабатида ўзаро антоним бўлмаган ҳолат феълларининг қатнашиши фақатгина айрим ҳолатларда учрайди: 속이 깊다 [юраги чуқур] ↔ 속이 좁다 [юраги тор] (маноси “юраги кенг” ва “юраги тор”), 입이 무겁다 [оғзи оғир] ↔ 입이 싸다 [оғзи арзон] (маъноси “оғзига маҳкам” ва “оғзи бўш”).

Антонимлик муносабати ҳам полисемантик фразеологизмларда ҳар бир фразеологик маънога нисбатан алоҳида белгиланади. Полисемантик фразеологизмнинг бир маъносига антоним бор бўлиши, бошқа маъносига эса бўлмаслиги мумкин. Масалан, 귀가 밝다 фразеологизми уч маноли: 1) паст овозни ҳам яхши эшитмоқ, 2) бировнинг гапини яхши тушунмоқ, 3) маълумот ва янгиликларни тезлик билан тушунмоқ. Мазкур фразеологизм фақат учинчи маъноси билан 귀(가) 먹다 (атрофдаги ҳолатларни тушунмаслик, англамаслик) фразеологизмига антонимдир. Қуйидагилар ҳам шундай антонимлик муносабатида: 발을 빼다 ↔ 손을 대다 (1), 손을 빼다 ↔ 손을 대다(1), 입을 막다 ↔ 입을 벌리다 (2), 손을 끊다 ↔ 손을 대다(1).

Синонимик қатордаги бир фразеологизмга антоним деб белгиланган фразеологизм шу қатордаги бошқа синонимларга ҳам антоним бўлади. Масалан, 어깨를 펴다 фразеологизми “ўзига ишонмоқ” маъносини ифодаланган ҳолда, нафақат “руҳи синмоқ” маъносини ифодалайдиган 어깨가 늘어지다 фразеологизмига антоним бўлиши, балки унинг синонимлари бўлган 어깨가 처지다, 고개를 못 들다 ва 얼굴을 못

들다 фразеологизмларига ҳам антонимдир. Шунингдек, 손이 재다 ↔ 손이 뜨다, 손이 거칠다 ва 귀(가) 밝다 (3) ↔ 귀가 먹다, 귀가 멀다, 귀가 어둡다, 귀가 절벽이다 антонимлик муносабатлари ҳам шундай хусусиятлидир.

2.5. Корейс тили соматик фразеологизмларини ўзбек тилига адекват таржима қилиш

Фразеологизмлар образлилик ва ҳиссий-таъсирчанлик хусусиятлари билан нутқ ва бадиий адабиётда ўзгача ифода жарангдорлиги ҳамда турли хил услубий вазифаларни ифода этиши билан муҳим тил воситаси ҳисобланади. Шунинг учун “тилнинг лексик бирликларига нисбатан бирмунча мураккаб таркибли лисоний воситалари бўлмиш фразеологик бирликларни таржимада адекват талқин этиш таржима амалиётининг ўта

мураккаб ва шу билан бирга, жуда масъулиятли масалаларидан ҳисобланади”⁷⁸. Фразеологик бирликларни таржима қилишдаги қийинчилик ва муаммолар асосан мазкур бирликларнинг услубий вазифаларига ҳамда уларнинг лексик, семантик ва қурилиш жиҳатларига боғлиқ. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда таржимада мазкур бирликларни адекват таржима қилиш аслиятдаги образлилик ва ҳиссий-тасвирий бўёқдорликнинг қайта яратилишига омил бўлади. В.Н. Комиссаров таъкидлаганидек, таржима – тил воситаси бўлиб, бошқа тилда яратилган матннинг аслият билан нутқ жараёнида тенг келишини ифодалайди.⁷⁹ Шунинг учун таржимон фразеологик бирликларни таржима қилишда адекватликни яратишда ҳаракат қилиши лозим.

Адекват таржима қилиш муаммоси

Адекват таржима – аслиятга тўла мувофиқ келиб, аслиятдаги коммуникатив ҳолатни айнан ўзича ифодалайди. Шунингдек, таржима жараёнидаги прагматик вазифаларни максимал даражада таъминлайди. Таржима назариясида “адекватлик” тушунчасини “эквивалентлик” тушунчаси билан адаштирмаслик лозим. Гарчи бу тушунчалар этимологик жиҳатдан лотинча бир сўз - “*aequè*” (*тенг, бир хил, айнан*)га бориб тақалса-да, бошқа-бошқа категория ҳисобланади. “Ушбу икки категория ўртасидаги фарқ шундаки, агар эквивалентлик, таржима аслиятга мувофиқми деган саволга жавоб берса, адекватлик, таржима нутқ жараёни шароитларига мувофиқ келадими деган саволга жавоб беради”.⁸⁰ Батафсил тўхталсак, эквивалентлик таржимада аслият ва таржиманинг мувофиқлиги эквивалентликнинг даражалари (синтактик, семантик ва прагматик)⁸¹ орқали ўлчанади. Демак, адекватлик аслиятдаги мазмунни тўла ифодалаши билан бирга, унинг нутқ жараёни шароитларига ҳам мувофиқ келишини назарда тутлади.

⁷⁸ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 183 б.

⁷⁹ Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. М.: ЭТС, 2002. – 53 с.

⁸⁰ Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – 95 с.

⁸¹ Швейцер А.Д. Ўша китоб. – С. 84-87.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “адекватликнинг талаблари максимал эмас, оптимал характерга эгадир, яъни таржима аниқ шароит ва вазифаларга оптимал даражада мувофиқ келиши керак”⁸². Бундан ташқари “таржиманинг адекват бўлишида унинг жанр-стилистик нормаси муҳим рол ўйнайди”⁸³. А.Д.Швейцер адекватликка таъриф берар экан, яна шуни таъкидлайди: - “агар таржима аслиятга семиотиканинг бир даражаси ёки бир функционал ўлчов билан эквивалент бўлса ҳам, таржима адекват ҳисобланиши мумкин”⁸⁴. Бундан ташқари “адекватлик - таржиманинг таркибий қисми сифатида маълум даражада таржимон томонидан яратилган маълумотни қабул қилувчига нисбатан қаратилган бўлади”⁸⁵.

Фразеологизмларнинг тўлақонли таржимасини яратиш учун аввало қуйидаги шартларга эътибор қаратмоқ лозим бўлади:

- биринчи ва энг муҳим вазифа, бу матнда ва нутқда фразеологизмни оддий сўз бирикмаларидан фарқлай олишдир. Бунинг энг самарали воситаси, матнда умумий мазмунга мувофиқ келмайдиган ёки тескари бўлган бирликларни ажратиш ҳисобланади. Айнан шундай бирликларнинг намоён бўлиши, уларнинг кўчма маънода қўлланганлигидан дарак беради.
- иккинчи – фразеологизмларнинг нутқдаги функцияларини таҳлил қила олишдир.

Бундай функцияларининг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- фразеологизмлар кўчма маънодаги бирлик сифатида матн ёки нутқда образли ва ҳиссий-тасвирий қиймат яратишда қўлланиши;
- фразеологизмлар жамиятнинг маълум ижтимоий-маданий қатламига мустаҳкам бириккан бўлиб, матн ёки нутқда маълум бир қатламнинг билвосита қатнашишдаги белгиси сифатида хизмат қилиши;

⁸² Швейцер А.Д. Ўша китоб. – 98 с.

⁸³ Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: Международные отношения, 1986. – 153 с.

⁸⁴ Швейцер А.Д. Ўша китоб. – 98 с.

⁸⁵ Гарбовский Н.К. Теория перевода. – М.: Изд-во Московского университета, 2004. – 289 с.

- фразеологизмлар муайян стилистик бўёқдорликка эга бўлиб, юқори, нейтрал ёки қуйи услубларнинг, профессионал ёки бошқа жаргонларнинг элементлари бўлиши мумкинлиги.

Юқорида таржимон учун қўйилган икки шарт фразеологизмларнинг адекват таржимасини яратишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

КТСФларини адекват таржима қилишдаги муаммоларга тўхталсак, аввало шунини айтиб ўтиш лозимки, таржима жараёнида энг аввало уларнинг юқоридаги қисмларда кўриб чиқилган грамматик, лексик ва семантик хусусиятларига ҳамда миллий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим.

Корейс тили фразеологизмларини ўзбек тилига адекват таржима қилишни қараб чиқар эканмиз, икки тил фразеологизмларини ўзаро қиёсий типология асосида таҳлил қилиб, улар таркибидаги соматик сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларини кўриб чиқиш лозим. Бу орқали таржимада лексик-семантик муаммоларнинг келиб чиқишининг олди олинади. Шунингдек, икки тилнинг бир-бирига ўхшаш бўлган фразеологизмлари орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаб, таржима жараёнида бирини иккинчиси воситасида талқин этишнинг йўл ва имкониятларини белгилаб олиш орқали адекват таржима яратиш учун замин ҳозирлаган ҳолда фразеологизмларни таржимада талқин этишдаги баъзи муаммолар ечилади.

“Таржима тилида танланган муайян фразеологик бирликнинг асл нусха таркибида учраган фразеологизмга маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан мос келиши ёки келмаслигини илмий-матний таҳлил асосидагина муайян қилиш мумкин”⁸⁶. Яъни, бадий асардаги муайян фразеологизмга таржима тилида образлилиги ёки ҳиссий-таъсирчанлиги, мазмуний яқинликлари билан мувофиқ келувчи фразеологизм мавжуд бўлса ҳам, прагматик жиҳатдан унинг мувофиқлигини⁸⁷ ҳисобга олмасдан туриб алмаштириш

⁸⁶ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 184 б.

⁸⁷ Қаранг. 박영순. 한국어 화용론. 서울: 박이정, 2007. – pp. 217-220.

тўғри эмас. Таржимада прагматик жиҳатдан мос бирлик танлаш икки тил фразеологизмларининг коммуникатив монандлигини яратади. Бундай натижага чуқур матний таҳлил асосида ҳамда фразеологизмларнинг прагматик жиҳатларини⁸⁸ билиш орқали эришиш мумкин.

Адекват таржима қилишдаги яна бир аҳамиятли муаммо шундаки, икки тил фразеологизмларининг маъно қўлами ва қўланиш чегарасидир. Фразеологизмларнинг бу жиҳатига эътибор қаратиш адекват таржиманинг муваффақиятли чиқишига асос бўлади.

Соматик сўзлар полисемантик хусусиятга эга бўлганидек, улардан ташкил топган фразеологизмлар ҳам бундай хусусиятни ўзида мужассамлаштирганини юқоридаги қисмда кўриб чиққан эдик. Фразеологик полисемия таржимада муҳим аҳамият касб этади. Маълум матнда бир-бирини алмаштираётган фразеологизмлар, бошқа матний ҳолатда мувофиқ келмаслиги мумкин. Масалан “손이 닿다” бирлиги уч хил маънога эга бўлиб, унинг биринчи маъноси билан мутлақ эквивалент бўлган “қўли тегмоқ” фразеологизми, унинг қолган маъноларини таржимада алмаштира олмайди.

- 1) Қўл(и) тегмоқ. 어머니의 손이 닿기만 하면 모든 것이 깨끗하고 아름답게 바뀐다. - Ойимнинг қўллари тегкан нарсаларнинг бари тоза ва чиройли бўлади.
- 2) Қўл(и) етмоқ. 일반인들은 그 일에 손이 닿을 수가 없다. Бу ишга оддий одамларнинг қўли етмайди.
- 3) Алоқада бўлмоқ. 한영덕 씨가 자칭 외과 의사인 박 씨와 손이 닿게 된 인연은 ... Хан Ён Докнинг ўзини жарроҳ деб атаган жаноб Пак билан алоқа бўлганлиги ...

⁸⁸ Қаранг. 심재기. 한국어 관용 표현의 화용론적 연구. 관악어문연구 11. 서울: 서울대 국문과, 1986. - pp 27-54

Фразеологизмларни адекват таржима қилишдаги асосий муаммо, бу уларнинг асосида мужассамлашган образликни талқин этишдир. Бу таржимондан моҳирлик ва илмий-ижодий муносабат талаб этади. “Образлиги очиқ-ойдин кўзга ташланиб турадиган фразеологизмларнинг муқобил лисоний воситалар ёрдамида ўгирилиши асл нусха мазмуний-услубий хусусиятининг таржимада қайта яратилишини таъминлайди”.⁸⁹ Шунинг учун таржимада икки тилдаги фразеологизмларнинг бирини иккинчиси воситасида талқин этишда уларнинг образлиги алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Таржима натижасида шундай ҳолатлар учрайдики, баъзи фразеологизмларда образлик хиралашган бўлса, баъзиларида ёрқинлашган бўлади. Бу кўп ҳолларда муайян фразеологизмга эквивалентнинг мавжуд эмаслиги ёки нотўғри қўлланиш натижасида бўлади.

КТСФларнинг авваламбор миллий шакли ва мазмунини англаб етмоқ лозим бўлади. Ҳар бир фразеологизмда тарихий ва даврий анъаналар мавжуд эканлигига эътибор қилиш керак. Шунингдек, мазкур фразеологизмнинг миллийлигини сақлаган ҳолда таржимада талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Корейс тилидаги соматизмлар турли даврларга мансублиги ҳамда турли манба (халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиёт, кундалик турмуш воқелиги, табиат дунёси ва ҳ.к.)лардан олинганлигига эътибор бермоқ лозим. Бунда таржимондан тил билиш билан бирга Корея тарихини, корейс халқи урф-одатларини, турмушини ҳам чуқур ўрганганлик талаб этилади.

Соматик фразеологизмларни ўзбек тилига таржима қилишнинг асосий усуллари

КТСФларини ўзбек тилига таржима қилишда асосан икки усулга – корейс тилидаги фразеологизмга компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифалари мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда, маъно ва услубий вазифаси ўхшаш муқобил вариантларга эътибор қаратмоқ лозим. Корейс тилидаги кўпгина СФлар

⁸⁹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 184 б.

Ўзбек тилида эквивалентга ёки муқобил вариантга эгадир. Шунингдек, корейс тилидаги муайян тушунчани образли ёки ҳис-ҳаяжонли ифода этадиган фразеологизмга мувофиқ эквивалент ёки муқобил вариант ўзбек тилида бўлмаса, уни тасвирий усулда эркин сўз бирикмаси орқали ифодалаймиз. Бундай таржимада ўз-ўзидан аслиятда ифодаланган бадий бўёқдорлик ва ҳиссий-таъсирчанлик пасайиши ёки умуман йўқолиши мумкин. Бадий асарларда эса бу матн бадий қийматининг пасайишига олиб келади.

Корейс ва ўзбек тилларида ўзаро эквивалент ва муқобил бўлган фразеологизмларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиб, эквивалентлик ва муқобиллик даражалари бўйича таснифлаб чиқамиз.

Эквивалентлар воситасида таржима қилиш

Корейс ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг бир-бирига ҳар жиҳатдан ўхшашлиги корейс ва ўзбекларнинг турмуш шароитлари, урф-одатлари, мантикий мушоҳадаларидаги муштараклик, шарқона жозибадорлик, таъсирчанлик ва бошқа хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин. “Бошқа тил воситалари сингари фразеологизмлар ҳам турли-туман умуминсоний фикр баён қилиш меъёрлари ва ҳаётий кузатишлар асосида вужудга келдилар. Натижада турли тиллар барқарор сўз бирикмалари бир хил образли асосдан иборат бўлиб қоладилар”⁹⁰. Масалан маълум мақсад йўлида ўзаро бирлашиб ҳамжиҳатликни кўрсатувчи **손에 손(을) 잡다** ва “қўлни қўлга бермоқ”⁹¹, (ким ёки нима) бировнинг ҳукмидан, ихтиёридан чиқишни ифодаловчи **손에서 벗어나다** ва “қўлдан чиқмоқ” каби фразеологик бирликларни мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур фразеологизмларнинг ўзаро ўхшашлиги икки халқнинг тафаккур йўналишидаги умумийлик билан изоҳланади.

⁹⁰ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 185 б.

⁹¹ Ўзбек тилидаги фразеологизмлар Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” (1992)га асосланиб олинган.

Юқоридаги каби грамматик ва лексик хусусиятлари билан ўхшаш бўлган икки тил фразеологизмлари маъно ва услубий вазифаларидаги бироз фарқланишни ҳисобга олмаганда, семантик хусусиятлари билан ҳам деярли ўзаро мувофиқ бўладилар. Бундай ҳолат фразеологизмларнинг асосида бир хил ҳаётий тажрибага таянган тушунчалар ётиши билан таъкидланади. Икки тил фразеологизмлари ўртасидаги бундай ўхшашликлар, уларни таржима қилишда фразеологик эквивалентликни ҳосил қилади.

Фразеологик эквивалентлик – таржима тилида берилган фразеологик бирликнинг аслиятдаги бирлик билан ҳар томонлама тенг бўлишидир. Икки тил фразеологизмлари матний ҳолатдан ташқарида ҳам бир хил денотатив ва коннотатив маъноларга эга бўлиши шарт. Яъни, улар орасида маъно-мазмун, услубий вазифа, метафорик ва ҳиссий-таъсирчан бўёқдорлигида ўзаро фарқ бўлмаслиги, таркиби деярли бир хил сўзлардан тузилиши, лексик-грамматик кўрсаткичлари (ўзаро бирикиши, грамматик категориялари, қўлланиш даражаси, гапдаги бошқа бирликлар билан боғланиши ва миллий колоритнинг йўқлиги) ўхшаш бўлиши керак. Қисқача айтганда, “эквивалентликнинг синтактик, семантик, прагматик даражалари”⁹² бўйича бир-бирига мувофиқ бўлиши керак.

Санаб ўтилган ҳолатлар **мутлақ ёки тўлиқ** эквивалентликка хос ҳолатлардир. Гарчи корейс ва ўзбек тилларидаги СФлар ҳар жихатдан бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, мутлақ (тўлиқ) эквивалент бўладиган бирликлар саноклидир. Мутлақ эквивалентлар таржима жараёнида бири иккинчисини барча нутқий вазиятларда бемалол алмаштириб, адекват таржима яратишда катта рол ўйнайди. Қуйида корейс ва ўзбек тилларининг ўзаро мутлақ эквивалент бўлган СФларини кўриб чиқамиз. Масалан, **가슴을 열다** – юракни очмоқ, **가슴이 아프다** – қалби оғримоқ, **귀에 익다** – қулоққа таниш, **눈에 불을 켜다** ва **눈에 불이나다** - кўзида олов ёнмоқ, **눈에 선하다** –

⁹² Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – С. 84-87.

кўз олдида турмоқ, 눈 깜짝할 사이 – кўз очиб юмгунча, 머리를 식히다 – бошга дам бермоқ, 머리를 쓰다 – каллани ишлатмоқ, 발이 뜸하다 ва 발을 꿩다 – оёқни узмоқ, 손을 씻다 – қўл(и)ни ювмоқ, 손이 거칠다 – қўл(и) эгри, 입을 떼다 – оғиз очмоқ ва ҳоказо.

눈 깜짝할 사이에 십 년의 세월이 흘렀다. – Кўз очиб юмгунча ўн йил ҳам ўтиб кетди.

Корейс тили СФлари орасида бошқа соматизмларга нисбатан кўпроқ 가슴 [юрак (кўнгил, қалб)] компонентли фразеологизмлар ўзбек тилида эквивалентга эга. Масалан, 가슴(이) 뿌듯하다 “кўнгли тўлмоқ”, 가슴에 간직하다 “қалб(и)да сақламоқ”, 가슴에 넣어 두다 “юрагида туғиб қўймоқ”, 가슴에 새기다 “қалб(и)да муҳрланмоқ”, 가슴으로 느끼다 “юракдан ҳис қилмоқ”, 가슴을 도려내다 “юраг(и)ни тирнамоқ”, 가슴을 열다 ва 가슴을 터 놓다 “юраг(и)ни очмоқ”, 가슴이 넓다 “юраг(и) кенг”, 가슴이 좁다 “юраг(и) тор” ва ҳоказо. Шунингдек, 발 [оёқ] ва 손 [қўл] компонентли фразеологизмларга ҳам эквивалентлар кўп учрайди.

그들의 고통을 가슴으로 느꼈다면 그러한 행동을 하지 않았을 것입니다

[관용어 사전: 16]. – Уларнинг қайғусини юракдан ҳис қилганинда, бундай йўл тутмас эдинг.

Таржима жараёнида икки тилнинг баъзи фразеологик эквивалентларини айрим матний ҳолатларда бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Бунинг сабаби сифатида фразеологизмлардаги кўп маъноликни кўрсатиш мумкин. Бир-бирига ҳам моддий, ҳам маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан ўхшаш бўлиб, мутлақ эквивалент фразеологизмлар айнан полисемантик

хусусиятга эга бўлганлиги сабаб муайян ҳолатда ўзаро мос келмаслиги мумкин. Матний ҳолатда фразеологизмнинг маъноси аниқланиб, таржимада унга мувофиқ келувчи муқобил вариант танланади. Шунингдек, полисемантик фразеологизмнинг ҳар бир маъносига эквивалент талаб этилади. Умуман фразеологизмларнинг кўп маънолик ҳодисаси икки тил бирликлари орасида кўп ҳолларда **қисман эквивалентликни** намоён қилади. Буни қуйидаги тўрт маънога эга бўлган “손을 뺏치다” [қўл(и)ни узатмоқ/чўзмоқ] (1. ҳозиргача қилинмаган ишларни ҳам, ўз таъсир доирасига олмоқ; 2. сўрамоқ, илтимос қилмоқ, бирор нарсага муҳтож; 3. ўз фойдасини кўзлаб, бирор нарсага аралашмоқ; 4. ёрдам беришга тайёр бўлмоқ) фразеологизми мисолида кўриб чиқиб, аниқлик киритамиз:

- 1) Қўл(и)га олмоқ: 일부 대기업은 자기들의 주력 사업 외에 잡다한 사업에까지 손을 뺏쳐 중소 기업을 압박한다 [관용어 사전: 241]. - Маълум йирик корхоналар ўзларининг асосий ишларидан ташқари бошқа соҳаларни ҳам ўз қўлларига олиб, кичик ва ўрта бизнесни қийин аҳволга солиб қўйдилар.
- 2) Ёрдамга муҳтож: 가난한 친척 중에 손 뺏치는 사람이 너무 많아 죽을 지경이다 [관용어 사전: 242]. - Ночор қариндошларимиз орасида ёрдамга муҳтожлари кўп бўлиб, уларнинг аҳволлари жуда оғир.
- 3) Қўл узатмоқ (3): 이 분은 남의 일에까지 손을 뺏친다.* - Бу одам бировнинг ишига ҳам қўл узатмоқда.
- 4) Ёрдам қўлини чўзмоқ: 하나님은 항상 우리에게 구원의 손을 뺏치고 있다 [관용어 사전: 242]. - Худо ҳар доим бизларга ёрдам қўлини чўзади.

Келтирилган мисоллардан шуни гувоҳи бўлдики, полисемантик фразеологизмнинг учинчи ва тўртинчи маънолари ўзбек тилида ўз

эквивалентларига эга бўлса, биринчи ва иккинчи маънолари эса муқобил вариантлар орқали берилган.

Айрим соматик фразеологик эквивалентлар таркибидаги лексик компонентларнинг сони билан бир-бирларидан фарқ қилса ҳам, мантиқан уларнинг лексик таркиблари ўртасида фарқ йўқ. Жумладан, 두 손 맞잡고 안다 [икки қўлни қовуштириб ўтирмак] фразеологизми ўзбек тилидаги ҳеч нарса қилмасдан ўтириш ҳолатини ифодаловчи “қўл қовуштирмак” фразеологизмига тўғри келади.

두 손 맞잡고 앉아 있지 말고 이리 와서 일좀 거들어 주세요.* – Қўл қовуштириб ўтирмасдан, бу ерга келиб, ишга биров ёрдам беринг.

Келтирилган мисолларда фразеологик эквивалентлар таркибидаги лексик компонентларининг миқдори жиҳатидан фарқланса ҳам, бу тафовут мантиқий хусусият касб этмайди.

Айрим КТСФлари ўзбек тилидаги эквиваленти билан бир-икки лексик компонент билан фарқланади, яъни, бошқа лексема билан ифодаланган бўлади. Лекин бундай фарқланиш фразеологизмларнинг маъно ва услубий вазибаларига таъсир қилмайди. Масалан, бетоқат бўлиб кутишни ифодаловчи 눈이 빠지게 (빠지도록) 기다리다 [кўзи тушиб кетгунча кутмак] фразеологизмига “кўзи тўрт бўлиб кутмак” иборасига эквивалент бўлади. Шунингдек, қанчалик мушкул, оғир ёки хатарли ҳолатда бўлмасин, ўзини фикри ёки позициясига қаттиқ туришини ифодаловчи 목에 칼이 들어와도 [бўғизга қилич келса ҳам] ва “бош(и)га қилич келса ҳам” фразеологизмларида фақат соматик компонент ўзаро фарқ қилмоқда. Ўзбек тилидаги “қўл(и)ни совуқ сувга урмаслик” иборасига грамматик жиҳатдан қурилиши бошқа бўлса ҳам, таркибидаги лексик компонентлари ўхшаш бўлган 손에 물도 묻히지 않다 [қўлига сув ҳам тегмаслик] фразеологизми битта компонентга фарқланмоқда, шунингдек, мазкур фразеологизмга

синоним бўлган **손에 물 한 방울 묻히지 않고 살다** [кўл(и)га бир томчи сув тегмасдан яшамоқ] ҳам “кўл(и)ни совуқ сувга урмаслик” иборасига эквивалент бўлади.

Вариантланиш ҳам баъзан таржимада қийинчиликлар келтириб чиқаради. Одатда фразеологик вариантлар таркибида ўзаро яқин нарса номлари кўлланади. Таржимада тилида бундай фразеологизмлар бир-бирларига вариант бўлиб, таржимада фойдаланиш мумкин бўлган ўз эквивалентларига эга бўлмайдилар. Агар мазкур вариантлардан бирига эквивалент мавжуд бўлса, таржимада иккинчисига ҳам шу эквивалент кўлланади. Чунки улар таркибидаги бир-икки лексик компонентлар билан ўзаро фарқланса ҳам, маъно ва услубий вазифалари жиҳатидан фарқ қилмайди. Жумладан, “юраг(и) кон бўлмоқ” ва **가슴에 멍이 들다 [지다]** (варианти-**가슴에 피멍이 들다**) , “юраг(и)ни очмоқ” ва **가슴을 털어 놓다** (варианти-**가슴을 터 놓다**) каби эквивалент фразеологизмлар мисол бўлади.

Корейс ва ўзбек тили СФлари кўп жиҳатлари билан ўзаро ўхшаш бўлганлиги учун, корейс тилидаги муайян фразеологик вариантларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида эквивалент бўлиши мумкин. Мазкур ҳолат кўпинча нисбат категорияси билан боғлиқ, масалан, **발을 묶다 [оёғ(и)ни боғламоқ]** ва **발목을 묶다 [тўпиғ(и)ни боғламоқ]** ўзбек тилидаги “кўл(и)ни боғламоқ” фразеологизми билан эквивалент бўлади. Мазкур фразеологизмларнинг вариантлари бўлмиш **발(이) 묶이다 [оёғ(и) боғланди]**, **발목이 묶이다 [тўпиғ(и) боғланди]** ва “кўл(и) боғланди” иборалари ҳам ўзаро эквивалентликни намоён қилади.

Таржима жараёнида яна бир аҳамиятли масала, бу кўп ҳолларда таржимонларни чалғитувчи сохта фразеологик эквивалентлардир. Сохта фразеологик эквивалентлар, “лексик таркиб жиҳатидан бир-бирларига мос

икки тил фразеологик бирликлари гоҳо маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан фарқ қиладилар”⁹³. Бу ҳар бир халқнинг муайян ҳаракат, ҳолат, муомала-муносабат ҳамда юриш-туришга нисбатан қарашларидаги ўзаро фарқлар билан изоҳланади. Чунончи, корейс тилидаги “손에 걸리다” [қўлга илинмоқ] ва ўзбек тилидаги “қўлга илинмоқ” фразеологизмлари лексик таркиби ва грамматик тузилиши жиҳатларидан ўзаро мос, аммо уларнинг маъноларида фарқ мавжуд. “손에 걸리다” кўп маъноли фразеологизм бўлиб, у “бировнинг қўли остида бўлмоқ”, “жуда кўп” ва “фикрни жамлаган ҳолда ишга киришиш” маъноларини ифодаласа, ўзбек тилидаги “қўлга илинмоқ” фразеологизми эса “*нима ўз ихтиёрига олишга озми-кўпми арзимок*” маъносини билдиради. Қўриниб турибдики, корейс тилидаги фразеологизмнинг урта маъносидан биттаси ҳам ўзбек тилидаги бирликка маъно жиҳатдан тўғри келмайди. Бундай вазиятларда таржимондан ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Бундай фразеологизмларга яна қуйидагиларни келтириш мумкин: 발을 뺀다 (펴다) - оёқни узатмоқ; 손을 놓다 - қўл(и)ни қўймоқ; 손을 펴다 - қўл(и)ни чўзмоқ (узатмоқ); 발이 떨어지지 않다 - оёғ(и) узилмади ва бошқалар.

Айрим фразеологизмлар маъно жиҳатдан баъзида бир-бирига қарама-қарши ҳам бўлади. Масалан, 손(이) 맑다 [қўли очик] икки маъноли фразеологизми (1. “хасис”, 2. “омадсизликсиз ҳеч нарса бўлмайди”), шаклан ўзбек тилидаги “сахий” маъносини ифодаловчи “қўли очик” ибораси билан бир хил бўлса ҳам, корейс тилидаги фразеологизмнинг биринчи маъноси билан ўзаро зиддир.

Умуман фразеологик эквивалентлар икки тил ва икки халқнинг ҳар жиҳатдан ўхшашлигидан келиб чиқади. Фразеологик эквивалентларни моҳирона тарзда қўллаш, адекват таржима яратишда катта рол ўйнайди.

⁹³ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 193 б.

Шунинг учун таржима жараёнида мазкур ҳолатга доимо эътибор қаратиш лозим.

Муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилиш

“Таржима тилида аслиятда қўлланилган фразеологик бирликка эквивалент фразеологизм топилмаган тақдирда, адекватлик кўп ҳолларда муқобил вариантлар ёрдамида амалга оширилади.”⁹⁴ Ўзаро муқобил бўлган фразеологизмлар лексик таркиб жиҳатдан бутунлай ёки маълум компонентлари билан бир-бирларидан фарқ қилса ҳам, уларнинг маъно ва услубий вазифалари ўхшаш бўлганлиги учун адекват таржимада кенг қўлланади. Маъно жиҳатдан бир хил, аммо лексик тузилиши жиҳатдан фарқланувчи бундай фразеологизмларнинг келиб чиқиши ҳар бир халқнинг дунёқараши ва миллий хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

КТСФларини ўзбек тилига муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилишда, кўп ҳолларда муқобил вариантларнинг таркибида бир хил компонентнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Бундай фразеологизмларда соматик компонент бир хил бўлса ҳам, ички синтактик боғланишда кесим компоненти бошқа бўлади. Жумладан, 가슴이 뜨겁다 [юраги иссиқ] “юрагига ўт ёқадиган”, 귀가 어둡다 [қулоғ(и) қоронғу] – “қулоғи оғир”, 손에 불다 [қўлга ёпишмоқ] “қўли гул”, 입이 무겁다 [оғзи оғир] – “оғзига маҳкам”, 어깨가 가볍다 [елка(си) енгил] “елка(си)дан тоғ ағдарилмоқ” ва бошқалар.

나이가 먹으니 귀가 어두워진다.* - Ёш ўтса, қулоқ оғирлашар экан.

Иккинчи турдаги муқобил вариантлар маъно жиҳатдан ўхшаш, аммо лексик таркиби бутунлай фарқ қилади. Одатда бундай фразеологизмлар грамматик қурилиши жиҳатидан ўзаро яқин бўладилар. Масалан, 간(이) 크다 [жигар(и) катта] “юраг(и)да ўти бор”, 간에 바람(이) 들다(1) [жигар(и)га

⁹⁴ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 195 б.

шамол тегмоқ] ва 간이 뒤집히다 (1) [жигар(и) ағдарилмоқ] “ақлдан озмоқ”, 간이 작다 [жигар(и) кичик] “юраг(и) дов бермаслик”, 눈(을) 똑바로 뜨다 [кўз(и)ни тўғрига қаратиб очмоқ] “эс-хуш(и)ни йиғиб олмоқ” ва “ўз(и)ни кўлга олмоқ”, 목에 힘을 주다 [томоғ(и)га куч бермоқ] “бурн(и)ни кўтармоқ” ва бошқалар.

КТСФларини муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилар эканмиз, баъзида битта фразеологизмга ўзбек тилида маъно белгилари билан бир-биридан фарқ қиладиган бир нечта синонимик воситалар тўғри келиши мумкин. Бундай вазиятда фақат матний ҳолат ва прагматик вазиятни чуқур тушунган ҳолда, шунингдек, муаллифнинг мақсадини ҳис қилган ҳолда энг мосини танлаш лозим бўлади. Масалан, 손에 걸리다(1) [кўлга илинмоқ] - кўл ост(и)да, кўл остига, кўл остидаги; 손에 달리다 [кўлга осилмоқ], 손 안에 (넣어) 있다 [кўл(и)да турмоқ] - кўл(и)га қармоқ, кўл(и)га кўнмоқ, кўл ост(и)да, кўл остидаги каби ўзаро муқобил вариантлар.

이번 일은 당신 손에 달린 것이나 마찬가지야 [관용어 사전: 238].

Мазкур вазифа сизнинг кўл остингиздаги иш билан бир хил.

Муқобил вариантлар одатда таржимада бир-бирини бемалол алмаштириши мумкин. Чунки мазкур фразеологизмлар таркибида уларнинг ўзаро алмашинувига ҳалал берадиган миллий хусусиятли сўзлар бўлмайди.

ХУЛОСА

1. Корейс тили фразеологиясида СФларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Соматизмлар турли хил маъно коннотациясига эга бўлганлиги учун кўчма маънода қийинчиликсиз қўлланилади. Шунинг учун тилда улардан таркиб топган фразеологизмлар кўп учрайди. Корейс тилида 가슴 [юрак], 귀 [кулоқ], 눈 [кўз], 머리 [бош], 발 [оёқ], 손 [қўл], 입 [оғиз] каби соматизмлардан шаклланган фразеологизмлар сон жиҳатдан СФларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

2. СФлар таркибидаги лексик компонентларнинг хусусиятлари бевосита тил ривожини билан боғлиқдир. Тарихий ривожланиш даврида фразеологизм таркибидаги муайян сўзнинг эскириб, унинг ўрнига бошқа сўзнинг қўлланганлиги ёки маъно жиҳатдан яқин бўлган сўз билан алмашганлиги каби ҳолатлар ҳам учраб туради.

3. КТСФлар таркибида асосий қисмида битта соматик лексема қатнашган бўлади. Лекин СФлар орасида таркибида иккита соматизм қатнашган фразеологизмлар ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда бир соматизмнинг такрорлаши, бир-бирига яқин ва ўзаро қарама-қарши бўлган соматизмларнинг қатнашишидан ҳосил бўлган бўлади. Мазкур ҳолатларда, айниқса, 눈 (кўз), 귀 (кулоқ), 코 (бурун), 머리 (бош), 털 (тук, соч), 입 (оғиз) ва 혀 (тил), 손 (қўл) ва 발 (оёқ) каби соматизмлар кўп учрайди.

4. СФларининг шаклланишида сон лексемалар ҳам фаол қатнашган бўлиб, уларнинг таркибида 하나 (бир), 두 (икки), 세 (уч), 열 (ўн), 천 (минг) 양 (иккала) сонлари учрайди. Сон лексемалар фразеологизмларнинг маъно ва услубий вазифаларини янада кучайтиришда хизмат қилади.

5. Фразеологизмлар мақол ва маталлардан фарқли ўлароқ, турли сўз туркумларига тааллуқли бўладилар. КТСФларини умумий грамматик хусусиятларига қараб, уч гуруҳга - феъл, равиш ва субстантив (от)

фразеологизмларга ажратиш мумкин. СФларнинг асосий қисми грамматик ва семантик хусусиятлари жиҳатидан феъл сўз туркумига мансубдир.

6. Фразеологизмларни таркибий тузилишига қараб, икки гуруҳга ажратиш мумкин: содда ва мураккаб тузилишли фразеологизмлар.

7. Тадқиқот объекти сифатида келтирилган жами фразеологизмларнинг 95,4 фоизини феъл фразеологизмлар ташкил қилади. Улар аввало икки катта гуруҳ: таянч компоненти ҳаракат феъли (동작동사) ва таянч компоненти ҳолат феъли (상태동사) бўлган СФларга таснифланади.

8. Феъл фразеологизмлар худди феъл лексемаларидек, замон ва нисбат категорияларига, сифатдош ва равишдош, бўлишли ва бўлишсиз шаклларига эга бўлса ҳам, фразеологизмнинг таянч компоненти бўлган феъл, эркин сўз бирикмаси таркибидаги феълнинг морфологик шаклларини такрорлай олмайди.

9. Таянч компонент бўлган феълнинг нисбатига қараб, фразеологизмларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: фақат аниқ нисбат шаклидаги, аниқ ва орттирма ёки мажхул нисбат шаклидаги ҳамда фақат орттирма ёки мажхул нисбат шаклидаги фразеологизмлар. Таянч компоненти ҳолат феъли бўлган СФлар худди ҳолат феълли эркин сўз бирикмаларидек, мажхул нисбатнинг “-아/어지다” шаклини олиб, таянч компоненти ҳаракат феъл бўлган фразеологизмларга хос хусусиятларни олади. Бундай чекланиш фразеологизмларнинг турғун бирикмалиги ва семантик хусусиятлари билан боғлиқдир.

10. Феъл СФларнинг асосий қисмини бўлишли шаклидаги фразеологизмлар ташкил этади, лекин улар орасида бўлишсизлик шаклидаги фразеологизмлар ҳам мавжуд. Уларнинг таркибида “못” ва “안” инкор равишлари, шунингдек, “-지 않다” инкор ясовчи шакли тегишли тартибда феълга бириккан бўлади. Булардан ташқари таркибида “имкониятсизлик”

маъносини ифодаловчи “(으)ㄹ 수 없다” инкор ясовчи шакли қатнашган бўлишсиз феълли фразеологизмлар ҳам мавжуд.

11. Феъл фразеологизмларни таркибий тузилиши жиҳатидан икки, уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ компонентли фразеологизмларга бўлиб, ўрганиб чиқиш лозим. Икки компонентли фразеологизмлар феъл фразеологизмларнинг асосий қисмини ташкил этиб, улар боғлашувнинг турига қараб, беш турга бўлинади. Уч компонентли СФлар уч турга (“от+от+феъл”, “от+равиш+феъл” ва “от+феъл+феъл”), тўрт компонентли СФлар беш турга, беш ва ундан ортиқ компонентли фразеологизмлар эса тўрт турга бўлинган ҳолда қараб чиқилиши лозим.

12. Равиш фразеологизмлар грамматик қурилишининг хилма-хиллиги билан бошқа фразеологик туркумлардан ажралиб туради. Улар тадқиқотда келтирилган жами фразеологизмларнинг 1,7 фоизини ташкил қилади. Уларда дериватив вариантдошлик кенг тарқалган. Маъно жиҳатдан асосан субъектнинг жисмоний, руҳий ва эмоционал ҳолатларини ифодалаб, гапда феълдан олдин келади. Таркибидаги компонентларнинг тури ва компонентлар орасидаги боғлашувнинг тузилиши бўйича равиш СФларни икки гуруҳга бўлган ҳолда кўриб чиқиш лозим. Равиш СФлар гапда синтактик вазифасига кўра, асосан равиш ҳоли (айрим ҳолатларда пайт ҳоли ва ўрин ҳоли) бўлиб келади.

13. Субстантив фразеологизмлар тадқиқотда келтирилган жами фразеологизмларнинг 2,9 фоизини ташкил қилади. Улар худди отлар каби турланиш хусусиятига эга. Субстантив СФ таркибий тузилиши жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлинади: бир (қўшма сўз), икки, уч ва тўрт компонентли ҳамда мураккаб таркибли (икки бирикманинг боғланиши) фразеологизмлар. Бошқа туркумдаги фразеологизмлардан фарқли равишда, субстантив фразеологизмлар гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва кесим вазифасида кела олади.

14. КТСФларида асосан икки ва уч вариантлик кенг тарқалган. КТСФларида фразеологик вариантлар дастлаб лексик вариантлар ва грамматик вариантларга бўлинган ҳолда фарқланади. Лексик вариантланишда сўз-компонент: 1) алмаштирилади, 2) кўшилади, 3) ташланади. КТСФларда грамматик вариантланиш грамматик қисми алмаштириш, ёки унга кўшиш билан воқе бўлади. Полисемантик фразеологизмларда лексик вариантланиш имконияти ҳар бир фразеологик маъно бўйича ўрганилиши, таъкидланиши керак.

15. Фразеологик маънонинг вужудга келиши жиҳатидан фразеологик бирликларнинг икки гуруҳи мавжуд. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, улардан бири эркин сўз бирикмасининг метафора йўли билан фразеологик бирликка айланиши бўлса, иккинчиси эса эркин муомаладаги сўзнинг кўчма маънода қўлланиши натижасида ҳосил бўлган фразеологик бирликдир. Мазкур фразеологик гуруҳлар бир-биридан фразеологик маънонинг ташкил топиш механизми ва фразеологизмнинг маъно бутунлиги тузилиши жараёнида образнинг қатнашиш даражаси билан фарқ қилади.

16. Соматизмлар фразеологизмлар таркибида асосан кўчма маънода қўлланган бўлади. Айнан мана шу кўчма маъно фразеологизм маъносининг шаклланишида хизмат қилади. Шунинг учун аввало соматик лексемаларнинг барча луғавий маъноларини (бош ва кўчма маъноларини) билиш талаб этилади.

17. КТСФлари ҳам жисмоний ҳолатларни, ҳам турли руҳий ҳолатларни ифодалашда кенг қўлланади. Уларнинг каттагина қисми инсоннинг турли руҳий ҳолатларини ифодалайди. Инсоннинг эмоционал ва руҳий ҳолатини ифодаловчи СФлар ифода маъноси, маъно оттенкалар ва услубий вазифаларига қараб ижобий ёки салбий бўлади.

18. КТСФлари орасида миллий хусусиятли фразеологизмлар мавжуд бўлиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: таркибида миллий хусусиятли сўзлар қатнашган СФлар ва таркибида миллий хусусиятли сўзлар

катнашмаган бўлса ҳам, миллий хусусиятни ифодаловчи СФлар. Бундай фразеологизмлар тилнинг фразеологик қатламига алоҳида аҳамиятга эгадир.

19. Корейс тилида полисемантик СФларнинг кўпи икки маъноли, фақат жуда чекланган қисмигина уч маънолидир. Фразеологик бирликларда полисемантик маъно тараққиёти икки усул: кўчириш ва тадбиқ усули билан амалга ошади. Шунингдек, айрим фразеологизмларда унинг маънолари бири иккинчиси учун асос вазифасини ўтамайди, ҳар бири ўзича шаклланган бўлади.

20. Ҳар бир синоним, шу синонимия қатори учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин. Синонимлар таркиби асосан бир хил соматизмдан таркиб топиши, шунингдек, улар асосида бошқа-бошқа образлар ётиши ҳам мумкин.

21. СФлар орасидаги антонимлик муносабатда феъл сўз-компонентлар ўзаро антоним бўлади. Аммо барча антоним фразеологизмлар таркибида антоним сўз-компонентлар катнашавермайди. Антонимлик фразеологизмдан яхлитлигича англашиладиган луғавий маъно асосида ҳам белгиланади.

22. КТСФларини адекват таржима қилиш жараёнида энг аввало грамматик, лексик, семантик хусусиятларига ҳамда миллий хусусиятларига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Шунингдек, уларнинг нутқдаги, бадиий адабиёт матни ёки турли матнлардаги ҳолатини тушуниб етиб, сўнг таржима қилиш лозим бўлади.

23. Корейс ва ўзбек тилларидаги СФлар ҳар жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, мутлақ (тўлиқ) эквивалент бўладиган бирликлар саноклидир. Мутлақ эквивалентлар таржима жараёнида бири иккинчисини барча нутқий вазиятларда бемалол алмаштириб, адекват таржима яратишда катта рол ўйнайди.

24. Таржима жараёнида икки тилнинг баъзи фразеологик эквивалентларини айрим матний ҳолатларда бирини иккинчиси билан

алмаштириб бўлмайди. Бунинг сабаби сифатида фразеологизмлардаги кўп маъноликни кўрсатиш мумкин.

Айрим соматик фразеологик эквивалентлар таркибидаги лексик компонентларнинг сони билан бир-бирларидан фарқ қилса ҳам, мантиқан уларнинг лексик таркиблари ўртасида фарқ бўлмайди. Айрим КТСФлари ўзбек тилидаги эквиваленти билан бир-икки лексик компонент билан фарқланади, яъни, бошқа лексема билан ифодаланган бўлади.

25. Корейс ва ўзбек тили СФлари кўп жиҳатлари билан ўзаро ўхшаш бўлганлиги учун, корейс тилидаги муайян фразеологик вариантларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида эквивалент бўлиши мумкин.

26. Лексик таркиб жиҳатидан бир-бирларига мос икки тил фразеологик birlikлари гоҳо маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан фарқ қилиши мумкин. Мазкур ҳолат сохта фразеологик эквивалентлик бўлиб, бундай вазиятларда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади.

27. КТСФларини ўзбек тилига муқобил вариантлар ёрдамида таржима қилишда, кўп ҳолларда муқобил вариантларнинг таркибида бир хил компонентнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Яна бир гуруҳ муқобил вариантлар маъно жиҳатдан ўхшаш, аммо лексик таркиби бутунлай фарқ қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997. 257 б.
2. Баркамол авлод орзуси. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли нутқидан. Т: Шарқ НМК, 1999. – 15 б.
3. Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: филол. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган дисс. – Т.: ТошДШИ, 2005. – 138 б.
4. Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961. – 97 с.
5. Бердникова Т. А. О структуре и семантике фразеологических единиц с компонентом-соматизмом (на материале архангельских говоров) // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2000. - Вып.12. – С. 28-34.
6. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: филол. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган дисс. – Самарқанд: А.Навоий номидаги СамДУ, 2001. – 144 б.
7. Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – Таллин, 1964. – 6 с.
8. Виноградов В. В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М.: Наука, 1977. - С. 140-161
9. Виноградов В.В. Русский язык. – Москва. Наука, 1972. – 639 с.
10. Гарбовский Н.К. Теория перевода. М.: Изд-во Московского университета, 2004. – С. 285-313.
11. Геворгян Т.Р. Анализ структурно-семантических особенностей соматических фразеологических единиц испанского языка (в

- сопоставлении с армянским и русским): Афтореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ереван: Ереванский государственный университет, 2006. – 28 с.
12. Городецкая И.Е. Фразеологизмы-соматизмы в русском и французском языках: Афтореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2007. – 28 с.
 13. Гудков Д. Б. ЛОБ и ЗУБ(-Ы) в соматическом коде русской культуры // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2006. - Вып. 33. – С. 48-55.
 14. Гудков Д. Б. «Кровь» в соматическом коде культуры (по данным русской фразеологии)) // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2003. - Вып. 23. – С. 15-28.
 15. Жуков В.П. Русская фразеология. – М: Высшая школа, 1986. – 310 с.
 16. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978. – 160 с.
 17. Захаренко И. В. «Ноги» в соматическом коде культуры (на примере фразеологии) // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2003. - Вып. 25. – С. 86-96.
 18. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. М.: Международное отношение, 1986 – 153 с.
 19. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. М.: ЭТС, 2001. – 424 с.
 20. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). М: Высшая школа, 1990. - С. 52-152.
 21. Кудрат Мусаев. Таржима назарияси асослари. Т.: Фан, 2005. – 183-249 б.
 22. Куницкая Н.Д. Соматические фразеологизмы в современном молдавском языке: Дисс. ... канд. фил. наук. – Кишинев, 1985. – 180 с.
 23. Ларин Б.А. История русского языка и общее языкознание. - М., 1977. - С. 125-149
 24. Ларин Б.А. Очерки по фразеологии: о систематизации и методах исследования фразеологических материалов // Ученые записки ЛГУ № 198. Серия филологических наук. В. 24. Очерки по лексикологии, фразеологии и стилистике. 1956. С. 215-218

25. Лим Су. Корейские народные изречения. М.: Наука, 1982. – 352 с.
26. Назаров Н.О. Соматические фразеологизмы ишканимского языка: Дисс. ... канд. фил. наук. – Душанбе, 2008. – 245 с.
27. Пак Сон Гу. Национальная специфика фразеологизмов русского и корейского языков // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 1999. - Вып.7. – С. 33-46.
28. Пак Сон Гу. Национально-культурная специфика названий животных в русской и корейской фразеологии // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2000. - Вып.14. – С. 69-75.
29. Пак Сон Гу. Фитонимы в русской и корейской фразеологии // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2000. - Вып.12. – С. 20-27.
30. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви. Т.: Университет, 1992. – 126 б.
31. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т.: Ўқитувчи, 1978. – 406 б.
32. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 380 б.
33. Рахматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик. Т: Фан, 1966. – 262 б.
34. Рахматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. Т.: ЎзССР Фанлар Академиясининг нашриёти, 1955. – 28 б.
35. Ройзензон Л.И., Авалиани Ю.Ю. Современные аспекты изучения фразеологии // Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе. Вологда, 1967. – С. 68-81.
36. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: филол. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган дисс. – Т.: М.Улуғбек номидаги ТошДУ, 1998. – 160 б.
37. Утробина А.А. Основы теории перевода. М.: Приор-издат, 2006. – С. 90-123.

38. Чой Юн Хи. Проблемы сопоставления внутренней формы фразеологизмов // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2001. - Вып.16. – С. 37-49.
39. Чой Юн Хи. Фразеологический образ в коннотативном аспекте (на примере соматических фразеологизмов русского и корейского языков) // Язык, сознание, коммуникация. М.: Макс Пресс, 2001. - Вып.17. – С. 81-96.
40. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. Москва. Высшая школа, 1985. - 160 б.
41. Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. М.: Наука, 1988. – С. 84-99.
42. Ширнэн Ц. Сопоставительное исследование фразеологизмов монгольского и русского языков (лингвокультурологический аспект): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2006. – 24 с.

Инглиз тилида

43. Zoltàn Györke. A comparative analysis of Russian and Hungarian somatic phraseologisms: Ph.D. Dissertation Theses. – Debrecen, 2002. – p. 25

Корейс тилида

44. 강위규. 관용 표현의 개념과 성립 요건// 한글 209 호. 서울: 한글학회, 1990. - pp.141-162.
45. 강정선. 영어 Idiom 의 특성과 교수 방법. – 서울: 시립 대학교, 1982. – 341 p.
46. 김광해. 어휘 연구의 방향, 국어학의 새로운 인식과 전개// 김완진선생 회갑기념논총. 경기도 파주시: 민음사, 1991.
47. 김규선. 국어 관용어구 (idiom)의 연구 // 논문집 14. 대구: 대구 교육대학, 1978. - pp. 99-113.
48. 김문창 . 속어 개념론// 기곡강신항교수 회갑기념 국어학 논문집. 서울: 태학사, 1990. - pp.129-154.

49. 김문창. 관용어 // 국어 연구 어디까지 왔나. 강원도 속초시: 동아출판사, 1990.
50. 김문창. 국어 관용어의 연구 // 국어연구 30. 서울대 석사 학위 논문. 서울, 1974.
51. 김문창. 국어의 의미론적 유연성 연구 // 낙선문학 제 5 호. 낙선어문학회, 1966.
52. 김문창. 속어론- '눈'의 의미장 // 논문집 14. 강원도 춘천시: 강원대학교, 1980. - pp. 57-74.
53. 김옥분. 한국어 관용어 연구 동향에 대한 고찰. 인하대 석사 학위 논문. 인천: 인하대학교, 1994. - 150 p.
54. 김인한. 국어의 관용어에 대한 고찰. 전남대 석사 학위 논문. 광주: 전남대학교, 1983. - 92 p.
55. 김종택. 국어 어휘론. 서울: 탈출판사, 1992. - pp. 255-269.
56. 김종택. 이디엄 연구. 어문학 통권 제 25 호. 서울: 한국 어문학회, 1971. - pp. 97-112.
57. 김혜숙. 한국어의 익은말 연구 // 목멱어문 5. 서울: 동국대, 1993. - pp. 1-60.
58. 노수련. 언어 기구에 대하여: 관용구와 어법에 대한 고찰 // 정음 16. 조선어학연구회, 1936. - pp. 7-13.
59. 문금현. 국어의 관용 표현 연구. 서울: 태학사, 1999. - p. 235
60. 문종선. 국어 관용어 연구. 원광대 석사 학위 논문. 전라북도 익산시: 원광대학교, 1994. - 93 p.
61. 박영순. 관용어에 대하여 // 선암이을환교수 화갑기념 논문집. 국어교육, 1985. - pp. 105-122.
62. 박영순. 한국어 문장 의미론. 서울: 박이정, 2001. - pp. 261-264.
63. 박영순. 한국어 의미론. 서울: 고려대학교 출판부, 2004. - pp. 246-250 .
64. 박영순. 한국어 화용론. 서울: 박이정, 2007. - pp. 217-220 .

65. 박영준, 최경봉. 관용어 사전. 경기도 파주시: 태학사, 2007 – p. 443
66. 박진수. 국어 관용어 연구. 경북대 석사 학위 논문. 대구: 경북대학교, 1985.–95 p.
67. 서정수. 국어문학. 서울: 한양대학교 출판원, 1996. – p. 1568.
68. 성광수. 국어의 단어 형성과 의미해석. 서울: 월인, 2001. – pp. 493-573.
69. 신현숙. 동사 '앉다/서다/눕다'의 쓰임과 의미 확장 // 제 21 회 국어학회 공동연구회. 1994.
70. 심재기. 한국어 관용 표현의 화용론적 연구. 관악어문연구 11. 서울: 서울대 국문과, 1986. - pp. 27-54.
71. 안경화. 한국어 속어의 유형에 대한 분석적 연구. 서울대 석사 학위 논문. 서울: 서울대학교, 1987. – 90 p.
72. 양영희. 관용 표현의 의미 구현 양상// 국어학 26. 서울: 국어학회, 1995. - pp. 171-200.
73. 엡센스 국어사전. [제 6 판] 서울: 전면개정판, 2006
74. 외국인을 위한 한국어 문법 1. 서울: 커뮤니케이션북스, 2005. – pp. 313-460 .
75. 유승국. 동사의 다의화 유형 일 고찰. 중앙대 석사 학위 논문. 서울: 중앙대학교, 1994.
76. 윤희수. 관용어의 고정된 어순 분석 // 논문집 10. 금오 공과대학, 1989.
77. 이상억. 국어 관용 표현의 분석과 어휘부 내에서의 처리// 인문논총 34 집. 서울: 서울대학교, 1995. - pp.1-45.
78. 이영희. 국어의 관용적 표현과 의미의 다의화에 관한 연구// 어문논집 9. 서울: 중앙대학교, 1982.

79. 이영희. 국어의 관용적 표현에 의한 의미의 다의화 연구. 인하대 석사 학위 논문. 인천: 인하대학교, 1982
80. 이종철. 의사 소통 능력 신장을 위한 함축적 표현의 여구. 서울대 박사 학위 논문. 서울: 서울대학교, 1993. - 166 p.
81. 이택희. 관용적 표현의 언외 의미 연구. 전북대 교육대학원 석사 학위 논문. 전라북도 전주시: 전북대학교, 1983. 50 p.
82. 이훈종. 관용구(慣用句)와 그 배후(背後) 민담(民譚) // 국어문학 24. 국어국문학회, 1961. - pp. 29-37.
83. 임경순. 관용어와 언어 구조 // 연암현평효박사 회갑기념 논총. 1980.
84. 임경순. 한국어에서 본 Chafe 의 의미와 언어 구조 // 용봉논총 9. 광주: 전남대 인문과학 연구소, 1979. - pp.61-84.
85. 장경희. 국어의 간접 표현// 주시경학보 1. 서울: 탑출판사, 1988.
86. 장세경 · 장경희. 국어 관용어에 관한 연구// 한국학논집 25 집. 서울: 한양대 한국학 연구소. 1994. - pp. 295-318.
87. 정옥주. 한국어 관용어 연구. 고려대 교육대 교육대학원 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1985. - 96 p.
88. 조병태. 영어 관용구의 해체 현상에 관한 연구// 영학논집 7 집. 서울: 서울대 영문과, 1984. - pp.103-122.
89. 최경봉. 국어 관용어 연구. 고려대 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1993. - 100 p.
90. 표준국어대사전. 국립국어연구원.서울: 독산동아, 1999

91. 한정길. 속어 표현에 대하여 // 어학연구 22-1. 서울: 서울대 어학연구소, 1986. - pp.41-65.
92. 황수미. 국어 관용어의 의미론적 고찰. 고려대 석사 학위 논문. 서울: 고려대학교, 1994. - 67 p.
93. 황희영. 한국 관용어 연구 // 성곡논총 9. 선곡 학술문화 재단, 1978. - pp.65-166.
94. 홍재성. 먹다 속어 동사 구문의 통사적 기술// 어학연구 29-3. 서울: 서울대 어학연구소, 1993. - pp. 279-299.

Интернет сайтлар

95. <http://krdic.naver.com/list.nhn?kind=idiom>
96. <http://krdic.naver.com/detail.nhn?docid>
97. <http://endic.naver.com/krenEntry.nhn?entryId>
98. <http://academic.naver.com/view.nhn?doc>
99. <http://www.dbpia.co.kr/view/>
100. <http://www.nanet.go.kr>

№	Корейс тилидаги соматизмлар ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси	Фр-зм сони	№	Корейс тилидаги соматизмлар ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси	Фр-зм сони
1.	가슴 Юрак	91	45.	머리 Бош	79
2.	가죽 Тери	5	46.	머리끝 Бошнинг тепа қисми	3
3.	간 Жигар	23	47.	머리카락 Соч	1
4.	간덩이 [肝-] Жигар	1	48.	머릿발 Соч толаси	1
5.	간장 Жигар	11	49.	면목 [面目] Юз	2
6.	고개 Бош	17	50.	모가지 Томоқ	4
7.	고향 [膏育] Юракнинг юкори ва қуйи қисми	1	51.	목 [目] Кўз	2
8.	고혈[膏血] Ёғ ва қон	1	52.	목 Томоқ	41
9.	골머리 Бош	2	53.	목구멍 Ҳикилдоқ	3
10.	골치 Бош	3	54.	목젓 Тилча	1
11.	군살 Чарви	2	55.	목청 Товуш пайчалари	3
12.	귀 Кулоқ	69	56.	무릎 Тизза	4
13.	귀밑 Кулоқнинг орқа қисми	3	57.	발 Оёқ	68
14.	귀밑머리 Зулф	4	58.	발목 Тўпик	7
15.	귀청 Ноғора парда	1	59.	발바닥 Оёқ кафти	2
16.	귓가 Кулоқ супрасининг чети	2	60.	발톱 Тирноқ (оёқ)	1
17.	귓구멍 Ташки кулоқ йўли	1	61.	배 Қорин	10
18.	귓등 Кулоқ супраси	1	62.	배꼽 Киндик	3
19.	귓문 [-門] Ташки кулоқ йўлининг бошланғич қисми	1	63.	뼈 Суяк	15
20.	귓전 Кулоқ супрасининг чети	4	64.	뼈다귀 Суякча	1
21.	꼭뒤 Бошнинг орқа қисми	3	65.	뼈대 Скелет	3
22.	공무니 Думғаз	3	66.	뺨골 Суяк кўмиги	5
23.	낫 Юз, чехра	16	67.	손가락 Бармоқ (қўл)	8
24.	낫빚 Башара, турк	3	68.	속 Юрак, бағир	59
25.	눈 Кўз	172	69.	속살 Терининг ёғ қатлами	3
26.	눈깔 Кўз соққаси	1	70.	손 Қўл	147
27.	눈꺼풀 Қовоқ	1	71.	손금 Кафтдаги чизиклар	2
28.	눈동자 Кўз қорачиғи	1	72.	손끝 Бармоқ учи	5
29.	눈살 Икки қош орасидаги ажин	1	73.	손목 Билак	1
30.	눈시울 Кўзнинг ташки бурчағи	2	74.	손바닥 Кафт	1
31.	눈썹 Қош	4	75.	손뼉 Кафт	1
32.	눈알 Кўз соққаси	3	76.	손톱 Тирноқ (қўл)	6
33.	눈허리 Бурун қирраси	1	77.	수 [手] Қўл	2
34.	다리 Оёқ	7	78.	심장 Юрак	3

35.	다릿골 Оёк суяги	1	79.	쓸개 Ўт пуфаги	2
36.	담 Ўт пуфаги	3	80.	아귀 Бош ва кўрсаткич бармоқ ораси	9
37.	대가리 Калла	3	81.	안면 [顔面] Юз, бет	4
38.	두각 Бошнинг тепа қисми	1	82.	안중 [眼中] Кўзнинг ички қисми	2
39.	뒤꽂무니 Думғаза	1	83.	애 Ичак (архаик)	15
40.	뒤통수 Энса	5	84.	어금니 Озиқ тишлар	1
41.	등 Бел	15	85.	어깨 Елка	21
42.	등골 Орқа мия	1	86.	얼굴 Юз	49
43.	등골 Умуртқа	7	87.	엉덩이 Думба	4
44.	등줄기 Умуртқа	1	88.	옆구리 Ён, биқин	1
89.	오금 Тақим	7	102.	털 Тук	1
90.	이 Тиш	6	103.	팔 Қўл	4
91.	이[耳] Қулоқ	1	104.	팔꿈치 Тирсак	1
92.	이마 Пешона	4	105.	폐부 Ўпка	2
93.	인중 юқори лабнинг юқори қисмидаги ботик	1	106.	피 Қон	14
94.	입 Оғиз	113	107.	피부 Тери	2
95.	입술 Лаблар	1	108.	핏대 Қон томири	3
96.	족 [足] Оёк	2	109.	핏줄 Қон томири	5
97.	주름 Ажин	3	110.	허리 Бел	14
98.	주먹 Мушт	3	111.	허파 Ўпка	1
99.	창자 Ичак	2	112.	혀 Тил	11
100.	코 Бурун	36	113.	혹 Шиш, ғурра	2
101.	턱 Жағ	4	114.	할개 Ён	2

*Ушбу рўйхатда фақат фразеологизмлар таркибида қатнашган соматизмлар келтирилган. Фразеологизмларнинг кўрсатилган сони 3-иловага асосан олинган.

Соматизмлар	Маънолари
귀	1) эшиштиш аъзоси; 2) “꺅바귀”нинг қисқартирилган шакли; 3) “꺅때”нинг қисқартирилган шакли; 4) ўткир қиррали нарсанинг бурчаги; 5) игнанинг ип ўтказидиган жойи; 6) чўнтакнинг туб қисми; 7) турумаги ёки чогорининг ёқаси; 8) “꺅귀”нинг қисқартирилган шакли; 9) корейс шашка тахтасининг бурчаги; 10) тўловга бериладиган қайтим.
반	1) кўриш аъзоси, кўз соққаси; 2) кўриш, кўриш қобилияти; 3) предметни кўриб фикрлаш кучи; 4) кўрадиган шакл ёки инсон хулқи; 5) қараш, назар, 6) тайфун кўзи (маркази)
머리	1) тананинг бош қисми; 2) соч; 3) ўйлаш ва фикрлаш қобилияти; 4) нарсанинг устки ёки олд қисми; 5) ишнинг боши; 6) ташкилот бошлиги; 7) қайсидир вақтнинг бошланиш пайти; 8) бирон бир жойнинг боши.
목	1) тананинг бўйин қисми; 2) томоқ; 3) барча нарсаларнинг бўйнига хос қисми; 4) бошок осилиб турадиган қисм; 5) бошқа жойга тушиб ўтиб кетолмайдиган йўлакнинг муҳим тор жойи; 6) томоқ орқали чиқадиган овоз каби маъноларга эга.
발	1) одам ёки ҳайвон оёғи; 2) жиҳоз ва усқуналарнинг оёқ қисми ёки пастки таянч қисми; 3) қадам; 4) қадамни санашда қўлланувчи дона сон
손	1) тананинг қўл қисми; 2) бармоқ; 3) қўл кучи; 4) маҳорат; 5) қобилият, ҳийла – найранг; 6) хизмат; 7) мулк ёки куч-қудрат доираси; 8) куч, қобилият.
입	1) бошнинг лаблардан то томоққача бўлган оғиз қисми; 2) лаб; 3) хўрандалар сони; 4) гапириш одати; 5) ўзганинг гапи ёки хабари; 6) бир ўтирганда ейиладиган овқат миқдори.

Фразеологизм	Маъноси
가슴(을) 앓다	Кутилгандек бўлмаганлиги сабаб қалб оғримок
가슴(을) 퍼다	Кўнгли очик, самимий бўлмоқ
가슴(이) 뿌듯하다	Кўнгли тўлмоқ; хотиржамлик ёки қониқишни ҳис қилмоқ;
가슴(이) 설레다	Ҳаяжонланмоқ; хурсанд бўлганда, ноқатсизлик билан кутаётганда, нотинчлик вазиятида юрак дукиллаб урмоқ
가슴속에 남다	Хотирада қолмоқ
가슴앓이	(Ишлар юришмагидан) қийналиш ёки безовталаниш
가슴에 간직하다	Қалб(и)да (хотирада) унутмасдан сақламоқ
가슴에 그리다	Тасаввур қилмоқ; орзу қилмоқ.
가슴에 넣어 두다	Айтмоқчи бўлган гап(и)ни айтмаслик; гапирмасдан кўнгилда сақламоқ
가슴에 달다	Таассурот қолдирмоқ
가슴에 맺히다	(Қаҳр-газаб ёки нотинчлик) қалб(и)ни чулғаб олмоқ
가슴에 멍이 들다 (지다)	Юраг(и) қон бўлмоқ. =가슴에 피멍이 들다
가슴에 못을 박다	Қалб ичи чуқур қайғули ва аламли ўйлар билан банд бўлмоқ
가슴에 박히다	Хотирада муҳрланмоқ
가슴에 불이 붙다	Қалбда ҳиссиётлар чўғ урмоқ
가슴에 새기다	Қалбда муҳрланмоқ. Узоқ вақт давомида унутмаслик. Осонгина эсламоқ / хотирламоқ.
가슴에 손(을) 얹다	Инсоф билан иш тутмоқ
가슴에 손을 얹다	Кўнгилни тинчлантирган ҳолда жимгина ўйламоқ
가슴에 와 닿다	Таассурот қолдирмоқ.
가슴에 짚이다	Ўйлайдиган нарсаси бор
가슴에 칼을 폼다	Сухбатдошга қўпол муносабатда бўлмоқ; қалб(и)ни яраламоқ
가슴에 파고 있다	Таассурот қолдирмоқ
가슴에 피멍이 들다	Юраг(и) қон бўлмоқ
가슴으로 느끼다	Қалбан ҳис қилмоқ
가슴을 굶다	Ачинарли ҳолатдан қалб(и) ўкинмоқ ёки кучли тарзда таъсирланмоқ (ШК)
가슴을 도려내다	Қалб(и)ни оғритмоқ
가슴을 뒤흔들다	Юраг(и) жунбушга келганидан бир жой ўтира олмаслик; юраг(и) жизиллади
가슴을 불태우다	Қандайдир хошиш-истак ёки куч қалб(и)да чўғ урмоқ
가슴을 쓰다듬어내리다	= 가슴을 쓸어내리다 1. Тинчланмоқ; 2. Эҳтиёткор бўлмоқ; ташвиш тортмоқ
가슴을 쓸어내리다	1. Тинчланмоқ; 2. Эҳтиёткор бўлмоқ; ташвиш тортмоқ
가슴을 열다	Юраг(и)ни очмоқ
가슴을 올리다	Таассурот қолдирмоқ
가슴을 저미다	Юраг(и)ни тирнамоқ; қалб(и)ни оғритмоқ.
가슴을 적시다	Таассурот қолдирмоқ
가슴을 조이다	Безовталанмоқ; хавотирланмоқ; юраг(и)да ғулғула тушди
가슴을 쥐어뜯다	Юраг(и)ни така-пука қилмоқ; безовта қилмоқ.
가슴을 쥐어짜다	=가슴을 쥐어뜯다. Юраг(и)ни така-пука қилмоқ; безовта қилмоқ.

가슴을 짓찧다	Қалб(и)га қаттиқ оғриқ бермоқ
가슴을 찌르다	Юраг(и)ни тирнамоқ; қалб(и)ни оғритмоқ.
가슴을 치다 (두드리다)	Безовта қилмоқ; афсусланмоқ; иш кўнгилдагидек бўлмаганидан сиқилмоқ; юраг(и)ни сиқмоқ
가슴을 태우다	Кўнгил нотинч (безовта) бўлмоқ.
가슴을 터 놓다	Юраг(и)ни очмоқ
가슴을 털어 놓다	=가슴을 터 놓다. Юраг(и)ни очмоқ
가슴을 파고 들다	Ҳис қилмоқ; қандайдир ўй-фикр ёки ҳис қалб(и)да чуқур ўрнашмоқ
가슴을 허비다	Қалбни оғритадиган даражада таъсирланмоқ
가슴을 헤쳐 놓다	Кўнгилдаги ўйларни яширмай очмоқ
가슴이 (두) 방망이질(을) 하다	Тўлкинланмоқ; безовталанмоқ; юраг(и) безовта
가슴이 꺼지게 (꺼지도록)	Юрак қинидан чиқиб кетадиган даражада
가슴이 내려 왔다	1. Қаттиқ кўрқиш ёки чарчашдан руҳияти тушмоқ; 2. Қаттиқ қайғуга тушгандан, кўнгилни тинчлантириш қийин.
가슴이 넓다	Юраг(и) кенг
가슴이 답답하다	Юраг(и) сиқилди; юраг(и) қон бўлди; қон бўлмоқ
가슴이 덜컹하다	Юраг(и) чиқиб кетди; хайратланмоқ
가슴이 두근 반 세근 반 한다	Юраг(и) жуда кучли урмоқ; юрак(и) дукиллаб урмоқ
가슴이 따뜻하다	Инсонпарвар
가슴이 떨리다	Юраг(и) урмоқ; юраг(и) дукилламоқ; безовталанмоқ
가슴이 뛰다	Юраг(и) урмоқ; юраг(и) дукилламоқ; безовталанмоқ
가슴이 뜨겁다	1. Юраг(и)га ўт ёқадиган; таъсирли; ҳиссиётли; 2. Катта таассуротли
가슴이 뜨끔하다	Кучли стресс натижасида юракда кўрқиш пайдо бўлмоқ ёки виждон азобидан қийналмоқ
가슴이 막히다	Қалб(и) оғримок
가슴이 무겁다	Ғамдан ёки хавотирдан кўнгил тушмоқ
가슴이 무너져 내리다	Жиддий руҳий зарба ёки оғир кулфатдан юракни ушлаганча сиқилмоқ / азоб чекмоқ; довдираб қолмоқ
가슴이 무너지다	=가슴이 무너져 내리다
가슴이 뭉클하다	Таъсирланмоқ; тўлкинланмоқ
가슴이 미어지다	Ғам, қайғу, азобга чидаш қийин
가슴이 방망이질하다	=가슴이 (두) 방망이질(을) 하다
가슴이 벅차다	Кўнгил хурсандчилик ёки ўзгача ишонч (куч) билан тўлмоқ
가슴이 부풀다	Умиди катта; орзу-истак билан тўлиб тошган
가슴이 불타다	Юраг(и) чўғ урмоқ.
가슴이 빠근하다	Хавотир ёки афсусланишларнинг кучайиши натижасида оғриқ, азобни ҳис қилмоқ
가슴이 서늘하다	Юраг(и)га ғул-ғула тушмоқ; безовталиқни ҳис қилмоқ
가슴이 섹떡하다	= 가슴이 섹떡하다
가슴이 섹떡하다	Қаттиқ кўрқмоқ; кўрқув ёки даҳшат ҳиссида бўлмоқ.

가슴이 솟등걸이 되다	Юраг(и) қон бўлди; қон бўлмоқ
가슴이 쓰리다	Руҳан кучли азоб чекмоқ; қалб(и) оғримок
가슴이 아리다	Қалб(и) оғримок
가슴이 아프다	Қалб(и) кучли оғримок
가슴이 열리다	Юраг(и) бўшади
가슴이 울렁거리다	Юраг(и) урмоқ, тўлқинланмоқ; ҳаяжонланмоқ
가슴이 저리다	Қалб(и) оғримок
가슴이 저미다	Қалб(и) оғримок
가슴이 좁다	Юраг(и) тор
가슴이 찢리다	Виждон азобидан қийналмоқ
가슴이 찡하다	Таассурот қолдирмоқ
가슴이 찢어지다	Ғам, алам, азоб-укубатларнинг ортишидан, юрак ёриладиган даражада азобни ҳис қилмоқ
가슴이 철렁하다	Юраг(и) чиқиб кетди; ҳайратланмоқ
가슴이 콩알만 하다 (해지다)	Нотинчликдан ўзини эркин ҳис қила олмаслик
가슴이 타다	Юраг(и)га ғул-ғула тушмоқ; безовталамоқ
가슴이 터지다	1. Юраг(и) сиқилмоқ; юраг(и) эзилмоқ; 2. Кучли ҳаёжон ёки таассуротда бўлмоқ
가슴이 트이다	Кўнгли енгил тортмоқ
가슴이 한 줌만 하다	=가슴이 콩알만 하다 (해지다)
가슴이 후련하다	Кўнгли тинчимоқ; ўзини яхши ҳис қилмоқ
간(을) 졸이다	Қаттиқ безовталанмоқ; ташвишланмоқ
간(을) 태우다	Қаттиқ безовталанмоқ
간(이) 떨리다	Қаттиқ безовталанмоқ; ташвишланмоқ
간(이) 떨어지다	Кўркмоқ
간(이) 마르다	Қаттиқ безовталаниш ёки ташвишланишдан юраг(и) тирналмоқ
간(이) 크다	Юраг(и)да ўти бор; жасур; ўзига ишонувчан
간(이) 타다	Қаттиқ безовталанмоқ; ташвишланмоқ
간담이 내려 앉다	Кўркмоқ
간담이 떨어지다	= 간담이 내려 앉다
간담이 서늘하다	Кўркмоқ
간덩이가 붓다	=간이 붓다
간도 모르다	Ишнинг моҳиятини тахмин қилиб ҳам бўлмаслик
간에 기별도 안가다	Оз миқдорда
간에 바람(이) 들다	1. Ақдан озмоқ; 2. Сабабсиз тез-тез кулиб турадиган одамларга нисбатан танбەх сифатида қўлланувчи ибора
간에 불이 붙다	1. Шошилинч; иши шошилинч бўлмоқ; 2. Ғазабланмоқ
간에 붙었다 쓸개에 붙었다 하다	Мувозанатсиз; мустаҳкам эмас
간을 녹이다	1. Ўзига эътибор қаратмоқ; бировнинг қалбини забт этмоқ; 2. Безовта қилмоқ
간을 빼 주다	Тилёғламалик қилмоқ

간이 뒤집하다	1. Ақлдан озмок; 2. Сабабсиз тез-тез кулиб турадиган одамларга нисбатан танбех сифатида қўлланувчи ибора
간이 붓다	Яшаш тарзига тўғри келмайдиган баландпарвоз гапларни айтмок ёки хатти-ҳаракат қилмок
간이 오그라들다	Қаттиқ безовталанмок; ташвишланмок; кўрқмок
간이 작다	Юраг(и) дов бермаслик; ўзига ишонмаслик
간이 철렁하다	Қаттиқ таъсирланмок; ўзини йўқотиб қўймок
간이 콩알만해지다	Юраг(и)да ўти йўқ; кўрқмок
간장을 녹이다	=간을 녹이다
간장을 태우다	=간을 태우다
간장이 끊다	Қаттиқ хафа қилмок (ранжитмок)
간장이 녹다	1. Нимадир кўнгилга ёқиб, ундан меъеридан юкори даражада қониқиш ҳосил қилмок; 2. 간이 녹다
간장이 타다	Хавотир ва ташвишлар сабаб безовта бўлмок
검은손	1. Салбий таъсир; 2. Яширин куч; 3. Ўғирлик
검은손을 뺀치다	Салбий таъсир қилмок
고개(를) 돌리다	Бошни бурмок
고개(를) 들다	Ўй-хаёл келмок;
고개(를) 짓다	Инкор қилмок; рад қилмок
고개가 수그러지다	Қалбда ҳурмат хисси туғилмок
고개를 가우똥거리다	(Яхши тушуна олмасдан) гумон қилмок
고개를 끄덕거리다	Рози бўлмок
고개를 끄덕이다	= 고개를 끄덕거리다
고개를 내밀다	Пайдо бўлмок; кўринмок;
고개를 들먹이다	Эски ўй-хаёллар яна хотирада келмок
고개를 떨구다	Афсусланмок
고개를 못 들다	Уялмок
고개를 뺨뺨이 들다	1. Ўзини муносиб тутмок; 2. Ўзини қатта тутмок
고개를 수그리다	Руҳият(и) синмок
고개를 숙이다	1. Камтарин; 2. Итоат қилмок (руҳияти тушмок); 3. Ҳурмат қилмок
고개를 조아리다	Бўйсунмок
고개를 쳐들다	Эски ўй-хаёллар яна хотирада келмок
고개를 흔들다	Инкор қилмок; рад қилмок
고혈을 짜내다	(Мушкул аҳволдаги одамдан мол-мулкани) барчасини битта қолдирмасдан тортиб олмок
고항에 들다	Касали оғирлашмок. Касаллик бутун танага тарқалмок
골머리(를) 썩이다	Қийналмок. Қаттиқ безовталанмок
골머리를 앓다	Қийналмок. Қаттиқ безовталанмок
골치(가) 아프다	Ҳал қилиш қийин
골치(를) 썩이다	=골치(를) 앓다
골치(를) 앓다	Ҳал қилиш қийин
군살 빼기	Кераксиз нарсани йўқ қилиш

군살 빼다	Кераксиз нарсани йўқ қилмоқ
귀 막고 아웅 한다	= 눈 가리고 아웅 (2)
귀 베고 꼬리베고	Унга-бунга қилиб тақсимлаш ҳолати
귀 먹은 옥	Эшитилмайдиган даражада бировни койиш
귀 먹은 푸념	Ўзи тўғрисида норози фикрларни эшитмаслик
귀 빠진 날	Туғилган кун
귀(가) 멀다	=귀가 먹다
귀(가) 빠지다	Туғилмоқ
귀(가) 설다	= 귀에 설다
귀(가) 나다	Музокаралар боши берк кўчага кириб қолмоқ
귀(가) 넓다	Тўғрими нотўғрими бировнинг гапини яхши эшитмоқ.
귀(가) 떨어지다	=귀(가) 빠지다
귀(가) 떨어진 돈	Қурби тушиб кетган пул
귀(가) 먹다	Яхши эшитмаслик. Ташқаридаги вазиятни яхши англай олмаслик.
귀(가) 밝다	1. Паст овозни ҳам фарқлай олмоқ; 2. Бировнинг гапини яхши эшитиш / тушуниш; 3. Маълумот ва янгиликни тезлик билан тушунмоқ.
귀(가) 여러다	Ҳамма гапга дарров ишонадиган; осон алданиб қолмоқ
귀(가) 질기다	Ахмоқ бўлгани учун бировнинг гапини яхши тушунмаслик
귀(를) 기울이다	Бировнинг гапини диққат билан эшитмоқ
귀(를) 달다	Тўлиқ бўлмаган нутқ ёки матн мазмунига бироз қўшимча киритмоқ
귀(를) 뜨다	(Одам ёки ҳайвон) дунёга келиб биринчи овозни эшитмоқ
귀(를) 주다	1. Гапни яширин тарзда эшитмоқ; 2. Бировга эҳтиёт бўлишни билдирмоқ
귀(에) 설다	Эшитиб бўлмайдиган даражада тез
귀가 무르다	= 귀(가) 여러다
귀가 쏘리다	= 귀가 솔깃하다
귀가 가렵다	Кулоғ(и) кизимоқ
귀가 간지럽다	=귀가 가렵다
귀가 닳다	Бир неча бор эшитганлиги сабаб зерикмоқ
귀가 도자전 마룻구멍이라	=귀가 보배라 [도자전이라/산훗가지라]
귀가 따갑다	Кўп эшитган
귀가 뚫리다	Эшитмоқ; кулоққа чалинмоқ
귀가 뜨이다	Диққатни жалб қилмоқ
귀가 번쩍 뜨이다	Кулоққа ёқмоқ
귀가 보배라 [도자전이라/산훗가지라]	Ўқимаган бўлса ҳам, биладиган нарсаси кўп
귀가 솔깃하다	(Бирор гапни) диққат билан эшитмоқ
귀가 아프다	(Такрорлашдан) кулоқ оғримоқ
귀가 얇다	Бировнинг гапига қараб ҳаракат қилмоқ
귀가 어둡다	Кулоғ(и) оғир
귀가 열리다	= 귀가 트이다
귀가 울다	Кулоққа ғалата товуш эшитилмоқ

귀가 절벽이다	1. Бирор хабарни умуман эшитмаслик; 2. Дунёдан беҳабар
귀가 트이다	Дунёдаги вазиятни тушунмоқ
귀가 항아리만 하다	Бировнинг гапини ҳаммасини хатосиз эшитмоқ
귀동냥	Бировнинг гапини эшитиш
귀뽀	Ваъда бериш
귀를 도사리다	Хаёлни жамлаб диққат билан эшитмоқ
귀를 맞추다	Етишмаётган пул миқдорини тўлдирмоқ
귀를 세우다	Кулокни диккайтирмоқ; кулокни динг қилмоқ;
귀를 씻다	Кўнгилни хотиржам қилмоқ
귀를 열다	Эшитишга ҳозирланмоқ
귀를 의심하다	Кулокқа ишонмаслик
귀를 익히다	= 귀에 익다
귀를 재다	= 귀(를) 기울이다
귀를 재우다	Арз-шикоятларни бартараф қилиб хотиржам бўлмоқ
귀를 팔다	Эътибори ёки хаёли бошқа нарсага чалғимоқ
귀밑머리(를) 마주 풀고 만나다	Турмуш қурмоқ; оила қурмоқ
귀밑머리(를) 올리다	Турмушга чиқмоқ
귀밑머리(를) 풀다	Турмушга чиқмоқ
귀밑머리(를) 풀어엿다	Турмушга чиқмоқ
귀밑에 피도 안 마르다	Ҳали ёш (салбий)
귀밑이 빨개지다	Уялмоқ
귀밖으로 들다	Бировнинг гапини юзаки эшитмоқ
귀에 거슬리다	Кулокқа ёқмаслик
귀에 거칠다	= 귀에 거슬리다
귀에 걸리다	= 귀에 거슬리다
귀에 답다	Эътибор билан эшитмоқ
귀에 들어가다	Бировга етказмоқ; билдирмоқ
귀에 들어오다	Тушунмоқ
귀에 못이 박히다	Ўхшаш гапни бир неча бор эшитгандан, ёқтирмаслик
귀에 싹이나다	= 귀에 못이 박히다
귀에 안 들어오다	Тушунмаслик
귀에 익다	1. Кулокқа таниш; 2. Кулок одатланган
귀에 쟁쟁하다	(Қалбида сақлаб) унутмаслик
귀청이 떨어지다	Жуда баланд овоз
귓가에 맴돌다	Қалб тўрида сақламоқ
귓가에 아른거리다	= 귓가에 맴돌다
귓구멍이 넓다	= 귀가 넓다
귓등으로 들다	Ўзини эшитаётгандек қилиб кўрсатмоқ
귓문이 넓다	= 귀가 넓다

컷전에 맴들다	= 컷가에 맴들다
컷전에 아른거리다	= 컷가에 맴들다; 컷전에 맴들다
컷전으로 듣다	Қизиқишсиз шунчаки эшитмок
컷전을 올리다	(Қалбида сақлаб) унутмаслик
그 얼굴이 그 얼굴이다	Нотаниш одам йўқ
꼬리(를) 달다	1. Бирин-кетин боғланмок (саф тортмок); 2. Қўшимча тарзда айтмок
꼬리(를) 빼다	Қочмок
꼬리(를) 사리다	Эҳтиёткорлик билан аста қочмок
꼬리(를) 잇다	Узлуксиз тарзда давом этмок
꼬리(를) 치다	Мафтун қилмок. Тилёғламалик қилмок
꼬리가 길다	1. Ёмон ишларни давомий тарзда қилмок; 2. Эшикни ёпмасдан кирмок
꼬리가 빠지게	Шошилинч. Асосан 달아나다 ва 도망치다 феъллари билан қўлланади.
꼬리가 잡히다	= 꼬리가 밟히다
꼬리를 (불)잡다	Заиф жойини билмок.
꼬리를 감추다	Қочмок; изи йўқолмок.
꼬리를 남기다	Из қолдирмок
꼬리를 내리다	Бўйсунмок
꼬리를 물다	Бирин-кетин пайдо бўлмок; узлуксиз бўлмок.
꼬리를 밟다	Издан юрмок; кузатмок
꼬리를 숨기다	= 꼬리를 감추다; 꼬리(를) 빼다
꼬리를 흔들다	Мафтун қилмок
꼬리에 꼬리를 물다	Тўхтовсиз тарзда юзага келмок
꼬리표가 떴다	Ёмон баҳоланмайдиган бўлмок
꼬리표가 붙다	Кимга ёки нимага яхши баҳо бермаслик
꼭뒤(를) 누르다	Босим ўтказмок
꼭뒤(를) 눌러다	Босим ўтказилмок
꼭뒤(를) 지르다	1. Босим ўтказмок; 2. Ўзиб кетмок
공무니(를) 빼다	Қочмок
공무니(를) 사리다	= 꼬리를 사리다
공무니가 길다	= 꼬리가 길다
낮(을) 깎다	Ғурур-шаънига путур етказмок (туширмок)
낮(을) 돌리다	1. Қизиқишни тортмок. 2. Бошини бурмок
낮(을) 들고 다닐 수 없다	Уялмок
낮(을) 들지 못하다	Уялиб бировга тўғри қарай олмаслик
낮(을) 붉히다	1. Уялтирмок. 2. Ғазабланмок
낮(이) 간지럽다	Ноқулай вазиятга тушиб уялмок
낮(이) 두껍다	=낮가족(이) 두껍다
낮(이) 뜨겁다	Уялмок
낮(이) 뜨듯하다	=낮(이) 뜨겁다
낮(이) 설다	1. Ўзини ноқулай ҳис қилмок. 2. Қўзга нотаниш

낮(이) 익다	Яқиндан билмоқ ёки билишга арзимоқ
낮가족(이) 두껍다	Сурбет, безбет
낮가족(이) 얇다	Сурбетларча ҳаракат қила олмаслик
낮을 못들다	=낮(을) 들지 못하다
낮을 세우다	Ғурурланмоқ
낮이 서다	Ғурур-шаънини сақламоқ
낮짜(이) 두껍다	Сурбет, безбет. Уятсиз
낮짜(이) 뜨겁다	Уятли ҳолат
낮짜(이) 뜨뜻하다	=낮짜(이) 뜨겁다
내코가 석자	Олдига яқинлашган
냉가슴이 앓다	Қаттиқ хавотирга тушмоқ
뇌리를 떠나지 않다	Унутмаслик
뇌리에 박히다	Хотирада қолмоқ
뇌리에 새겨지다	Унутмайдиган бўлмоқ
뇌리에서 사라지다	Унутилмоқ
누구 코에 바르겠는가	Бир неча кишига бўлиниб берилиши керак бўлган нарса жуда оз миқдорда
눈 깜짝할 사이	Кўз очиб юмгунча
눈 둘 곳을 모르다	Довдираб қолганда ёки ноқулай вазиятга тушиб қолганда, қаерга қарашни билмаслик
눈 가리고 아웅	1. Озгина нарса билан бировни алдаш; 2. Фойдасиз ишни шунчаки расмиятчилик учун қилаётгандек қилиб кўрсатиш
눈 뜨고 도둑맞는다	Ҳар доим билса ҳам, барибир алданади ёки зарар кўради.
눈 뜨고 못 보는 세상	=눈을 떠도 코 베어 간다
눈 뜨고 봉사질 한다	Аниқ билса ҳам, барибир алданади ёки зарар кўради.
눈 뜨고 코베어갈 세상	=눈을 떠도 코 베어 간다
눈 밖에나다	Ишончни йўқотмоқ
눈 앞에 나타나다	Ростдан намоён бўлмоқ
눈 앞에 닥치다	= 눈 앞에 나타나다
눈 앞에 두다	Яқин, бурни остида турмоқ
눈 앞에 보이는 것이 없다	Кўркмас
눈 앞에 보이다	Қандайдир жойга яқин қолди ёки мақсадга қарийб эришилди деган ўйда бўлмоқ
눈 앞에 선하다	Хотирада турмоқ; кўз олдида турмоқ
눈 앞이 깜깜하다 (깜깜하다)	Умидсиз бўлмоқ
눈 앞이 아찔하다	눈 앞이 깜깜하다(깜깜하다)
눈 위에 흑	Нафрат уйғотадиган (одамга нисбатан)
눈 코 사이	Яқин масофа
눈 하나 까딱하지 않다	=눈 하나 깜짝하지 않다
눈 하나 깜짝하지 않다	Хотиржам турадиган. Совуққон
눈(을) 감다	1. Ўлмоқ. 2. Бировнинг хатосини кўрмаганликка олмоқ. Кўз юммоқ
눈(을) 감아 주다	Бировни камчилигини ёки хатосини билса ҳам, билмасликка олмоқ

눈(을) 까뒤집다	“눈(을) 뒤집다”нинг кўпол варианты
눈(을) 돌리다	1. Қизикиши ўзгармоқ; 2. Ўзини билмасликка олмоқ
눈(을) 뒤집다	Бирон нарсага берилиб кетиб, эс-хушини йўқотмоқ
눈(을) 딱 감다	1. Бошқа ҳеч нарсага ўйламаслик; 2. Бировнинг камчилигини билса ҳам, билмасликка олмоқ
눈(을) 똑바로 뜨다	Ўзини қўлга олмоқ
눈(을) 뜨고 볼 수가 없다	Жуда даҳшатли
눈(을) 뜨다	Сабаби ёки моҳиятини англаб, оғир вазиятдан чиқиб кетмоқ
눈(을) 뜯장님이다	1. Кўрса ҳам, тушуниб бўлмади; 2. Алифбони билмаслик
눈(을) 밝히다	Диққат ва эътиборни жамламоқ
눈(을) 씻고 보려야 볼 수 없다	Кўриш жуда қийин
눈(을) 주다	1. Ваъда беришни кўз орқали ифодаламоқ; 2. Маълум томонга назар солмоқ. Қизикишини кўрсатмоқ.
눈(을) 팔다	Хаёли бошқа нарсага кетмоқ
눈(을) 피하다	Яширинмоқ.
눈(을) 흘기다	Ёқтирмаслик
눈(이) 시다	Биров қилаётган иш кўнгилга ёқмай, кайфият ёмонлашмоқ
눈(이) 나오다	Меъри ошиб кетганлигидан кўркувга тушмоқ
눈(이) 높다	Диди юкори
눈(이) 돌아 가다	Кўркмоқ. Кўркувга тушиб, газабланмоқ.
눈(이) 뒤집히다	1. Ақлдан озмоқ; қизганишдан нима қилишни билмаслик; 2. Даҳшатли ходиса ёки иш туфайли ақлини йўқотмоқ
눈(이) 멀다	(Бирор нарсага нисбатан хохиш пайдо бўлиши ёки мафтун бўлиб қолганлик сабаб) фикр юритиш қобилиятини йўқотмоқ
눈(이) 무섭다	Кўзга балодек кўринмоқ
눈(이) 부시다	Жуда машхур ёки жозибали бўлмоқ
눈가림(을) 하다	Алдамоқ
눈곱 만하다	Жудаям кичик
눈과 귀를 한데 모으다	Диққатни жалб қилмоқ; эътиборини тортмоқ.
눈길(을) 주다	= 눈(을) 주다
눈길을 끌다	Қизикишни уйғотмоқ; диққатни жалб қилмоқ (тортмоқ)
눈길을 모으다	Қизикишни уйғотмоқ; диққатни жалб қилмоқ (тортмоқ)
눈길이 미치다	Эътибор қилмоқ; аҳамият бермоқ
눈깔(이) 나오다	= 눈알(이) 나오다
눈꺼풀이 씩우다	= 눈(이) 뼈다
눈꼴(이) 사납다	Хулқ-атвори кўнгилни айнитадиган ёки кайфиятни бузадиган даражада бузук
눈꼴(이) 시다	Қилаётган ҳаракати кайфиятни бузиб, кўнгилни айнитмоқ.
눈꼴(이) 틀리다	= 눈꼴(이) 시다
눈도 깜짝 안 하다	Кўркмаслик. Хотиржам турмоқ
눈도 거들떠보지 않다	Менсимасдан жирканиб қарамоқ
눈동자가 풀리다	Эс-хуш(и)ни йўқотмоқ.
눈뜸	Англаш

눈만 깜박거리다	= 눈만 깜박이다
눈만 깜박이다	Ҳеч қандай фикрсиз бўлмоқ
눈만 꿈벅거리다	= 눈만 깜박이다
눈물(이) 나다	Ҳаяжонланмоқ . Таъсирланмоқ
눈물(이) 없다	Ҳиссиётсиз
눈물을 머금다	Чидамоқ; тоқат қилмоқ
눈물을 삼키다	Чидамоқ; тоқат қилмоқ
눈물을 짜다	Кўз ёш қилишга мойил. Сентиментал
눈물이 앞을 가리다	Кўз ёши кўзни тўсмоқ
눈물이 어리다	Кўзи ёшга тўлмоқ
눈물이 지다	Озгина ҳам чўчимасдан хотиржам турмоқ
눈물이 핑 돌다	Хафа бўлмоқ
눈살을 찌푸리다	Ёқтирмаслик
눈시울을 붉히다	(Кўз ёш тўкадиган даражада) таъсирланмоқ.
눈시울이 뜨거워지다	(Кўз ёш тўкадиган даражада) таъсирланмоқ.
눈썰미가 있다	Кўз югуртирмоқ (ўқиш, ўрганиш мақсадида)
눈썹 싸움을 하다	Кўзи илинаётган бўлса ҳам, ухламасликка ҳаракат қилмоқ
눈썹 하나 까딱 안 하다	= 눈썹도 까딱 안 하다
눈썹도 까딱 안 하다	Кўркмасдан хотиржам турмоқ
눈썹도 깜짝 안 하다	= 눈썹도 까딱 안 하다
눈알(이)나오다	(Қандайдир вазият ёки ишга дуч келганда) кўркмоқ
눈알을 부라리다	= 눈을 부릅뜨다
눈알이 돌다	(Қандайдир вазият ёки ишга дуч келганда) кўркмоқ
눈에 가시가 돋히다	Шавқатсизлик ёки вахшийлик билан боғлиқ ҳолат кўзга гавдаланмоқ (ШК)
눈에 거슬리다 [걸리다]	Кўзга ташланмоқ; нохуш ҳис қилмоқ
눈에 거칠다	Кўриниши ёмон бўлганлигидан ёқтирмаслик
눈에 걸리다	Ёқтирмаган ҳолда безовта бўлмоқ
눈에 남다	Аллақачон кўрган нарсаси кўз ўнгидан кетмай, яна аввалгидай бўлиб, кўз олдида гавдаланмоқ (ШК)
눈에 넣어도 아프지 않다	Жуда ёқимли; жуда суюкли
눈에 들다	Кўнгилга ёқмоқ (мос келмоқ)
눈에 들어 오다	Тушунмоқ; каллага кирмоқ
눈에 띄다	1. Кўзга аниқ кўринмоқ; 2. Аниқлашмоқ; равшанлашмоқ
눈에 모를 세우다	Ғазаб, жаҳл тўла кўзлар билан ўткир қараш қилмоқ
눈에 뭐가 씌우다	Фарқлай олмаслик
눈에 밟히다	Кўз олдида тез-тез гавдаланмоқ
눈에 보이는 것이 없다	= 눈 앞에 보이는 것이 없다
눈에 불을 달다	=눈에 불을 켜다
눈에 불을 켜다	1. Кўзи чакнамоқ (хохиш / қизиқиш сабаб); 2. Жаҳли чикмоқ (кўзида ўт чакнамоқ)
눈에 불이 일다	=눈에 불이 나다

눈에 삼삼 귀에 쟁쟁	Чукур таассурот қолдирган инсоннинг кўриниши ёки овози хаёлга тез-тез келиши (ШК)
눈에 삼삼하다	=눈에 아른거리다
눈에 선하다	Кўз олдида турмоқ (хотира)
눈에 설다	Нотаниш; биринчи марта кўрмоқ
눈에 쌍심지가 나다 [서다/오르다]	=눈에 쌍심지를 켜다
눈에 쌍심지를 켜다	1. Кўзи чакнамоқ (хохиш / кизиқиш сабаб); 2. Жаҳли чиқмоқ (кўзида ўт чакнамоқ)
눈에 쌍초롱[쌍불]을 켜 달다	Ниманидир қидириш ёки топиш мақсадида иккала кўзни катта очмоқ. (ШК)
눈에 아른거리다	Унутмасдан хаёлда бўлмоқ. Кўз олдида тез-тез гавдаланмоқ
눈에 안 들어가다	=귀에 안 들어가다
눈에 안경	=제 눈에 안경
눈에 어리다	Унутмай хотирада сақламоқ
눈에 없다	Қизиқишдан ташқарида бўлганлиги сабаб муаммо қилмасдан менсимаслик
눈에 이슬이 맺히다	Кўзга ёш келмоқ; кўзлар ёшга тўлмоқ
눈에 익다	Кўзига таниш. Одатланмоқ
눈에 잘 보이다	Тан олмоқ
눈에 차다	Етарли даражада кўнгилга ёқмоқ. Кутилганидек бўлмоқ.
눈에 천불이 나다	Иситма чикқандек нохуш бўлмоқ (ёки ғазабланмоқ)
눈에 칼을 세우다	Дикқат билан разм солмоқ
눈에 풀칠하다	Кўзни юмиб кўргандек, нарсани яхши кўра олмаслик
눈에 헛거미가 잡히다	(Кучли хохишдан кўз қоронғулашиб) нарсаларни тўғри кўра олмаслик
눈에 화등잔을 켜다	1. Оч қолганлигидан, силласи қуриб, кўзи милтилламоқ; 2. Кучли хохишдан кўз олди қоронғулашиб, нарсаларни тўғри кўра олмаслик
눈에 황달이 뜨다	Бир нарсага жуда киришиб кетганлик (боғланиб қолганлик) натижасида кўзига ҳамма нарса худди ўшадек кўринмоқ (ШК)
눈에 흠이 들어가다[뒹이다]	Вафот этмоқ
눈에(서) 불이 나다	1. Тасодифий ҳолат сабаб жаҳл қилмоқ; 2. Кучли зўриқишдан кўзи оловдек ёнмоқ
눈에서 딱정벌레가 왔다 갔다 하다	Бош айланиб, одам бирдан ўзини йўқотганда, кўз олди қоронғулашмоқ
눈에서 번개가 번쩍나다	Кўз олди бирдан қоронғулашиб, яна ўз холига қайтиши
눈에서 벗어나다	Кўздан қочмоқ
눈에서 피눈물이 나다	Ўлгудек сиқилиб кетмоқ
눈에서 황이 나다	Хафа бўлмоқ ёки рашк қилмоқ
눈엣가시	Ҳаддан ташқари ёқмайдиған одам. Жонга теккан одам. Бош оғрик.
눈웃음을 치다	= 꼬리를 치다
눈으로 말하다	Фикрни қарашлар билан ифодаламоқ
눈을 곤두세우다	Жаҳли чиқиб, кўзи ғазабга тўлмоқ
눈을 굴리다	У ер-бу ерга қараб кўзини ўйнатмоқ

눈을 깔다	=눈을 내리깔다
눈을 깜박거리다	Яхши билмаганликдан, ўзини йўқотиб қўймоқ
눈을 깜박이다	=눈을 깜박거리다
눈을 꺼리다	Бировнинг қарашини ёқтирмаслик ёки қўркмоқ
눈을 꿈벅거리다	=눈을 깜박거리다
눈을 끝다	Қизикишни тортиб, ўзига қаратмоқ
눈을 내리깔다	Жирканмоқ
눈을 떼다	Бирон нарсага қарашни тўхтатмоқ. Кўзини олмоқ
눈을 맞추다	1. Бир-бирининг юзига тўғри қарамоқ; назар ташламоқ; 2. Кўз ташлашиб олмоқ; бир-бирига кўз қисмоқ
눈을 멈추다	Қизикиш билан кўрмоқ
눈을 반짝거리다	Қизикмоқ. Қизикиб қолмоқ.
눈을 반짝이다	Қизикмоқ. Қизикиб қолмоқ.
눈을 번뜩이다	=눈을 반짝거리다
눈을 부라리다	=눈을 부릅뜨다
눈을 부릅뜨다	Ўзини баланд тутмоқ ёки жаҳл қилмоқ
눈을 붙이다	Мизғиб олмоқ; мудрамоқ
